

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САНАТ ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

4

10

ОКТЯБРЬ



ТОШКЕНТ

1948

Doc. No. Y65642.

Doc. No. 1007

М. ШАЙХЗОДА

КОМСОМОЛГА

Бу ёшликнинг сариомасин,
Унинг шонли псмини
Расмини,
Ленин чизди
Инқилобнинг
тонгида.

Наслларнинг,
Усди,
Асрларнинг онгида.
Ёвлар йўлини тўсди —
Мурдона;

Юрди,
Урди,
Қурди —
Янги кошона —
Сталиндан дэрс эшитган
Бу ёшлик,
Юз миллатли қардошлик...
Юксал яна эй шавкатли
Комсомол!
Сенинг йўлинг голиб йул
Урфонларнинг чўққисига
Кўтарил!
Сени оёдин
Истиқболлар кутар,
бил!
Сталиннинг зеҳнидаги иқтидор,
Азмидаги мадордай
Енг бадхоҳлар ниятин,
Туз коммуна даврининг —
Шарафли жамиятин!

Ленин — Сталин комсомолнинг шонли
XXX йиллик тўйига бағишланади.

ҲАМИД ҒУЛОМ

ОЛМОС ҚИЗИ

Повесть

БИРИНЧИ БЎЛИМ

I

Хурматли китобхон, ўн саккиз ёшингизда севганмисиз? Агар севган бўлсангиз, уйқусиз ўтказган оқ кечаларингиз эсингиздами? Романларнинг саҳифаларига тикилиб, икки ошиқ бир-бири блан сўзлашган парчаларнинггина ўқиб, бошқа ерларини ташлаб кетган пайтларингизни хотирлайсизми? Ёки куз кезлари ариқ ёнига тиз чўкиб, тиниқ сувнинг жилваларидан ма'нолар ўқимаганмисиз? Ёшлик севгиси, тентак хаёлотлар сизни улғайтирганига балки иқроор эмасдирсиз?

Катта йўл бўйидаги теракзордан ўтадиган сўқмоқ йўл Мамажон аканинг тепаликдаги янги уйига олиб боради. Мамажон ака янги услубда иморат солди. Анча меҳнат килди. Ленин номили колхоздан олган бутун бир йиллик даромадини сарфлади.

Қишлоқда миш-миш гап.

— Мамажон акага данғиллама иморат нимага керак бўлиб колипти? Ўғли йўқ. Хотини йўқ. Ёлғиз ўзию, ёлғиз қизи.

— Одамнинг кўнглидагини билиб бўлмайди. Битта-яримтани ич куёв қилса керак...

Анов куни олмосли Бобонор аския:

— Чол ўзи уйланармиш, — деган гапни тарқатди.

Хуллас, иморат битди. Ўша куни Мамажон ака катта зивфат бериб, янги уйга кўчиб чиқди.

Санобарнинг „қасри“ Йигиталига кафтидаги чизиқлардай ма'лум. Сўқмоқ йўл тўғри дарвозага олиб боради. Дарвозадан кирилганда, ўнг томонда зина бор. Зинадан баланд айвонга чиқилади. Айвондан уйга икки эшик очилган. Биридан Мамажон аканинг икки уйига, иккинчисидан Санобарнинг биридан — иккинчисига нақшин эшиклар қурилган уч хонасига кирилади. Ҳовли-боғнинг

саҳни бир ярим таноб: ярим таноб гулзор, ярим таноб анор-анжирзор ва боғнинг этагида ўн бир ишком узумзор.

— Боғни гир айлантириб тол экаман,— деди Мамажон ака.— Пояга керак бўлади.

Мамажон ака икки кун бригада даласида қолиб кетди. Қайтиб келиб қараса, боғни гир айлантириб ариқ олинбди, ариқнинг атрофига 700 туп тол ўтқазилибди. У Дадавой қоровул блан гаплашиб ўтириб:

— Йигитали тузук бола кўринади,— деб қўйди.

Терим авжи қизиган вақтда, Йигитали Мамажон акадан хабар ололмай қолди. Ўз бригадасида ишловчи Санобардан бир-икки марта:

— Дадангиз тузукмилар?— деб сўраб қўйди, халос.

Комсомоллар бригадаси пахта теримини колхозда биринчи бўлиб тамомлади. Йигитали 40 центнердан пахта беришга қўл қўйган эди, 80 дан берди. Мамажон ака 73 дан берди. Йигитали мусобақада ютди. Умумий мажлисда колхоз партия ташкилотининг секретари Эгамбердиев Қизил Байроқни чолдан олиб, Йигиталига топширди. Ҳамма чапак чалди. Йигитали негадир Мамажон аканинг юзига қаролмади.

— Хафа бўлманг, ота, Йигитали блан келаси йил ҳам олишасиз,— деб қўйди Эгамбердиев.

— Хафа бўлмайман, ҳозир шогирдларнинг устозлардан ўзган пайти.

Одамлар яна чапак чалди.

Уша мажлисда ўн беш тонна пахта терган Санобар бир сигир ва сакқиз тепки атлас блан мукофотланди.

— Ўҳў, чол яна бўлганича бўлди,— деди, Бобонор аския. Кулги кўтарилди.

Мажлис тарқалди. Йигитали Дали блан бирга Булоқбошидаги самоварга келиб, чойхўрлик қилди.

— Хўш, Дали бола, гапир!

Дали шуни кутиб тургандай, Йигиталини айлантirmoқчи бўлди.

— Санобар заб етилипти-да...

— Гапир, нега гапингни тўхтатдинг, мужмал.

— Бахт қуши кимнинг бошига қўнар экан, дейман-да...

— Сен хотинсан!— деди кутилмаганда Йигитали.

Далининг кичкина кўзлари ёниб кетди.

— Шунинг учун хотинсанки, майда-чуйда гапни кўп гапирасан. Агар уйланмоқчи бўлсанг, севингни гапир, совчи қўй. Нима қиласан бировнинг қулогини қизитиб.

— Алам қилдими? Уйланаман!— Дали дадил гапирди.— Уйланмаганимни кўрасан!

Иккови жим бўлиб қолди. Йигиталининг дили ўртанди. Далига рашк қилди.

— Бўлди... Бу тўғрида гапирган номард.

Йигитали пиёладаги чойни бир ҳўплаб ютди. Далига чой узатди.

— Чой ич.

Йигитали хаёл суриб қолди. Кутилмаганда, Далидан сўради:

— Нега комсомолга кирмайсан?

— Югур-югурга тобим борми?...

Далининг сузи энди алам қилди.

— Афсус... Эҳ, афсус... Мен сени туппа-тузук одамсан, деб юрган эдим...

Йигитали ирғиб ўрнидан турди. Кетмоқчи бўлган эди, олти—етти ёшлардаги бир қиз бола югуриб келиб, ҳамманинг олдида баралла:

— Сойда опам чақирияптилар,— деди.

Бола самоварчи Умрзоққарнаининг қизи эди. Йигитали ҳайрон бўлди, сой томонга кетди.

Кулранг осмонда пага-пага оқ булутлар кезар, ой шам еган кеч эди. Атроф тинч. Ғира-шира қоронғиликда ҳечким кўринмайди.

Йигитали сойга тушди. Ёлғиз чинордан бошқа ҳечнарсан йўқ. Уёқ-буёққа қаради. „Боланинг опаси ким бўлди? Ажаб...“— уйлади у. Чинор тагига борди. Кўкка қаради — бир тўда қалдирғоч учиб ўтди. Ҳечким йўқ...

Йигиталининг юраги орзиқиб урди. Юрагининг дукиллашини ўзи эшитди. Соининг у юзида соп-саноқсиз булоқлар кумуш тангалардай йилтиллаб кўринар, зилол сув тошлар оралаб силжиб оқарди...

Йигитали тепага қаради. Чойхонанинг сойдан кўриниб турган сўрисиди Дали ёлғиз, хаёл суриб, гамгин ўтирарди. „Гапим та'сир этди шекилли, дўст ачитиб гапирарди...“ деб ўйлади Йигитали.

Чинор орқасида бир нарсан лип этди; Йигитали жадал қаради: унинг кўзлари пушти дурра ўраган Санобарга тушди. Йигитали турган ерида қотиб қолди. Анча вақт ўтди.

— Тинчликми?— Унинг топган сузи шу бўлди.

— Тинчлик.— Санобар кулди. Йигиталининг кўзига ҳозиргина кўкдан учиб ўтган қалдирғочлар кўриниб кетди.

— Нега ҳайрон бўлиб қолдингиз?— Санобар яна кулди.

— Йўқ... нега... Ҳайрон бўлганим йўқ. Хурсанд бўлдим. Дадангиз қаердалар?

— Уйдалар. Керакмидилар? Чақириб келайми?

— Йўқ, йўқ... Мен шунчаки... Келинг, хуш кўрдик. Айтгандай, олган мукофотингиз муборак бўлсин!

— Қуллуқ...

Ёшлиқда шундай дақиқалар бўладик, одам у дақиқаларни орзиқиб-орзиқиб кутади. Шундай пайтларда айтиш учун дун'ё-дун'ё гапларни ўйлаб кўяди. Ўша азиз дақиқалар келганда эса гапларини айтмай қолади. Дилдаги гап тилга келмайди. Тил тутилади. Вақт ўтиб кетади. Кейин пушаймон бўлиб юрилади.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Касал, тузалгуси келса, табиб ўз оёғи билан келади, деганларидай, Йигитали орзу қилиб юрган Санобарнинг ўзи келди. Лекин у кунглидаги гапларни очиб айтмайди. Айтиши ҳам маҳол эди. Сизги мол эмаски, „нархи неча пул“ дан гап бошлансал!

Улар узоқ жим қолишди. Бир-бирларига узоқ тикилдилар,

айтмоқчи бўлган гапларини кўзларидан ўқидилар. Улар ҳар кун далада бирга ишлашади, Санобар Йигиталидан маслаҳат олади, Йигитали Санобарга топшириқ беради. Дала шийпониди ўн қиз ва ўн йигит бирга овқат ейди, бирга гурунглашади. Ҳаммаси табиий, оддий, осон туюлади. Энди эса улар ёлғиз, юзма-юз эди.

— Эккан толларингизнинг ҳаммаси кўкарди, гулларингиз тутди, — деди Санобар. — Бизникига қачон келасиз, ё аразлаган-мисиз? Дадам сизни кўп гапирадилар...

— Дадангиз яхши одам. Менинг устозим. Ҳайдамасангиз, бораман.

— Уйнинг тўри сизники. Боринг. Яхши қолинг, мен кетаман. Алла маҳал бўлиб қолди...

Йигитали нима ҳам демоқчи эди, айтолмади. Санобар лип этиб кўздан гойиб бўлди.

Йигитали турган ерида сирхланиб қолди. Кўзига сойнинг нариги юзидаги йилт-йилт порлаётган мингбулоқ, Санобарнинг қора кўзлари, оқ кўйлаги, пушти дурраси кўринди.

У севган эди...

II

Мамажон ака инқилобдан илгари Комилбойваччанинг қўлида ўттиз йил чорақор бўлиб ишлади. Уй-жой қилолмади, уйланолмади. Совет ҳукумати унга ер, сув, эрк берди. Қирқ олти ёшга кириб уйланди. Қирқ етти ёшида фарзанд кўрди. Хотини Мунаввархон қиз туғиб, унга Санобар деб ном қўйди. Олмосда колхоз тузилган йили Санобар беш ёшга кирган эди.

Мамажон ака Охча тоғларига яшириниб ётган сўнгги босмачиларни тугатишда Қизил Армияга ёрдам берди. Ўттизинчи йилда тоғда охирги жанглар бўлди.

Босмачилар қишлоққа кечаси ҳужум қилиб, Комилбойваччанинг ерини бўлишиб олган меҳнаткашларнинг уйини талади. Уша кечаси Баҳромкўр деган қўрбоши Мунаввархонни сўйиб кетди, босмачилар унинг жасадини Булоқбошига олиб бориб ташлади, Мунаввархоннинг қони чашмага оқиб тушди, тилик сув ёш онанинг қонига бўялди. Уша ерга „Онамозор“ деб ном бердилар.

Беш ёшар Санобар блан Мамажон ака ёлғиз қолди. Колхоз тузилди. Мамажон ака тузган колхозга Ленин номи берилди.

У бошқа уйланмади. Бутун куч-ғайратини қишлоқни обод, юртни бадавлат қилишга сарфлади. Кексайиб қолгани учун колхозчилардан илтимос қилиб, раисликдан бўшади, бригада бошлиғи бўлиб қолди.

Мамажон ака қиз отанинг уйида меҳмон эканлигини яхши биллади. Қиз қушининг боласига ўхшайди. Қанот чиқариши блан учиб кетади.

Олтмиш учга кирган чол ўн саккиз ёшар қизининг бошидан не хаёллар кечишини билмайди, албатта. Кечалари уйқуси қочиб кетади. Ёлғиз қизи — унинг кўзи. Кетиб қолса, дун'ё қоронғи бўлиб қолади. Уйлай-уйлай, уйининг охирига етснмайди.

„Ҳар тўқусда бир нуқсон“, деб ўйлайди чол. Турмушида камчилик йўқ, обрў жойида, кимсан,—Фарғона водисига танилган Мамажон ака. Йўлдош отанинг ўзи уни пахта устози деб атайди. Биргина камчилиги — қизи. Бордию, Санобар кетиб қолса, кексайган чоғида якка ўзи нима қилади?

Мамажон ака бултур годовойга икки тонна дон, 37 минг сўм пул олди. Ҳисоб-китоб ярим кечагача чўзилди. Булоқбошидаги эски уйига азон паллада етиб келди. Санобар ухламасдан, дадасини кутиб утирган эди. Қиз анов кун бошлаган чорсисини битказибди. Банорас шоҳига гул блан алла нималар ёзибди.

— Ўҳў... Жуда боплапсан, қизим, балли, — деди Мамажон ака. Чол чорсидаги живир-живир хатни ўқиёлмаса ҳам, кўнглидан бир гап ўтди: „Шу чорси ҳам ўзи блан бирга кетади...“.

У Санобар солиб қўйган ўринга ётди. Қаттиқ чарчаганидан бўлса керак, тез ухлаб кетди.

Мамажон ака тонг чоғида туш кўрди. Тушида, Ленин Олмос қишлоғига келиб, тўғри Мамажон аканинг уйини сўрабди. Санобар дамлаб қўйган ошини сузай деб турган эди, эшикда машина овози эшитилиб қолди. Мамажон ака югуриб чиқса, легковойдан Ленин тушияпти. Шошиб қолганидан, нима қилишини билмай, қулочини ёзиб, ўзини доҳининг бағрига отди. Иккави қучоқлашиб кўришди. Мамажон ака икки гапнинг бирида:

— Раҳмат, отам, қадамингизга ҳасанот! — дердию, суйинганидан, кўзларидан дур-дур ёш оқарди.

— Ҳолингиздан хабар олгани келдим, Мамажон ака, — деди Ленин. — Ишларингиз қандай?

— Яхши, отам, яхши. Етмиш центнердан пахта бердим. Бу йил саксонга қўл қўйганман.

Булар ичкарига кирганда, Санобар айвонга жой солмоқда эди.

— Ёлғиз қизим Санобар шу — деди Мамажон ака. — Бултур 15 тонна пахта терган. Комсомол.

Ленин Санобар блан қўл бериб кўришди, сўнгра айвонга чиқиб ўтирди. Мамажон ака аёққа тиз чўкди. Каклик гўшти солинган палов келди. Ленин овқат устида Мамажон акага маслаҳат берди.

— Янги уй солинг, — деди, доҳи. — Қишлоқдаги электр станциядан сим тортиш керак. Қишлоқда радио ҳам бор экан. Турмушингиз гаштли бўлади. — Ленин кулиб турган кўзлари блан Мамажон акага тикилди. — Хув анави теракзор ёнбошидаги тепалик баҳаво экан. Уйни ўша ерга солинг.

— Хўп, отам, хўп. — Мамажон аканинг кўнглида тугиб қўйган гапларини Ленин топиб айтди.

Ленин овқатдан кейин қишлоқни кўргали чиқиб кетди. Мамажон ака ҳам бирга борди. Ленин номли колхознинг қийғос гуллаб ётган ғўзаларини кўрдилар. Сойдаги кўприқдан ўтгандан кейин:

— Бу ер менинг бригадамга қарайди, — деди Мамажон ака. Ленин кулиб турган кўзлари блан яна унга тикилди.

Улар йўлда давом этдилар. Шу вақт Мамажон ака бировнинг:

„Дада, дада!“ деган сўзларини эшитди. Кўзини очди. Тонг отипти. Теласида қизи Санобар турар эди.

— Мен далага кетдим. Нонуштани тайёрлаб қўйдим. Туринг! Чол қизидан ранжиган бўлса ҳам, сирни бой бермади.

— Хўп, қизим, тураман, — деди.

Қиз, гулзор ёнидаги ариқдан сакраб ўтиб, кўчага чиқди. Мамажон ака бетини ювиш учун ариқ бўйига бориб, узоқ ўтириб қолди. У ҳам шод, ҳам сархуш эди.

— Бўпти, иморатни бошлайман. Ленин айтганича қиламан.

Мамажон аканинг кўзига хотини Мунаввархон кўриниб кетди. Қиз бола онасига ўхшайди, деган гап тўғри. Санобар онасининг нусхаси. „Умри ўхшамасин...“.

Иморат бошланиб кетди.

Мамажон ака шундай режа тузди: „Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор. Наҳотки ёлғизлигимга илож тополмасам? Чунончи: иморат битади. Санобарни узатиб юбормайману, пешонасидагини ич куёв қиламан. Бир фарзандим иккита бўлади. Яхши бўлади. Бағрим тўлади...“.

Бир кун совчилар келди. Охчали Ўктам даллол блан Хатча дастурхончи, данғиллама иморатнинг уёқ-буёғини роса тамоша қилишгандан кейин, ичкари киришди. Ҳечким йўқ. Санобар теримда. Мамажон ака хирмонда. Ўктам даллол самовар қўйди. Иккала сатанг баланд айвонда ўтириб олиб, тоза меҳмон бўлишди.

— Хатча, — деди Ўктам. — Йигит бўлсам, чолникига ич куёв бўлиб кирардим.

— Ёқмай ўлсин, — деди дастурхончи. — кўнглингиз яна нима-ларни истамайди?

— Санобар пишиб турган олма, Далига олиб бермасак, бошқа биров узадию-кетади.

Шу гапларни айтиб, Ўктам даллол устунга осиб қўйилган дурторни олди-да, чала кетди. Хатча дастурхончи уйинга тушди.

Шу пайтда Мамажон ака кириб қолди.

— Қани, бир йиғиштирилиб юборилсин! — деди чол ғазаб блан.

— Элчига ўлим йўқ, ака! Биз совчи бўлиб келдик.

— Яллачиларга берадиган қизим йўқ. Қани, тезроқ кўтарил-ларинг!

— Вой, худой ўлим берсин сассиқ чолга! — Хатча дастурхончи тўнғиллади.

Ўктам даллол бўш келмади.

— Айланай, ака, ҳоврингиздан тушинг. Далидан совчи бўлиб келдик.

— Эгачилар, — деди босиқ, Мамажон ака. — Ростимни айтсам, Санобарнинг боши боғлиқ. Кўнгил қўйган йигити бор. Бекорга овора бўпсанлар. Қани, тезроқ бўлинглар, ҳозир далага кетаман.

Икки сатанг ноилож кетди.

Эртаси кун Олмос йигитлари орасида „Санобарнинг яхши кўргани бор экан“ деган гап тарқалди. Далига ўхшаганлар Мамажон акага салом бермайдиган бўлиб қолди.

Ота блан қизининг сирдош бўлиши қийин. Ота қизининг тақдирига оид гапларни хотини блан гаплашади. Мунаввархон ҳаёт бўлса, Мамажон аканинг ташвиши анча енгиллашган бўларди. Хотинининг қадри ҳар қадамда билинади унга...

Йигитали Москвага, қишлоқ, хўжалик кўргазмасига кетишидан бир кун илгари, уйига кечаси қайтди. Катта йўлда унга ўғри ҳужум қилиб қолди. Йигитали ўғридан бўш келмай, унинг қўлини боғлади; кейин Комил бойваччанинг арзандаси бўлиб чиққан ўша ўғрининг тўппончасини у Далига Сериб қўйди. Дали уқувсиэлиги орқасида ўзини отиб қўйиб, оёғидан яраланди. Бу воқиа ҳақидаги ҳикояларни эшитаман деб, Санобар эртаси куни уйига кеч қайтди.

— Ҳорма, қизим. Нега кеч қолдинг?

— Бор бўлинг,— деди Санобар дадасини қучоқлаб, эркаланди. Улар уйга киришди. Қиз кечга қолганининг сабабини сўзлаб берди: комсомоллар бригадасининг бошлиғи Йигитали кеча Москвага кетибди. Колхоз раиси Дўсматов Йигиталининг ишини вақтинча Санобарга топширибди.

— Бугундан ғўзапоя юлишга тушдик,— деди Санобар.— Бир гектар ерни ғўзапоядан тозаладик. Эртадан трактор шудгар қилади.

— Мендан ўзиб кетибсан, қизим. Балли! Мен эртадан ғўзапоя юлдираман.

Мамажон ака айвондаги кўрпачага ёнбошлади, Санобар отасининг бошига ёстиқ қўйиб берди, кейин чой қўйиш учун ҳовлига тушиб кетди.

Мамажон аканинг кўзига қизининг бўйи анча чўзилиб, қадди-қомати тўлишиб қолгандек кўринди. Анов кунги совчилар эсига тушди. Санобар блан очик гаплашишга жазм қилди. Лекин яна шахтидан қайтди. „Уялади“, деб уйлади. Шу пайтда яна Мунаввархонни хотирлади...

Санобар дастурхон ёзди. Патнусда — майиз, бодом, шинни, суви қочган уч-тўртта нон.

— Бугун хамир қилолмадим. Кечаси қорсам, эрталаб спамаи...

Қиз отасига чой қўйиб, бир бурда нонни пиёлага тўғраб ташлади.

— Туринг, дада, чой ичамиз.— Бир оздан кейин қўшиб қўйди:— Аям саломат бўлсалар, ишим осонлашарди...

— Майли, бутам, хафа бўлма. Ўтганлар ўтди, қолганлар омон бўлсин...

Мамажон аканинг кўзида ёш ўйнади. Қизидан яшириш учун, зўрма-зўраки йўталиб, оғзи аралаш кузини ҳам артиб қўйди.

Чол туриб ўтирди. Пиёладаги иссиқ чойда юмшаган нонни ямлаб еятуриб, ихтиёрсиз, Санобардан сўради:

— Қизим, сени куёвга берсам нима дейсан?

Санобар қип-қизариб кетди. Оз бўлмаса, қўлпдаги пиёла тушиб кетаёзди. Кўзига кўкдан қолдирғочлар учиб ўтган кечаси чинор тагида ёлғиз қолган Йигитали кўриниб кетди.

— Мен бошингизга ёстиқ бўламан, куёвга чиқмайман, — деди Санобар.

— Майли, қизим, ўзинг билдасан...

Санобар ёлғон гапирди. У Йигиталини севди. Сабабки, бугун кечаси тушида Москвани, баланд иморатнинг дарвозасидан кириб кетаётган Йигиталини кўрди...

III

1940 йилнинг 6 ноябрида — байрам арафасида Санобар ишдан барвақт қайтди. Сўқмоқ йўлдан келатуриб, дарвоза олдида кўк отини эгарлаётган дадасини кўрди.

Мамажон ака „Кўк кафтар“га бугун алоҳида оро берибди, анов куни шаҳардан олиб келинган янги эгар-жабдуқни урибди, Олмосга донгги кетган жийронини роса ясантирибди.

— Келганинг яхши бўлди, қизим, — деди Мамажон ака, Санобарни кўриб. — Йигитлиكنинг охири, ҳозир Янгиқўрғонга улоққа кетаман. Эртага кеч қайтаман. Бириси куни меҳмонлар келади, жой-пойни тўғрила.

Мамажон ака узангига бир оёғини қўйиши билан Санобар унинг қўлтиғидан олиб юборди. „Кўк кафтар“ қулоқларини чиқириб, тоғ кийигндай уйноқлади.

— Ҳа, айтгандай... — Мамажон ака яктагининг чўнтагига қўл солиб, занг босган катта калидни олди. — Манз бу калидни ол... Ер тўладаги катта сандиқники. Аянг бизни ташлаб кетгандан бери, очганим йўқ. Ул-були бўлса, шамоллатиб қўй!

— Хўп бўлади.

Мамажон ака отга бир қамчи урди, „Кўк кафтар“ қушдай учди. Кўз юмиб-очгунча катта йўлга чиқиб олди.

Санобар қўлидаги оғир калидни ушлаганча, ўй суриб қолди. Ўн бир йилдан бери очилмай ётган сандиқда нималар бор экан?

Санобар аясини эс-эс билади. Мунаввархон паранжи ёпинмас эди, Чустда алла қайси идорада ишларди. У ишдан келгунча Санобар ухлаб қолар, уйғонганда эса аяси кетган бўларди. У аясини яхши эслолмайди. Фақат... Мингбулоқ бошида сўйилган, қонга беланган ҳолда кўргани ёдида...

Санобар уйга кириб, дарвозани ичидан беркитди. Янги уйга кўчиб келганидан кейин биринчи марта шу бугун ишдан эрта қайтгани учунми, кўп нарсаларни энди кўраётгандек бўлди.

У, ариқ бўйида туриб, айвонга қаради. Бу ерга тўртта узун полос солиниб, дадаси ҳужрасининг деразаси тагига қўйилган хонтахтага кўрпача — ястиқлар тахланган эди.

Санобар уйларга бирма-бир кириб чиқди. Бирорта уйда ҳам дурустроқ полос йўқ, ер очилиб ётади. Қизнинг кўнгли тўлмади. Қайтиб ҳовлига чиқди. Айвонга чиқадиган зинанинг ёнидаги эшикни очиб, ертўлага тушди. Ертўлани зах босиб ётарди. Эшик очилиши билан у ердан думоғига совуқ ҳаво урилди.

Бурчакда катта сандиқ турарди. Санобар калидни солиб, буради. Сандиқ осма соатга ўхшаб жаранглаб кетди. Қиз сандиқ-

нинг қопқоғини базўр кўтарди. Сандиқ лиқ тўла; буюмларнинг тепасида самбит ёғочидан ишланган таёқча бор экан. Санобар таёқча блан қопқоғни кўтариб қўйди.

Сандиқдаги буюмларнинг тепасига иккита юпқа полос ёпиб қўйилган. Қиз уларни олиб чиқиб, иккита уйга ёйди. Полослар уйларнинг сатҳига ўлчангандек тўғри келди.

У, ертўлага қайтиб тушиб, сандиқдаги буюмларни олабошлади. Аввал битта барданка милтиқ блан чармдан ясалган ўқдон чиқди. Санобар ёшлигида бу милтиқни дадасининг елкасида кўрган эди. Сўнгра йигирматача китоб чиқди, битта қизил муқовали китобда Лениннинг сурати бор. Китоблар ичидан чиққан қалин дафтарга араб хати блан алланималар ёзилган. Санобар ўқиёлмади. Китобларнинг тагидан катта тош ойна чиқди.

Санобар китобларни дадасининг уйидаги жовонга терди, қалин дафтарни ўз қутисига солди, тош ойнани уйидаги ёзув столига қўйиб, унга тикилди. У ҳаётида биринчи марта кўзгига қарарди. Лабининг устидаги мунчоқдай хол кўзларидан ҳам қорароқ кўринди. Ўртоғи Қумриой янглишиб тоқ ўриб қўйган тўқсон учта кокили орқаси блан битта бўлиб, қулоқларини қоплаб ётади. Тажжуб, бурни сал пучуқроқ кўринди. Йўқ, пучуқ деб бўлмайди. Ахир, ба'зи қизларнинг бурни яссироқ бўлади-ку. Ярашибгина турадиган яссироқ бурунни кўргандирсиз. Ранги ўзига синиқроқ туюлди. Киприклари қуюқ, қошлари жингалак... Чеккаларига тушиб турган майда сочларини йиғиштириб, ҳўллаб, силлиқлаб қўйди.

Санобарнинг қўллари ёрилиб, қорайиб кетган. Ахир 15 минг кило пахта териш, икки ҳафта кўсак юлиш ҳазилми!

Қиз ҳуснидаги фазилатларга жилмайди, нуқсонларга эса важ топишга уринди.

Санобар уйдан чиқиб, ҳовуз ёнидаги тол тагида ётган супуртини олиб, уй — айвонни, бутун боғни супирди. Хазонларни қоплаб бўлаганда, қош қорая бошлаган эди.

Боғ энди тамомила бошқача тус олди. Гўё чанг босиб ётган ойна артиб қўйилгандай бўлди. Қизнинг дили ҳам равшан тортди. Учоққа олов ёқди. Пиёз блан тузланган гўшти жаз-буз қовурди. Қозонга сув солиб, тувоқни ёпти-да, катта йўлга чиқиб сал юргандан кейин, йўлнинг чап ёқасидаги чаплага борди. Қумриой аяси блан меҳмондорчиликка кетган экан. Унинг укаси Са'дулла чайладан югуриб чиқди.

— Келинг, опа, қани, чайлага!— Са'дулла бийрон-бийрон гапирди.

— Са'дуллажон, — деди Санобар, — Булоқбошидаги Йигитали акангнинг уйини биласанми?

— Нега билмай, биламан!— деди Са'дулла.

— Ўша ерга бор. Тожи холангни бизникига айтиб кел!

— Хўп, опа!— Са'дулла югура кетди.

— Тўхта, Са'дуллажон!— Бола тўхтади. — Кўз ойнагингизни ҳам олиб бораркансиз, дегин.

Бола бошини „ма'қул“ дегандек қимирлатиб, чопганича кетди. Санобар уйига келди. Анча пиёз тўғраб қозонга ташлади.

Айвондаги хонтахта устига йиғилган кўрпачаларни ерга ёзди. Электрни ёқди. Ҳаммаёқ чароғон бўлди. Ариқ бўйида косаларни ювиб ўтирганида, Тожи хола кириб келди.

— Ассалом, келинг, аяжон,— Санобар даст туриб Тожи хола-нинг истиқболига борди.

— Ваалайкум салом, отин қизим.

Санобар Тожи холани айвонга суяб олиб чиқиб, ўтқазди, ор-қасига ёстиқ қўйди.

— Заб баҳаво иморат бўпти. Буюрсин, айланай... Дадангиз қаёқдалар?

— Янгиқўрғонга пайгага кетдилар.

— Вой пайга қурсин... Қишлоқдаги ҳамма эркак ўшаққа ке-типти. Пайга деса, ҳаммасининг жони ҳалак бўлади-қолади.— Кампир, бир оз тасбиҳини ўгириб ўтиргандан сўнг, гапирди:— Ўзинг ёлғизмисан?— Қиздан аввал ўзи жавоб берди.— Яхши айт-дириб келибсан. Мен ҳам зерикиб ўтирган эдим. Йигитали сим-дан хабар юборипди. Маскопга етган эмиш.

Санобар хонтахтага нон қўйиб, кейин шўрвани сузиб келди.

— Сен ҳам қорашўрва қилган экансан. Овқатнинг осони шу.— Кампир косасига нон тўғраб, гапида давом этди.— Бригад бўлсан деб эшитдим. Ростми?..

— Вақтинча. Ўғлингиз келгунча ишлаб тураман.

Санобар ер остидан Тожи холага қараб қўйди. Кампир қадди-ни тиклаб, сўзлай кетди.

— Худо битта ўғил бердию, бирваракайсига бирди. Раҳмат-лик дадасининг худди ўзи. Ўт...

Тожи хола шўрвани хўр-хўр симириб, кейин ивиган нонни еди. Гўштни Санобарнинг косасига ташлади.

— Тишим йўқ. Е, қизим, қарияларники табаррук.

Дастурхан йиғиштирилди. Қиз, кампирга бир пиёла аччиқ чой қўйиб узатаркан, сўради:

— Аяжон, эски хатни биласиз-а?

— Ҳа, биладан. Янгича хат чиқмасдан, қишлоқдаги қизларни ўзим ўқитардим. Аянг Мунаввара ҳам менда ўқиган. Кимсан, Тожи отин деган номим бор.

Бу гапни эшитган Санобар севиниб кетди.

— Бир хат берсам ўқиб берасизми?

— Кўз ойнакни шунинг учун тайинлаганмидинг? Мен чарх йигиртирасанми деппан.— Тожи хола қора духоба камзулининг чўнтагидан кўз ойнагини олди.— Кўзим хира бўлиб қолган. Йирик-роқ ёзилган бўлса, ўқиб бераман.

Санобар уйга кириб, сандиқдан топилган қалин дафтарни олиб чиқди.

— Хат девдинг, китобку... Қани, берчи!

Кампир кўз ойнагини тақиб, қалин дафтардаги ёзувга тикил-ди. Ҳечнарсга кўролмади шекилли, кўз ойнагини дока рўмоли-нинг учи блан артиб яна тақди, узоқ тикилди...

— Кексалик қурсин... Аввал кўздан олар экан...

Санобар: „ўқийолмасмикан...“ деб ташвишга тушди.

— Аяжон, яхшироқ қаранг, балки ўқирсиз...

— „Бу...“ — деб ўқиди Тожи хола. — „Бу... бу...“ — Мунавваранинг хатига ўхшайди, жуда шикаст ёзган.

Санобар кампирнинг ёнига ўтиб ўтирди.

— Аввал чойни ичинг, кейин ўқиб берарсиз.

Кампир чойни ичиб, яна ёзувга тикилди.

— „Бу дафтарга бўлган воқналарни ёздим...“ — Тожи хола хатни ўқийолганидан шодланиб, руҳланиб кетди. — „Аввал кунни турмуш ўртоғим Мамажон ака босмачиларга қарши курашиш учун Олча тоғларига чиқиб кетди. Мен Чустдан — ижрокомнинг хотин-қизлар шу басидаги ишимдан қайтиб келиб, беш ёшар қизим Санобар блан уйда ётганимда, Комилбойваччанинг босмачиларга қўшилиб кетган одамлари бостириб кириб, қўл-оёғимни боғлаб олиб кетишди. Ҳозир бир ертўлада ётибман. Қизим қаерда қолганини билмайман...“.

Тожи холанинг ранги ўзгарди, кўзига ёш тўлди, ўқиёлмай қолди. Санобарнинг ҳалқумига бир нарса тиқилгандек бўлди.

— Ўқинг, аяжон, ўқинг, — деди титроқ овоз блан қиз.

Кампир ўқишда давом этди.

— „Балки мена бугун-эрта ўлдириб юборарлар. Шунинг учун, бор гапни ёзиб бераман, деб, улардан шу дафтар блан қаламни сўраб олдим. Мен эримнинг қаерда эканлигини ҳам, ҳукуматнинг сирларини ҳам айтиб бермайман. Бундан кўра ўлганим яхши. Лекин ўлиб кетганимдан кейин эл-юрт ҳақиқатни билсин деб, шуни ёзиб кетмоқчиман...“.

Санобарнинг кўзига аясининг Миңбулоқ бошида ётган қонли жасади яна кўриниб кетди. Кўзларидан ўт сочилди. У боя кўзига кўринган жилвали қизга ўхшамасди.

Қақилдоқ Тожи хола ҳам энди ортиқ гапирмас, кўзи хатда эди.

— „Мен Дўлан иккилобнинг қизи Мунаввараман...“.

Кампир узоқ ўқиди. Санобар ўзи яхши танимаган аясининг кимлигини, унинг дадасига бўлган севгисини, ислоҳат кунлари ўтказилган тўй, ўзининг туғилиш тарихи, ҳаммаси... ҳаммасини билиб олди. Аяси блан фахрланди. Босмачиларнинг кимлиги унга аён бўлди.

Қалин дафтарга ёзилган тарих охирига етганда, тонг ёришиб қолди. Тожи холанинг ҳам кўзи чарчади. Кампир толиқди. Санобар ёзиб берган ўринга ётар экан:

— Илмга нима етсин. Иложи борича ўқи, қизим! — деб насиҳат қилди.

Эрталаб, нонуштанинг устида Тожи хола жуда сархуш кўринди, кетиш олдида Йигиталидан гап очди.

— Қарс икки қўлдан чиқади, — деди у. — Агар Йигиталидан хат келса, сен ўқиб берасан.

— Хўп, аяжон, хўп бўлади.

Кампир, дарвозадан чиқиб кетатуриб, тўхтади.

— Санобар, — деди. — Йигитали Маскопдан қайтганда, яна бир келаман. — Кейин кулиб қўйди. — Майлими?

Санобар уялди. Жавоб бермади. Тожи хола кетгандан кейин, боғда кезинди. Сарғиш барглар чирт-чирт узилиб, ерга хазон гилами ёзилган эди. „Йўқ, — деди ўзига-ўзи қиз. — Ҳозир хазон фасли... Тўй кўкламга ярашади... Қизил гул очилганда...“.

IV

Санобар уйғонганда, тонг ёришиб келмоқда эди. Ариқ бўйига тушиб, юзини ювди. Гулзорга қаради: бир дона қизил гул очилибди... Кўзида севинч шу'ласи уйнади, лабига енгил жилва қўнди. Юраги орзиқиб кетди.

Тоғ бошида бир парча қора булут осилиб турибди. Бултур саратонда ҳам Санобар тоғ тепасида шунақа булутни кўрган эди. Уша кун қаттиқ шамол туриб, ёмғур кетидан дўл ёғди. Ғузлар ўзини тутиб олгани учун, унча зарар етмади.

Узоқдан карнай, сурнай, ноғораларнинг овози келди. Қизнинг юраги ўйнай бошлади. Бундан етти ой муқаддам: „Тўй кўкламга ярашади“, деб дилидан ўтказган гапи эсига тушди.

Кўклам келди. Қизил гул очилди. Йигитали совчи юборди, бир кун ўзи ҳам келди. Мамажон ака уни иссиқ кутиб олди, узоқ гаплашди. Санобар уй ичкарасидан эшитиб турди.

— Бу — умр савдоси, бўтам, шошма, — деди Мамажон ака, — ҳарбир нарсанинг вақти-соати бор. — Бир оз жим қолгандан кейин қўшиб қўйди: — Ўзинг келганингга хурсанд бўлдим. Мол сотаётганим йўқ, орага даллол қўйиб...

Санобар дадасидан хурсанд бўлди, чунки у Йигиталини ўз ўғлидай билиб гаплашди. Лекин чолнинг ишни орқага ташлагани қизни ранжитди. „Ҳаҳ, — деди ичида у. — Нима қилади бўладиган ишни орқага ташлаб? Тайёргарлик блан май ҳам келиб қолади...“.

Дарҳақиқат, май ҳам келди. Бугун биринчи Май... Қизил гул очилди. Лекин тўй тараддуди ҳали ҳам тугагани йўқ.

Руқия анов кун янги гап топиб келди. Унинг дадаси Аҳмаджон ака — колхоз ҳосилот советининг раиси. У киши раис Дўсматов блан идорада ўтирса, Мамажон ака кириб борибти.

— Маслаҳатга келдим, — депти у. — Йигиталини куёв қилиб олзаяман. Тўйнинг йўсувини гаплашиб олсак...

Дўсматов ҳам, Аҳмаджон ака ҳам бу гапдан жуда хурсанд бўлишибти.

— Чигитни экиб, бир текис ундириб олганимизнинг эртаси тўй, — депти Дўсматов, — тараддудни кўраверинг. Йигитали куёв бўлса арзигудек йигит...

Кеча, 30 апрельда, колхоз чигитни экиб бўлди. Йигитали бошляк биринчи бригаданинг ерида чигит бир текис униб чиқди. 7-ичи бригаданинг ерида ҳам униши дуруст... Бошқа ерларда ҳали кўринмайди. Ернинг нами яхши. Демак, раис айтган муддат яқин.

Кеча райондан Дўсматовникига меҳмонлар келибти. Мамажон ака ҳам ўша ерга кетган. Санобар боғда ёлғиз кезди. Ажаб, кўклам кўп чиройли нарса-да! Бутун олам яшил тўн кийипти. Табиат яшил кўйлак кийиб, қизил рўмол ўраб олган қизга ўхшайди.

Ерда яшил майса, гулларда, дарахтларда яшил барг, шохларда эса қизил гуллар. Бодом, ўрук, шафтолилар қип-қизил гуллаб ётипти. Боғнинг этагида ишкомдан-ишкомга сакраб юрган товуснинг патлари қизил, яшил... Гулзорда қийғос қизғич гунчалар. Анорларнинг ҳам қизил куртаклари унган...

Санобар шу байрам тонгида уйга кириб, тош ойна қаршисида кийинди. Кўкрак бурма қилиб тикилган пушти крепдешин кўйлагини кийди, паст пошнаги оқ туфлисини оёғига илди, ҳаворанг духобага очсариқ ва мовий гуллар тикилган дўпписини бураб ўрилган сочлари тепасига қўндирди. Қўлига мукофотга олган „Зиф“ олтин соатини тақди... Бир нафас ўз ҳуснини ўзи тамоша қилди...

— Санобар, Санобарой!.. — Бировнинг чақирган овози эшитилди. Қизнинг юраги шиг этиб кетди.

— Вой ўлмасам, Йигитали акам!..

Санобар чиқишни ҳам, чиқмасликни ҳам билмади. Наҳотки Йигитали, ёлғизлигини билиб, пайт пойлаб келган бўлса!

Ҳовлига тушиди. Дарвоза олдига борди. Дарвозанинг тирқишидан қаради. Эгнида оқ китель, қўлида тугун блан Йигитали турарди. Ўша эканини аниқ билган бўлса ҳам:

— Кимсиз?.. — деб сўраб қўйди.

— Мен... — деди у, — Очинг, ўзимман.

— Сиз кимсиз?

— Товба.. Менман. Йўловчи...

— Отингиз нима? — Санобар шу саволни бердию, ўзи қиқирлаб кулиб юборди. Кейин дарвозани очди.

— Кираверинг, йўловчи! — деди қиз, яна кулиб.

— Терговчига ўхшайсиз-а... — Йигитали ичкарига кирди. — Байрамингиз қутлуғ бўлсин! — Қўлидаги тугунини узатди. — Сизга совға.

— Қуллуқ... — Санобар ерга қаради, уялди. — Уйга кириг.

— Раҳмат, — деди Йигитали. — Вақти блан кирарман. — Ўзи қизарди, бўзарди. — Кўришгунча хайр...

Шу сўзларни айтдию, ёв қувлагандай, зинғиллаб кетди. „Севгиси чин экан...“ Санобар ичида ўйлади. Кейин айвонга чиқиб, тугунни очди. Яшил чорсига бир кийимлик қичиқ атлас, баланд пошнаги туфли, „Кристалл“ деган атр, оқ конвертдаги хат тулган эди...

Санобар конвертни очди. Тўрт букланган қоғозни ёзиб, шу сўзларни ўқиди:

„Яқинлашиб келаётган тўйингиз мубарак бўлсин. Кеча мени раис чақириб, майнинг охирига ўтказамиз, деди. Сабрнинг таги мурод. Сиз блан танҳо суҳбатлашадиган минутлар ҳам келиб қолар. Сизни ҳар куни минг марта соғинучи: *Йигитали*“.

Санобар хатни қайта-қайта ўқиб чиқди. Кулиб қўйди. Кейин баланд пошнаги ҳаворанг туфлини оёғига кийди. Худди ўлчагандек, лоппа-лойиқ. Ҳаётида биринчи марта баланд пошнаги туфли кияётгани учунми, бемалол юролмади, бир марта қоқилиб ҳам кетди.

Бирдан нимадир гулдиреди. Санобар осмонга қараса, тоғ бошидаги бояги бир парча қора булут уфқнинг ярмини қоплапти. Кун тобора қоронғилашиб бормоқда. Кетма-кет уч-тўрт марта момогулдирак урди. Кўкнинг олис ерида чақмоқ чақди.

Санобарнинг қувноқ кўнглига ғаш тушди.

— Наҳотки дўл ёғса!..

Қиз югуриб уйга кирди, кийимларини ечиб, жомакорини кийди, бошига одми рўмолини ўради. Кўз олдида эндигина униб чиқиб бошлаган нимжон ғўзалар гавдаланди.

Кўкда булут тобора қуюқлашди, кун қорайгандан қорайди. Аҳ'ён-аҳ'ёнда чақмоқ чақиб турди. Санобар нимчасининг чўнтагига бир қути янги гугурт солиб, дарвозадан чиқди ва катта йулга етар-етмас, ёмғир қуябошлади. Бадани увушди. Қадамини тезлатди.

Колхоз правленияси бу пил Санобарни Йигитали бригадасининг биринчи звеносига бошлиқ қилиб тайинлаган. Олти гектар ерда олти қиз ишлайди: Санобар, Руқия, Тўтихон, Қумри, Зумрад, Ойша.

Санобар йўл-йўлакай қизларнинг уйига кирди, ҳаммасини далага бошлаб борди.

Қизлар далага келганда, кун анча совуган, чатирлатиб дўл ураётган эди.

— Гарамдан похол олиб келинглар!

Қизлар, командирнинг буйруғини эшитган жангчилардай, ҳаҳу дегунча қучоқ-қучоқ похол келтириб, звено ерининг ҳар ер-ҳар ерида тутатабошладилар.

Дўл эса зўрайгандан зўрайди...

Уша куни ҳамма далага чиқди. Етиб келган Йигитали Санобарнинг чаққонлиги, маҳоратига қойил қолди.

Бутун далани тутун қоплади. Мунчоқдай-мунчоқдай дўл иссиқда эриб тушарди. Табиат офатининг олди олинди. Ниҳолларнинг ҳаёти омон қолди.

Колхозчиларнинг дўлга қарши жангги кечгача давом этди. Кечқурун соат 9 ларда ёмғир ҳам, дўл ҳам тинди. Ҳаво равшанлашди. Кучли шамол туриб, осмондаги булутлар парчаланиб тарқалди.

Селдан кейин, тиниқ кўкда ўн тўрт кунлик ой кезар, одамлар уй-уйларига тарқалишар эди.

Иккинчи бригада ерининг этагида кетман елкалаб уйига қайтаётган Мамажон акага учинчи бригада кетманчиси Бобонор аския дуч келди.

— Шошдиларинг, бобой, — деди қизиқчи. — Пахтани Майда экса ҳам бўлаверади. Мана, бизнинг еримизда чигит чиққани йўқ, кўнглимиз ҳам тўқ.

— Аския! — деди Мамажон ака, — тишни дўхтур ҳам даволайди, сартарсш ҳам. Кўп биламан деб, вақиллайверманг. Ер қатқалоқ бўлиб қолади. Эртагаёқ юмшатмасангиз, чигитингиз ер тагида чириб кетади. Санамасдан саккиз деманг, аския!

Бобонор ортиқ гапирмади.

Санобар дадасидан илгари уйга келиб дарров чойга олов кўйди. „Дадам ёмғирда ивиб келади. Иссиқ чой ичсин...“. Аммо ўзи ҳам роса ивиган, ҳорган эди. Самоварнинг ўтхонасидан лоп этиб кўтарилган алангага қўлини тутиб, исинди. Лой бўлиб кетган этигини ечиб, калош кийиб олди.

— Бай, бай, бай... — деб Мамажон ака кириб келди. — Оз бўлмаса ҳосилдан ажралай девдик. Балли ғайратларингга, қизим!

Мамажон ака ечинаман деб уйга кирганда, кўзи стол устидаги Йигиталининг совға-саломига тушди. Ҳайрон бўлди. Кўзига бугун далада тутун ичида югуриб юрган Йигитали кўриниб кетди. „Ёшлик... Ёшлик“, деди ичида. Санобардан бу тўғрида ҳеч нарса сўрамади.

— Дада, чой тайёр!

Санобар дадасининг бугунги совға-саломни кўриб қолганини фаҳмлади, ўнғайсизланди.

Мамажон ака янги тўнани кийиб айвонга чиқди.

— Сизни кўргали келган эканлар... — Санобар гапни бурмоқчи бўлди.

— Майли, қизим, майли... Келса хафа бўлмайман, ўғлим қатори... — бир оздан кейин сўради, — Нима деди?

— Салом айтдилар...

— Саломат бўлсин. Умрларинг узун бўлсин...

Қиз уялиб, ерга қаради.

V

Қишлоқ советининг раиси Мамадалиев кабинетида ўтириб, қишлоқдаги козхозларнинг ҳаммасига бирма-бир телефон қилди, раислардан биринчи чопиқнинг боришини сўради. Ёзиб олиш керак бўлган нарсаларни ёнида ўтирган секретари Далига айтиб турди. Дали бугун паришон; рақамларни хато ёзади, тушинмагандай қайта-қайта сўраб қўяди.

— Сенга нима бўлди, анқовсирайсан? — Мамадалиев дўқ урди.

— Оёғим оғрияпти...

Дали бундан уч ой бурун қасалхонадан соғайиб қайтди, лекин ҳали ҳам бироз оқсайди. Ўқ оёқ суягини майдалаб юборган бўлса керак.

— Сенга ҳам қийин, — деди Мамадалиев. — Ногира бўлиб қолдинг. Энди армияга ҳам ярамайсан.

Шу вақт Бобонор аския:

— Киравер, уялма, ўртоқ Мамадалиев ўз отамиз — деб, ташқаридаги бировни чақирди.

Нозик қавиб тикилган янги беқасам тўн, оч сариқ хиром этик, қалампир нусха тус дўлли кийган Йигитали кириб келди.

— Салом бердик, ўртоқ Мамадалиевга! — Қўл ўзатди у. Кейин, кўзи Далига тушди. — Ҳа, жийрон бола, шу ерда эканлар! — Дали блан ҳам иссиқ кўришди.

Бобонор аския гап бошлади:

— Буларни никоҳлаб қўясиз, отам. Келин бола ҳам шу ерда.

— Ие, тўй муборак, — Мамадалиев урнидан туриб, эшик томонга йўналди. — Қани улар, кирсин.

Йигитали ундан илгарироқ кўчага югуриб чиқиб:

— Кираверар экансизлар... — деди.

Руқия Санобарни етаклаб кирди. Улар эшик олдидаги иккита курсига омонатгина ўтирдилар.

— Оббо, звено қизимей... — Мамадалиев очилиб кетди. — Заб иш бўпти-да... Қўшақаринглар. — Кейин Далига қаради. — Дали, никоҳ қоғозидан ол. Ёз!

Дали оқсоқланиб бориб шкафдан узун энли дафтарни олди-да, жойига келиб ўтирди; ручкани сиёҳдонга ботираман деб, сиёҳни тўкиб юборди. Қўли қалтирар эди.

— Бер, ўзим ёзаман, — деди Мамадалиев.

Раис ёзабошлади:

— „Йигитали Полвонов...“. Туғилган йилинг?

Йигитали ер остидан жавоб берди: 1922-нчи...

— Яхши. „Санобар Мамажонова...“.

Мамадалиев сўрамасланоқ:

— 1923-нчи... — дея Йигитали жавоб берди.

— Яхши кўрасанми?

Йигитали ерга қаради.

— Ҳа...

Раис Санобардан сўрамади.

— Кўриб турипман, — деди раис, никоҳ қоғозига қўл қўя туриб.

— Эртага, шанба куни кутамиз. Бош бўласиз, ота, — Йигитали тўйга таклиф қилди.

— Хўп-хўп, айтмасанг ҳам борамиз.

Олдин қизлар чиқиб кетди. Кейин „куёвнавкар“ Бобонор аския блан Йигитали чиқди.

Мамадалиев яна телефон қилди.

— Ленин колхози... Ленин колхозими? Ким? Ўртоқ Дўсма-товми? Салом... Биринчи чопиқ тугадими? Иккинчига тушди-нгизми? Раҳмат! Ундай бўлса, эртага тўйга борсак булар экан... — У Далига қаради. — Сенга жавоб. Бориб, тўйга қараш!

Дали бир азволда чиқиб кетди.

* * *

Соат саккизда меҳмонлар йигилиб бўлди. Мамажон ака боғининг ярим саҳнига гир айлантириб стол-стуллар қўйилган, дастур-хонлар ёзилган, 300 кишига етарли жой қилинган эди. Электр-станциянинг монёри Фанижон тўрт ерга мингинчи чироқ ёқди, ҳаммаёқ маш'ала бўлди. Чустдан меҳмон бўлиб келган Дилдор ажаб табиатли йигит экан, 12 та гулдаста ясаб, столларнинг устига тагиб чиқди.

Намангандан бир машина артистлар келди. Улар айвонга тайёрланган алоҳида жойга ўтириб, „Новрўзи-ажам“ куйини ча-ла кетдилар.

Катта йўлда келаётган йигитларнинг қийқириқ кулгиси, кейин баралла ялласи эшитилди.

Тоғ бошида оҳулар, ёр-ёр,
Севганини излайди.
Ошиқ бўлган йигитлар, ёр-ёр,
Ма'шукни кўзлайди.

Охча тоғи маконим, ёр-ёр,
Пахтазор менинг коним.
Муҳаббатнинг рост бўлса, ёр-ёр,
Далага чиқ, жононим!

— Келишаяпти, келишаяпти! — Бобонор ёш боладай ўйинга тушиб кетди.

— Сенга нима? — деди ўртага тушиб Жўраҳон. — Уйланадиган бошқа-ку, сен ўйинга тушасан!

— Жон ака, қайфимни бузманг, куёвлим эсимга тушиб кетди! — Бобонорнинг гапига ҳамма кулди.

Дарвоза олдида Мамажон ака, Дўсматов, Мамадалиев, ботқа раислар, Олмоснинг кексалари йигитларнинг истиқболига чиқиб, қўл қовуштириб туришар эди.

Йигитлар Мамажон аканинг уйи томонга тошқин дар'ёдек гуриллаб оқиб келарди. Меҳмонларда ҳам қандайдир ҳаяжон бор. Шодиёна авжига чиккан пайтда одам маст бўлади, вужудини бир роҳат, завқ тўлқуни босади. Албатта, бундай туйғулар ҳаммадан ҳам отанинг юрагида кўпроқ тўлиб-тошарди.

Йигитлар яқинлашганда, кутиб олчулар олдинга караб ихтиёрсиз уч-тўрт қадам ташлади, четроққа чиқиб, уларга йўл берди.

— Хуш кўрдик! Муборак бўлсин! — Куёвни ҳамма табриклади. Йигитали кўзини ердан ололмас, балки ҳозир қаерда кетаётганини ҳам билмасди.

Йигитлар дарвозадан кирishi блан, Бобонор уларга жой кўрсатди.

Юзга яқин бир хил тўн ва дўппи кийган йигит яса туғлик столлар атрофига тизилиб ўтирди. Бошқа меҳмонлар ҳам жойлашди.

Шу вақт Санобарнинг уйдан Тожи хола бошлиқ хотинлар, Руқия бошлиқ қизлар чиқди. Икки юздан ортиқ одам гур этиб ўрнидан турди.

Куёвнинг орқасида турган Бобонор:

— Бор, қайлигингни бошлаб кел! — деди.

Йигитали ўртоқлари орасидан ажралиб, хотинлар олдига келди. Салом берди. Тожи хола ўғли блан йиғлаб кўришди. Шу вақт Мамажон ака ҳам кўзларига тўлган севинч ёшларини чорсиси блан артиб қўйди...

Қизлар айвонда икки томонга саф тортдилар. Йигитали Санобарни, қўлидан ушлаб, зинадан аста олиб тушди.

Ҳамма ўтиргандан кейин, пиёлаларга қизил ранг майлар қўйилди. Дўсматов ўрнидан турди.

— Қувониб кетдим, — деди раис. — Иш блан овора бўлиб, қишлоғимизда шунча йигитлар, қизлар борлигини билмас эканман. Уҳў... давлатимиз катта экан. Ёшларимиз, уларнинг бахтисаодати учун оқ ичайлик!

Ҳамма кўтарди, оқ ичди.

Мамажон ака ўз кўнглининг шунчалик бўшлигини энди билди. Шодлигидан йиғлагани-йиғлаган эди. Эшикка чиқди. „Мунаввархон кўрса, сўйинчидан юраги ёриларди“, деди. Яна ичкарига кирди. Бобонорнинг олдига борди.

— Менга ҳам қуй, аския!

— Хўп, отаси, хўп. Оқиданми, қизилидан?

— Оқидан.

Бобонор қуйиб берди.

— Болаларим, — деди чол. Ҳамма қулоқ солди. Тожи хола ёнидаги хотинларга ҳимо қилиб қуйди. — Бахт деган нарса осмондан тушмас экан. Қон бадалига, машаққатлар бадалига келар экан. Бахтимизнинг боғбони ўртоқ Сталин соғ бўлсин!

Ҳамма ичди. Ўйин-кулги авжга минди.



Ярим кечада қизлар Санабарни, йигитлар Йигиталини ясатибган уйларга узатдилар. Келин блан куёв ёлғиз қолди.

— Энди ҳеч айрилмаймиз-а? — деди Санобар ерга қараб.

— Ҳеч айрилмаймиз... — Йигитали қизни бағрига босди.

Боғдан ялла садолари, қуш пайравида бўлаётган аския эшитилиб турди.

— Шу соатни қанчалар кутдим. Киши астойдил кутса, етишар экан. Бобонор ака: ука, сабр қил, интизорликнинг гули чиройли бўлади, деб кулар эди. Аския бало...

— Бахтимга ишонгим келмайди... — Санобар эркаланди. — Агар ўзим сойга бориб, сизни чақирмасам, балки...

— Сиз чақирган соатда ҳам, кўнглимда фақат ўзингиз эдингиз... Энди ҳарвақт бирга бўламиз. Ҳечким бизни бир-биримиздан ажратолмайди.

Хотинлар, қизлар Мамажон аканинг уйига кириб ётишди.

Боғда қолган меҳмонлар ҳам тарқалабошлади.

— Хайр, Мамажон ака, қўшақаришсин! — Эгамбердиевнинг товуши эшитилди.

— Омон бўлинглар, келганларингиз учун раҳмат! — Мамажон ака уларни кузатиб қолди.

Музыка садолари тинди. Машина сигнали эшитилди. Артистлар шаҳарга жўнаб кетди. Ниҳоят, Мамажон ака блан Бобонор аския қолди.

— Ҳорманг энди, бобой!

Бор бўл, аския!

Бобонор заҳардай кўкчой дамлаб келди. Тонг ёришаётгани учун, чироқларни ўчирди. Иккави боғда ўтириб, чой ичабошлади.

Деразадан уйнинг ичига тонгнинг оппок шу'ласи кирди. Йигитали чироқни ўчирди, дераза олдига — Санобарнинг ёнига келиб ўтирди. Кулранг кўкда юлдузлар жимирлаб сўнмоқда эди...

— Бугун 22-нчи июнь, — деди Йигитали. — Менинг туғилган куним. 19 га тўлдим.

Шу кеча севинч уларни ухлатмади.

Йигитали Москвадан олиб келган „СВД-9“ радио приёмнигини қўйди.

— Терим олдидан, августда Москвага борамиз, — деди Санобарга у. — Ленинни зиёрат қиламиз.

Приёмник гапирмади. Анча танаффус бўлди. Улар бир-бирига узоқ термулди.

— Москвадан гапирамиз... — Диктор шу сўзларни уч-тўрт такрорлади. — Ўртоқ Молотовнинг халққа мурожаатини эшитдирамиз.

Йигитали рус тилини бир қадар яхши билади, у ўнинчи синфда рус тилидан фақат а'ло баҳо олган. Санобар чала-чулпа тушинади.

Вячеслав Михайлович уруш бошлангани ҳақида гапирди.

Санобар ҳам, Йигитали ҳам дераза ёнида қотиб турар, ўз қулоқларига ишонмас эдилар.

— Уруш!.. — Санобар титради. — Вой ўлмасам, герман босиб кирибти. Энди нима бўлади?

— Ҳечнарсга бўлмайди. — Йигитали дадил гапирди. — Енгамиз. Сталин отамиз бор.

— Сиз ҳам борасизми?

— Албатта.

— Демак, айрилар эканмиз-да!

Санобарнинг кўзларида ёш кўринди.

— Вақтинча айриламиз... Менинг ўрнимда сиз ишлаб турасиз. Йўқлигимни билдирмайсиз.

Йигитали ғамгин Санобарнинг лабидаги холидан ўпди-да, чироқни ёқди. Электрнинг нури тонг ёруғлиги блан қўшилиб, уйни, кўзни тиндирад даражада чароғон қилди. Йигитали куёвлик либосларини ечиб, жомакорини кийди, Санобарни бағрига босди.

— Районга бораман... Уша ердан кетаман. Бир кеча бахтли бўлдик. Хафа бўлма. Унитсам йигит ўлай. Кут. Омон кайтаман

Йигитали бўлиб-бўлиб гапирди. Ёрини узоқ қучоқлади, босим-босим ўпди, йиғлади, ўзини тутиб олиб, боққа чиқди.

Санобар уйда пиқ-пиқ йиглаб қолди.

Мамажон ака блан Бобонор аския ҳамон гурунглашиб ўтиришибти. Улар жомакорини кийиб олган Йигиталини кўриб, сапчиб ўринларидан туришди.

— Нима гап?!

— Уруш! — деди Йигитали. — Радиодан Молотов гапирди. Гитлер босиб кирибди. Мен районга кетдим. Хайр, отажон, кўришгунча!..

Йигитали ўша кунни кечаси фронтга жўнаб кетди...

Дўсматов эрталаб далага чиқиб кетганича пешиндан кейин қайтди. Уни идора олдида секретари Бибинур кутиб олди.

— Сизга повестка келди, — деди Бибинур. — Эртага армияга кетар экансиз.

Дўсматов повесткани шимининг чўнтагига солиб қўйиб, кабинетига кирди. Телефон жиринглади. Раис трубкани олиб, қулоқ солди.

— Мен, Дўсматовман, — деди у. — Эшитаман, ўртоқ Аҳмедов. Яхши, келинг. Мажлисни ишдан кейин чақираман. Хўп! Кутаман.

Аҳмедов — ҲЗК(б)П район комитетининг секретари. „Келса яхши бўлади, — ўйлади раис. — Ишимнинг мазаси йўқ. Ёрдам беради...“.

Раис Бибинурни чақирди.

— Хабар беринг, — кечқурун — умумий мажлис, — кейин, қўшиб қўйди: — Мамажан ака ҳозир келсин.

Раис ғамгин кўринади. Лекин унинг ғамгинлиги армияга чақирилаётгани учун эмас эди. Йўқ. Ўзи ҳам ҳарбий комиссар номига бир неча бор ариза ёзди. Олмадилар.

— Тўхтанг, раис. Керак бўлсангиз, чақирамиз. — деди комиссар.

Дўсматов повестка олмасдан илгари ҳам қайғили эди. Сабабки, ич орқага кетаяпти.. Ғўзаларни чопиш, культивация қилиш графиги муддатида бажарилмаётир. Айни суғориш пайтида сув камчил бўлиб қолди.

У бугун бутун далани пиеда айланиб чиқди. Ғўзалар сувсираб, қоп-қорайиб кетибди, гуллашининг ҳам мазаси йўқ. „Уруш бошланганига бир ой бўлди, ҳалитдан бўшашиб қолдик. Яхши бўлмади“, дилидан ўтказди у.

Кеча Эгамбердиев фронтга жўнади. Раис ўзини ўнг қўлидан айрилгандай ҳис қилди. Колхоз бошланғич партия ташкилотига Эгамбердиевнинг ўрнига секретарь қилиб сайланган Нодира опа — кўнгли бўш, бунинг устига тажрибасиз аёл. „Оғир кунга қолдик, бир иложини қилиш керак...“.

Мамажон ака кириб келди.

— Чақирибсиз, раис.

— Ўтиринг ота. Маслаҳатингизга муҳтож бўлиб қолдим.

— Мен эртага эрталаб армияга жўнайман. Кимни раис қилсак экан?

— Халқ кимни сайласа, ўша бўлади-да. — Мамажон ака раиснинг кўзига тикилди. — Сиз ҳам кетар экансиз-да... Ғазот бўлди. Ҳамма боради. Ёш бўлсам, мен ҳам борар эдим...

— Сиз блан биз халқнинг ичида юрган одаммиз, — Дўсматов ишонч блан гапирди. — Юртнинг фикрини биламиз. Янглишмасам, колхозчилар сизни сайлайди. Хўп денг. Кексайиб қолдим, деб важ кетирманг. Вақт шундай. — Раис Мамажон аканинг елкасига қоқди — Ўзингиз биласиз, отам... хонадонда бошлиқ бўлмаса, тў-

зиб кетади. Бошлиқ бўладиганлар ҳаммаси урушга кетди. Сиз бош бўлинг. Ўзингиз бир вақтлар жам' қилган хонадон тўзимасин. Сиз юртга яхши ота бўлаоласиз...

Улар узоқ гаплашди. Енгил машинанинг сигнали эшитилди.

— Ўртоқ Аҳмедов келди, — деди раис. — Юринг, далага чиқамиз.

Дўсматов, Мамзож ака, Нодира опа Аҳмедов билан бирга даладан қайтганларида, колхоз клубига халқ тўпланган эди.

Раис мажлисни очди.

— Умумий мажлисимиз очилди, — деди у. Колхозчилар чапак чалди. — Сизларни маслаҳатга чақирдик.

Олдинги қаторда ўтирган Бобонор аския орқасига ўгирилди.

— Жим, ўртоқлар, жим! — деб қўйди у.

Говур босилди.

— Учинчи чолиқ графиги колхоз бўйича бажарилмади. Фақат Мамажонова бошлиқ биринчи бригада бажарди, халос. Культивациянинг ҳам мазаси йўқ, сифати паст. Нима қилиш керак? Йигитларимиз урушга кетди деб, ишни тўхтатайликми ёки уларнинг йўқлигини билдирмай, мўл ҳосил етказиб, фронтга ёрдам берайликми? Ўртоқ Аҳмедов ҳам биздан хафс. Бўшашучиликка йўл қўйибсиз, деяптилар. Тўғри айтадилар. Бўшашиб қолдик. Агар бундан кейин ҳам иш шу йўсунда кетса, ўртоқ Сталинга берган ваъдамизнинг устидан чиқолмаймиз. 30 центнер уёқда турсин, 15 дан ҳам пахта топширолмаймиз...

Дўсматов Аҳмедовга қараб олиб, яна гапида давом этди.

— Даромадимиз ҳам камайиб кетади. Бултур ҳар меҳнат кунига 2 килодан дон, 21 сўмдан пул тушган эди. Кўп колхозчилар янги уйли бўлди. Электростанция, клуб, мактаб бинолари, отхона, сарой қурдик. Бу йилга ҳам янги мўлжалларимиз бор. Булардан ташқари, урушга кетган фарзандларимизга тўрт вагон созга-салом юбордик.

Колхозчилар яна чапак чалди. Аҳмедов ҳам ўрнидан туриб чапак чалди.

— Бу йил кўп қийинчиликларга учраймиз, — деди раис. — Ўртоқ Аҳмедов: ўғит етишмай турипти, дедилар. Бунинг устига қиш қисқа бўлиб, қор кам ёғди. Сув камчил. Ишчи кучимиз қоқ ярмига қисқарди. Демак, ҳосил ўзимизга қараб қолди. Нима қилайлик? Маслаҳат беринглар!

Раис жойига ўтирди. Ҳамма сукутга чўмди. Бобонор йўталиб қўйди. Мамажон ака бошини қуйи солган. Орқароқда ўтирган Санобар ўйчан.

Аҳмедов ўрнидан турди.

— Таклиф бор. — деди у. — Биринчи бригаданинг бошлиғи ўртоқ Мамажонова иш тажрибасини сўзлаб берсин.

Бу гап ҳаммага ма'қул тушди, залда чапак гурлади. Умрида кўпчилик ичида сўзламаган Санобар ўтирган ерида титрар, ҳаяжонланарди.

— Сўз Санобарга, — деди Дўсматов.

Санобар ўрнидан қўзғолди. Гапиролмай, турган ерида туриб қолди.

— Буёққа кел, қизим! — деди Дўсматов.

Санобар президиум олдига келди, кўзи дадасига тушди, қизарди.

— Гапиравер, уялма! — Дўсматов унга далда берди.

— Бизнинг бригадамизда илгари 47 киши ишларди. — деди Санобар. — Еримиз 40 гектар. Бригада бошлиғини, 6 та звено бошлиғини ҳисобламасақ, ҳар гектар ерга биттадан куч тўғри келар эди. — У нимчасининг чўнтагидан кичкина дафтарчасини олди. Нималарнидир ўқиб, гапида давом этди. — Шулардан 20 таси эркак, 27 таси хотин-қизлар. Кексалар йўқ. Комсомол-ёшлар бригадаси эди. Уруш бошланиб, 20 эркакнинг ҳаммаси фронтга кетди. Фақат 27 та хотин-қиз қолдик... Еримиз қирқ гектар... — Санобар яна такрорлади. — Бошим қотиб қолди. Рансга айтсам: „Қамбарбувиға ялин, бригадасидаги кампирлардан қарз бериб туради“, деб қизиқчилик қилдилар.

— Ҳозирги кампирлар ёшлардан бақувватроқ, — Бобонор аския гап ташлади.

Гур этиб кулги кўтарилди.

— Гапни бўлманг, ўртоқ! — деди Дўсматов Бобонорга. — Гапир, Санобар қизим!

Санобар гапидан янглишиб кетиб, анча вақт жимиб қолди. Яна дафтарига қаради. Ўзини тутиб олди.

— Дадам блан маслаҳат қилдим. — деди Санобар. — Дадам менга Норйигит деган партизаннынг ҳикоясини айтиб бердилар. Тоғда Норйигитни юзтача босмачи қуршаб олибти. „Қўлга тушасанми, отиб ташлайликми, итдан туққан!“ деб дўқ қилишибди босмачилар. Норйигитнинг ўқи тамом бўлган экан. „Овора бўлмаларинг, қўлга тушмайман!“, депти у тоғнинг бошида туриб. Босмачилар ўққа тутибти. Норйигит бир тошни пана қилиб, ётаверибти. Босмачилар унга яқинлашиб бораверибти. Шунда Норйигит ёлғиз ўзи тепадан туриб, юзта босмачини тошбўрон қилибти. Ёв қочибти. Норйигит қуршовдан саломат қутилибти.

Ҳикоя ҳаммага та'сир қилди. Аҳмедов Мамажон аканинг қулогига шивирлаб қўйди: „Давлатингиз катта экан, ота. Раҳмат шундай фарзанд ўстирганингизга!“.

— Дадамнинг ҳикоясидан жуда та'сирландим. Битта Норйигит юзта ёвга бас келганда, 27 та қиз 40 гектар ернинг пахтасини эполмаймизми, дедим.

Колхозчилар беихтиёр чапак чалиб юборишди.

— Правления блан маслаҳатлашиб, звеноларни қайтадан туздик. 8 та звено бўлди. Ҳар звенога 4 тадан одам ажратдим. 5 та киши етмади. Яна раиснинг олдига келдим. Сельсоветнинг секретари Далани, Булоқбошидаги самоварчи Умрзоқни, унинг шогирди Набижонни, бош табельчи Дўлонни, колхознинг секретари Абдувалини менга кетманчи қилиб беринг, дедим. Гапим ўртоқ Дўсматовга ма'қул тушди. Ҳозир 5 гектардан ерга эга бўлган 8 та звено, ҳар бир звенода 4 тадан а'зо бор.

Анов куни 32 киши ўтиришиб маслаҳатлашдик. Ҳар биримиз 5 тадан норма бажаришга қарор бердик. Шундай қилсак, илгариги 47 кишининг ишини 130 процент бажарсак бўлар экан. Сузимизнинг устидан чиқдик. Бошқаларга ўхшаб графикни бузмадик.

Санобар яна дафтаридаги ёзувга қаради.

— Ўғит масаласига келсак, бу ерда ҳам бошимиз қотиб қолди. Яна дадамга маслаҳат солдим. „Улимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси бор, бўтам, — дедилар дадам — ерингнинг этагидаги тепани йиқит. Селитрдан ҳам кучлилик қилади“. Иккинчи чопиқни тугаткан кунимиз тепага ҳужум қилдик. Тимқора тупроқ чиқди. Учинчи чопиқда ғўзаларнинг тагига тўкиб, кетидан суғордик.

— Балли, — деди Аҳмедов. — Яша, қизим!

— Сув масаласига келганда, иложимиз йўқ. Сув етмай қолса, ғўзамизни пешона теримиз блан суғорамиз...

Залдагилар яна қарсак уриб юборди.

— Ўртоқ Аҳмедов келибдилар, янги канал очиб беришни сўраймиз.

Бобонор ўридан туриб чапак чалди. Аҳмедовга қараб:

— „Бошла“ десангиз бас, ўзимиз қазиймиз! — деди аския.

Аҳмедов раисга қаради:

— Менда савол бор.

Санобар жойига бориб ўтирмоқчи эди, тўхтади.

— Сиз меҳнатни қандай ҳисобга олаяпсиз?

Санобар нима деб жавоб беришни билмай қолди, дафтаридаги ёзувга тикилди.

— Масалан, — деди Санобар. — Дали бошлиқ учинчи звенони олайлик. Бу звенода Далидан бошқа, Руқия, Нозим, Қумри ишлайди. Ўртоқ Дали қишлоқ советида тўра бўлиб қолган экан, ҳа деганда қўли кетманга бормади. Уни Руқия бошлапти: „ишлайдиган бўлсангиз ишланг, тўрам, бўлмаса чорсингизни ечиб, бопингизга ўраб олинг!“, депти. Ана шу звенонинг ғўза қаторлари саноглик. 150 қатор. 30 қаторда Дали, 40 қаторда Руқия, 40 қаторда Қумри, 40 қаторда Нозим ишлайди. Дали кам ишлагани учун, культивация ҳам унга топширилган. Ҳар кимнинг ўз қаторидаги ишига қараб, бригада табельчиси Лабар хола меҳнат куни ёзади.

Мажлис ярим кечагача давом этди. Мамажон ака, Бобонор, Нодира опа гапирди. Дали сўзга чиқиб, гуноҳини бўйнига олди, лекин оқсоқлигини важ қилди. Ҳаммадан кейин Аҳмедов гапирди. У сув масаласининг Ўртатўқай — Косонсой ҳовузи битиши блан ҳал бўлажagini айтди.

Йиғилишнинг охирида Дўсматов эртага армияга кетишини а’лон қилди, а’золар блан хайрлашди.

Колхозчилар Мамажон акани раис қилиб сайладилар.

VII

Санобар шом қоронғисида комсомол мажлисидан қайтатуриб, ўйларди: „Қани энди Йигитали ёнимда бўлсаю, кўнглимдаги ҳамма дардларимни бирма-бир айтсам...“.

Чиндан ҳам, қизнинг юрагида дарди кўп. Шоир айтган эмасми:

„Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадир,
Не ажабким, сарвнзим ўн саккиз ёшиндадир“.

Йигиталидан уч ойдан бери хат йўқ. Мамажон ака Йигиталини кузатиб қуйгандан уч кун кейин, 25 июнда, Москва йўлидан: „кетаяпман, соғман“, деб телеграмма келганидан бери, у дом-дараксиз кетди.

„Кўлига нина ушламаган қиз йўқ, нина эса дун'ёдаги энг майда нарса.— Санобар дилидан ўтказди.— Балки қизлар шунинг учун бардошли бўлсалар керак. Хат ёзиш ҳам нина блан гул тикканга ўхшаган гап. Тоқат керак бўлади...“.

Санобар Йигиталининг хат ёзмалигини унинг тоқат қилмаганлигига йўйди. Ба'зи қизлар шунақа шарт-йўяр бўлади.

Бугун далада Санобар бригадасидаги 32 кишидан 28 киши ишлади. Дали касал бўлиб қолган эмиш. Қолган 3 киши сабабсиз ишга келмади. Набижон: „Руқия, Нозим, Шахло Охчадаги Абдулла бойваччаникига қиз тўйига кетишибди“, деб гап топиб келди. Санобар хафа бўлди.

Набижон тушки овқат вақтига Санобар блан ёнма-ён ўтириб, қовурма еди. У ғамгин кўринди.

— Опа,— деди Набижон.— Бойваччалар қачон тамом бўлади? Санобар кулиб қўйди.

— Тамом бўлган,— деб жавоб берди Набижонга.

— Абдулла бойваччачи?

— У — сельпонинг мудир. Совет хизматчиси.

— Совет хизматчиси бўлса,— Набижон бўш келмади.— Нима учун армиядан қочиб, халқнинг нонини туя қилиб юрибди?

Санобар қат'ий жавоб берди:

— Халққа хиёнат қилганларни халқнинг ўзи жазолайди.

Кечқурун колхоз клубида комсомол мажлиси бўлди. Мажлисни комсомол бюросининг секретари Мамажонова очди.

— Ҳисобимиздаги 87 комсомолдан 42 таси мажлисга келди,— деди Санобар.— 45 комсомол а'зоси Қизил Армия сафига чақирилган. Шунинг учун мажлисни очиқ деб э'лон қиламан.

Пахта йиғим-теримига тайёргарлик ҳақида Санобарнинг ўзи доклад қилди. Музокаралардан кейин, Набижоннинг комсомол сафига қабул қилишни сўраб берган аризаси кўрилди. Санобар Набижоннинг аризасини ўқиб берди.

— Кимда саволлар бор?— сўради Санобар.

— Менда.— Қумри ўрнидан турди.— Таржимаий ҳолини сўзлаб берсин.

Набижон ўрнидан туриб, дадил гапирди.

— Дадам Ҳасан Обидов Булоқбошидаги чойхонада 20 йил самоварчи бўлиб ишлаган. Ҳамма биледи. Йигитали акам блан бир кунда урушга кетди. Немис-фашистларга қарши жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақида аввал кун қора хат олдик...

Зал сув қуйгандек жим. Комсомоллар Набижоннинг оғир мусибатни шунчалик мағрур ҳикоя қилишидан қаттиқ та'сирланди.

— Ўзим 1925 йилда тутилганман. 5-нчи синфни битирдим. Уч йил дадам ишлаган чойхонада ишладим. Ўртоқ Мамажонов мени ўз бригадасига сўраб олди. Хурсандман. Йил бошидан бери, 9 ой ичида, 470 меҳнат кун ишладим. Гитлерга қаршиман.

Набижон жойига ўтирди.

— Яна кимда савол бор?

Бобонор ака бошлиқ бригаданинг кетманчиси Эрийгит ўрнидан турди.

— Уртоқ Ҳасанов, комсомолнинг вазифаси нимадан иборат?

Набижон иккиланмай жавоб берди.

— Комсомолнинг вазифаси — фронтда гитлерчиларни енгиш, мамлакат ичкарисида фронтга ёрдам беришдан иборат. — Яна қўшиб қўйди. — Ленин номли колхоздаги комсомолларнинг вазифаси — бу йил 30 центнердан пахта беришда илғор бўлишдан иборат.

Ҳамма олқишлади. Набижон бир оғиздан комсомол сафига қабул қилинди.

Санобар уйига келганда, Мамажон ака ҳали идорадан қайтмаган, Санобарнинг қистови орқасида шу ерга кўчиб келган қайнаси Тожи хола янги даладан қайтиб, ўчоқ бошида уймаланарди.

Санобар кампирга салом бериб, тўғри уйига кириб кетди.

— Келишим бечорага ҳам қийин... — Ўз-ўзича гапирди Тожи хола. — Бошида мингта иш...

Санобар такчадаги чойнакни олиб, яхнадан симириди. Стол устидаги китоблардан бирини олди.

— „Пулат қандай товланди“. — Қиз ичида ўқиди.

Йигитали тўй кечаси Санобарга шу китобни махтаган эди.

Санобар китобни ўқий бошлади. Аввал у ер-бу еридан ўқиди. Қўйидаги сўзларга кўзи тушиб, ҳаяжонланиб кетди. „Одам учун энг қимматли нарса — ҳаётдир. Ҳаёт одамга бир марта берилади ва уни шундай ўтказиш керакки, мақсадсиз ўтиб кетган йиллар учун кейин аччиқ пушаймон бўлиб юрма, қалбаки ва арзимас ўтмиш учун уялиб, жонинг қийналмасин, ҳаммадан ҳам, ўлатуриб айтаолгинки: бутун ҳаётим ва куч-қувватимни дунёдаги энг гўзал нарсага — одамзодни озод қилиш учун қўрашга бағишладим...“.

„Рост, яхши китоб экан“. — Ўйлади Санобар ва қайтадан, биринчи саҳифадан ўқий бошлади. Ҳа демай китобга берилиб кетиб, Мамажон аканинг уйга кирганини ҳам билмай қолди.

— Қизим, тузикмисан? — Мамажон ака ҳол сўради.

— Раҳмат, дадажон, тузикман.

— Сенга Йигиталидан хат бор. — У хатни қизига бериб, уйдан чиқиб кетди.

Санобар хатни олди. Хат уч бурчак қилиб букланган, Полевая почтадан келган эди. Қиз турган ерида қотиб қолди, дадасининг чиқиб кетганини кўриб, қандайдир бир ўнғайсизликдан қутилгандай бўлди. Гўё Санобарга ўз эридан эмас, балки дадасидан яшириб юрган севгили йигитидан мактуб келгандай... Чиндан ҳам, Санобар Йигитали блан бир кун яшади, йўқ бир кун эмас, бир неча соатгина бирга бўлди. Ўша қисқа соатлар ҳам аҳд-паймон, тўймай тикилишлар блан ўтди...

Қиз хатни очди. Мисра'лар қора қалам блан ёзилган. Санобарга мактуб жуда қисқа туюлди. „Айтмадимми, йигитларда тоқат деган нарса кам бўлади. Нима қиларди узунроқ ёзса!..“.

Хатни айнан кўчирамиз:

„Гўзал Санобаримга тегсин!

Москвадан юз чақиримча гарбдаман. Кеча биринчи марта жангга кирдим. Бирор иш кўрсатмагунча хат ёзмайман деб аҳд қилган эдим. Сизни қийнаб қўйган бўлсам ҳам, аҳдимда турдим.

Немислар ҳали ҳам босиб келишяпти, биз уларнинг ҳужумларини қайтараяпмиз. Кеча ўрмоннинг ичида урушдик. 3 та немисни отиб ташладим. Ўзим саломатман.

Бу ерларга совуқ тушиб қолди. Олмосда ҳали ёз бўлса керак. Устим буг, овқат сероб. Мендан ташвиш тортманг. Кўпроқ пахта беринг. Сизнинг мададингиз шу бўлади.

Дадамга ҳам алоҳида хат ездим. Сиз ҳам дуо деб қўйинг. Аянгизни ҳам сўраб қўйинг. Жуда соғиндим. Ёвни енгиб, соғ-омоғ бораман.

Саломатлигингизни табватнинг энг нозик ерларидан сўраб қолучи:

Ўртоғингиз ЙИГИТАЛИ.

25 август, 1941 йил

Санобар югуриб айвонга чиқди. Мамажон ака хонтахта ёнида, кўрпачада ўтирар, стунга суяниб ҳовлида турган Тожи холага гап уқдираб эди.

— Суйининг, қудабону, — дерди Мамажон ака. — Ўғлимиз-Йигитали соғ-саломат экан. Маскопга яқин ерда уришяпман, деб ёзибти.

Санобар айвонда, стунга суяниб туриб, тинглади.

— Ҳа, қудабону, Йигиталингиз унака — бунақа йигитлардан эмас. Гитлери қулатамиз, депти. Тўғри айтади, қулатади. Бир кунда 3 та ёвни улдирипти. Бу ҳазил гап эмас, қудабону! Учта ёвни-я! Ўша ёвларнинг ҳар биттасида ҳам миллиқ бор. Нега улар отмаптию, Йигитали отипти? — Мамажон ака мағрурланиб гапирди. — Уқув керак, мардлик, қўрқмаслик лозим. Йигиталидек ўғилни ўстириш осон эмас. Раҳмат сизга, қудабону!

Тожи холанинг ҳам шодлигига ниҳоя йўқ.

— Боши тошдан бўлсин, айланай қуда. Дуо қилишдан бошқа нарсага ожизмиз.

— Ундай деманг, қудабону. — Мамажон ака яна авжига чиқди. — Бизнинг меҳнатимиз фарзандларимизга мадор бўлади. Дуонику қиламиз-а, аммо ишни ҳам боплаймиз. Сиз ҳам кекса ҳолингизга, бир кишичалик ишлаб турибсиз. Ўғилга муҳаббат шунчалик бўлади-да! А, лаббай?

— Тўғри айтасиз, айланай қуда. Тушинг одамнинг садағаси кетсанг арзийди.

— Қани, қизим, — Мамажон ака Санобарга қаради. — хатингни ўқичи, сенга нима деб ёзди экан?

Санобар қизарди. Қўлидаги хатни ўқишни ҳам, ўқимасликни ҳам билмади. Ниҳоят, дадасининг сўзини қайтаролмай, ўқиди. Шунда ҳам, ўзига тааллуқли мисра'ларни ташлаб кетди.

Овқатдан кейин, Санобар ўрнидан турмоқчи эди:

— Ўтир!— деди дадаси. Санобар тиз чўкди.— Сени бир имтиҳон қилиб кўрмоқчиман. Қани, гапир! Ҳар туп гўзанг нечтадан кўсак тугди?

— Ўрта ҳисоб блан, 20 тадан. Ҳозир тахминан 2 тадан кўсак очилди.

— Яхши. Нечта теримчинг бор?

— Ҳаммамиз терамиз. 32 киши.

— Тузук.— Мамажон ака ўй суриб кетди.— Уч-тўртта қизларинг ўйинқароқ кўринади. Ҳуш'ёр бўл. Ундан кейин, Дали блан қаттиқроқ гаплаш. Абдулла бойваччанинг дўканида ичкани-ичкан эмиш деб эшитаман.

Санобар Набижоннинг сўзларини эслади.

— Интизом бўлмаса, а'золаринг тўзиб кетади. Фарзандларимиз қоннинг ичида юрганда, биз бу ерда тўзиб кетсак, номус эмасми?

Дадасининг танбиҳи Санобарга қаттиқ та'сир этди.

— Нима маслаҳат берасиз?

— Эртага умумий мажлис чақирдим,— деди Мамажон ака.— Сўзга чиқ. Ўша тўйчи қизлар блан Далени мажлисга олиб кел. Бопла. Чора кўрамыз. Бошқа илож йўқ.

— Ҳўп бўлади.

— Энди сенга жавоб. Йигиталига хат ёз. Биздан ҳам сўраб қўй.

Санобар уйига кириб, Йигиталига хат ёзишга ўтирди. Ярим кечагача ёзди. У хатни конвертга солатуриб, деразадан кўкка қаради. Тиниқ осмонда юлдузлар бирин-кетин сўнмоқда эди...

VIII

Ленин номли колхозда ялпи терим 1 сентябрьда бошланди. Санобар 30 августда бригадасида маслаҳат мажлиси ўтказди. Унинг ҳисобича, агар 32 теримчининг ҳар бири кунда 60 килограмдан пахта терса, шартнома бўйича топширилиши керак бўлган 1200 центнер пахтани 7 ноябрьгача бемалол териб бўлиш мумкин. Бригада а'золари 60 килограмдан кам пахта термасликка аҳд килдилар.

1 сентябрьда 31 теримчи ишлади. Дали далага чиқмади. Санобар азонда иш бошлаб, пешингача 102 килограмм пахта терди. Қумри 96, Набижон 81, бошқалар ҳам 40—50 килограмдан ортириб тердилар.

Санобор блан ёнма-ён ишлаган Набижон қизиқ гапни айтиб берди.

— Кеча ишдан қайтаётсам, — деди у, — катта йўлдан Дали келяпти. Фирт маст, оёқда туролмайди. Мени кўриб, ўнгайсизланмади ҳам. „Ҳорманг, комсомол, — деди. — Вақтида туғилгансиз,

ўсинг. Биз сал кечроқ туғилиб қолдик. Иложимиз қанча?" Мен-га қараб хахолаб кулиб, гандираклаб кетаверди.

— Халқнинг гапи та'сир қилмапти-да. — Санобор пешонасида гавҳардай ялтираб турган томчиларни артиб, теришда давом этди. — Ёмон одамларнинг та'сирига тушиб қолди...

Соат 3 ларда кун жуда қизиб кетди. Санобарнинг боши ай-ланиб, кўзи тинди. Табелъчи, этагидаги пахтасини тортдириб бў-либ, овқатга занг чалганда, Санобар тўғри уйига келди. У қора терга ботган, қуёш ҳароратида юзи қип-қизариб, бўртиб кетган эди. У шу қадар лоҳаз тортган эдики, Булоқбошида орқасидан тушган одамни ҳам сезмади. Дали қизнинг кетидан қорама-қора бораберди.

Санобар дарвозани ичкаридан занжирлади, уйига кирди, сочиқ блан совун олиб, гулзор бўйидаги ҳовуз лабига борди. Хаўфси-рагандай, уёқ-буёққа аланглади, ҳечким йўқлигига қаноат ҳосил қилгандан кейин, эркин тин олди ва ечинабошлади.

Бултур экилган толларнинг соясига кўмилган ҳовуз симоб каби жимирлайди, тол бутоқларида чумчуқлар чирқиллайди, эрта кўзнинг енгил шабадаси блан тўкилган дастлабки барглар сув бе-тида онда-сонда енгил сузади... Қиз, кийимларини тол бутоқлари-га илиб, ўзини сувга отди.

Дали қарасаки, Санобор дарвозани ичдан берклаб олди. Ўйга чўмиб қолди жазман. Кайф аралаш, Абдуллахўжа эсига тушди. „Заб маслаҳатгўй, шинаванда одам-да!..“ Дали жилмайиб қўйди. „Санобар ҳозир ёлғиз... Дод деса ҳечким эшитмайди...“. Дали девордан ошиб тушмоқчи бўлди. „Мамажон чол деворни бунча баланд урдирмаса, ё менинг келишимни каромат қилганми?...“

Дали дарвозанинг тирқишидан қаради: катта ҳовузда яланғоч Санобар ёлғиз сузмоқда... Кўзи ёниб кетди: „Тушимми, ўнгимми?— ўзига-ўзи савол берди. — Одамнинг иши қоршса шунақа бўлади. Дали бола, бўш келмайсан. Омадинга қойилман!“

Дали Абдулла бойвачча блан, унинг тўйида қаймоқлашиб қол-ди. Бойвачча қиз чиқарди. Етти кун меҳмон кутди. Аввал қиз-лар мажлиси бўлди, эртасига гап берди. Шундан кейин мавлуд ўқитди. Сўнгра, ўртоқларини чақириб, зиёфат берди. Улоқ бўл-ди. Тўйнинг олтинчи кун қуда томонлар, ўртоқлари блан куёв келди. Дали ота-қадрдони Абдулла бойваччанинг тўйида астой-дил хизмат кўрсатди. Тўй ҳафтасининг эртасига бойвачча, меҳ-монларни кузатиб бўлиб, Далига:

— Ука, сен кетма, гапим бор. — деди.

Дали қолди. Эрон гиламлари ёзиб ташланган шоҳсупада улар ёнма-ён ўтиришди.

— Худо раҳмат қилгур даданг яхши одам эди, биз у блан Москвага қатнаганмиз. Умри қисқа экан, қизиллар уни босмачи-сан деб отиб ташлади. Хафа бўлма, даданг ўрнига дадаман.

Бойвачча шишани олиб, иккита хитойи пиёлага арақ тўл-дирди.

— Ич, гаминг тарқалади.

Улар уриштириб ичди.

— Дардингни биламан, — деди бойвачча. — Мамажон раиснинг қизига кўнглинг кетган. Бунинг устига, қизнинг қўлига қарам бўлибқолсан.

Дали бойваччага ялт этиб қаради. „Бу одам менинг сиримни қаёқдан билади?“ деб ўйлади у.

— Ростимни айтсам, Йигитали сенинг қўлигга тўппончани атайин бериб қўйган. Ўлдирмоқчи бўлган сени...

— Йўге! — Дали бир чўчиб тушди.

— Хўп де! Тўппонча ушлашга ўқувинг йўқлигини билган-да... — Бойваччанинг маккор кўзлари кулиб қўйди. — Колхоздан чиқ! Ўзим сельпо дўконига оламан. Қозонинг ҳам мой, чўмичинг ҳам...

Бойваччанинг бу гапи Далига ма'қул тушди.

— Колхоздан қандай қилиб бўшасам экан?..

— Ишга чиқма, вассалом.

Дали ишга чиқмай қўйди. 5—6 кун Абдулла бойвачча блан маъшат қилди. Кеча уни кўярда-қўймай колхоз мажлисига олиб кетдилар. Роса дакки еди. Юрт ичида уялди. „Тавба қилдим, тузаламан“, деб сўз берди. Лекин бугун ҳам далага бормади. Кеча кечқурун бойвачча йўқлатган экан, Охчага кетди.

— Нима гап? — деб сўради Абдуллахўжа. — Сельпога келасанми?

— Мажлисда тоза танқид қилишди. Сўз бердим...

— Теңтак! — Абдулла бойвачча бўғилиб кетди. — Нера сўз берасан? — Ўзини босиб олгандан кейин, қўшиб қўйди. — Сени раиснинг қизи сўккандир-да?

Дали, қизил гиламнинг попугини ўйнаб туриб, жавоб берди:

— Аввал ўша, кейин бошқалар...

— Йўли бор. — Бойвачча Далига ма'ноли қараб олди. — Пайтини пойлаб, ўша қизни йўлдан ур. Бир марта сўзга кирган хотин кейин қул бўлиб юраверади. Йўлдан ур, ундан кейин танқид ҳам қилмай кўяди. Бир ўқ блан икки қушни урган бўласан...

Дали бойваччага ҳайрон бўлиб тикилди.

— Ҳамма вақт ишда, уйда дадаси бор...

Бойвачча хахолаб кулди.

— Боласан!.. — деди у. — Эшитмаганмисан: „Эгасининг миёнг пойлагани — уғрининг бир пойлагани!“.

Дали кулиб қўйди. Кечаси Охчада қолди, эрталаб Олмосга — Булоқбошига келиб, қарвон ўтишини пойлаган қароқчидек, Санобарнинг йўлини пойлайбошлади...

Дали бирнеча дақиқа дарвоза тирқишидан қараб тургач, ғўрани кўрган тулкидай юраги ўйнаб, боғни гир айлана бошлади. Деворга чиқишнинг иложини қилолмагандан кейин, дарвозага осилди ва дарвоза стунни орқали, иморатнинг томига чиқиб олди. Пастга қаради. Санобар ҳамон ҳовузда, бўйнигача сувда туриб, қалин сочларини ўрмоқда эди...

— Ҳей, чиройли қиз! — деди Дали.

— Вой ўлмасам, ким у!

Қизнинг кўзи том бошида турган ширакайф Далига тушди, нима қилишини билмай қолди.

— Кетинг ҳозир, уятсиз! — деб қичқирди қиз.

Дали ҳамон томда туриб, хахолаб куларди.

— Қўлга тушдигизми, жонон! Нима қилай?! — Дали гандираклар, кўзини Санобардан узмас эди.

— Йўқолсангиз-йўқолинг, бўлмаса шармандангизни чиқараман! — Қиз бўш келмади.

— Шармандангизни чиқараман!.. Ҳа-ҳа-ҳа... Ёшлик қиласиз, кўзидан! Шарманда бўлмай десангиз, шотини узатинг! Сиз меники бўласиз, бошқа илож йўқ! Йўқ деб кўрингчи!

Санобар дод деса, албатта, ҳечким эшитмайди. Ҳамма далада. Агар шоти узатмаганда ҳам, Дали ҳозир айвоннинг стунига осилиб тушади. Нима қилиш керак?

Қиз уёқ-буёққа аланглади. Отай деса, қўлга илинарли ҳеч нарса йўқ! Шу вақт унинг оёғига ҳовуз тагидаги тош уннади. У, бир шўнғиб, ўша тошни олди. Пиёладай, қирралай қайроқ тош экан.

— Кетинг, бўлмаса бошингизга тушираман! — Санобар тошни кўрсатиб, дўқ урди.

Дали псанд қилмади. Кулди.

— Жон керак бўлса, қочинг!

Дали яна кулди. У энди заҳарханда қилди.

— Мени Дали дейдилар. Чучварани хом санапсан, кўзидан, козоқи дўқингни қарая!

Дали югуриб дарвоза устига чиқди ва у ердан ҳовлига осилиб тушмоқчи бўлди. Лекин Санобар бунга йўл қўймади. Далига қараб тош отди. Тош унинг бошига тегди. Дали ағдарилиб, кўчага йиқилди. Санобар сувдан чиқиб, опил-топил кийинди. Анча вақтгача, кўчага чиқишни ҳам, чиқмасликни ҳам билмай турди. Кейин: „Бир одамча кучим йўқми?“, деб ўйлаб, дарвозанинг тамбасини тушириб, дадил кўчага чиқди.

Боши ёрилган Дали дарвоза тагида ҳушсиз ётарди. Санобар дарвозани қуфлади-да, парво қилмай ўтиб кетди. У кечгача яна 80 килограмм пахта терди. Бригада ўша кунни йиллик планнинг 3 проценти миқдорида пахта топширди.

Санобар кечқурун идорага келиб, уйига дадаси блан бирга қайтди. Ойдин кеча эди. Улар катта йўлдан келишаётганда:

— Қизиқ ҳангомани эшитдингми, қизим? — деб Мамажон ака Санобардан сўради.

— Йўқ, дадажон. Нима гап?

— Дали маст бўлиб, бошини ёрипти. Аҳволи оғир эмиш. Райондаги касалхонага олиб кетинглар, дедим. Олиб кетишди шекилли...

— Бир бекорчидан қутилипмиз-да! — Санобар кулиб гапирди.

— Уни тарбиялай олмадик, гуноҳ ўзимизда. — Мамажон ака, талай йўлга бориб, қўшиб қўйди: — Афсус, тагига тортди...

Санобар дадасига ачинди, кексайган кунда шунча йўлни пиёда юради, тайёр отни минмайди.

— Отда юрсангиз бўлмайдими, дада, раиссизку?

— Бўтам, ҳозир кўнглимга от сиғадими? „Кўк кафтар“ни ҳам армияга совға қилдим. Эрталаб жўнатаман. Йигитлар оман келса, от топилади.

Ота-бола анча жим юришди. Кутилмаганда, Санобар дадасига савол берди:

— Дада, биз вақтида туғилдикми ё бевақт?

Мамажон ака тушинмади.

— Бу нима деганинг, қизим? „Вақтида туғилдикми ё бевақт?..“ Ҳа, урушни айтасан-да... Чол ўйланиб, жавоб берди: — Вақтида туғилдик. Айниқса, сен — ёшлар, вақтида туғилдиларинг. Бундан 30—40 йил аввал туғилсанг, Комил бойваччага ўхшаганларга чўри бўлардинг, қизим.

Қиз дадасининг гапидан қониқди. Мамажон ака ҳамон сўзлар эди:

— Шунинг учун вақтида туғилдикки, Сталин блан асрдош-миз. Сталин бор ерда, халқ учун азоб, қуллик, азият бўлмайди. Энди, урушга келсак... Ахир, хонадонимизни ўғридан сақлашимиз керак-да, бўтам. Ё меники чаккими?

Санобарнинг эсига қайнагани Тожи холаининг: „Тушинган кишиларнинг садағаси кетсанг бўлади“, деган гапи тушди. Қиз дадасининг гапига қойил қолди. „Тўғри, — деди ичида Санобар, — вақтида туғилдик“.

IX

Санобар бошлиқ бригаданинг а'золари далага кўчиб чиққанига бир ярим ой бўлди. 27 қиз ва 4 йигит ўз звеносининг дала шийпониди тунаб, азонлаб ишга чиқади, қечқурунғача пахта териб, кейин яна шийпонга қайтишади.

Дали умумий мажлиснинг қарори блан колхоз а'золигидан чиқарилгач, унинг звеносида уч қиз қолди. Уч киши 5 гектар ернинг мўл ҳосилини йиғиб улгиролмайди, албатта. Санобар ҳам шу звено шийпонига кўчиб чиқди. У Руқия бошчилигидаги звенода пахта терди.

Бригада, колхозда биринчи бўлиб, 7 октябрда пахта топшириш йиллик планини бажарди. Уша куни район комсомол комитетининг секретари Пулатов келди, комсомол-ёшлар бригадасининг а'золарини табриклади. Ишдан кейин колхоз клубида суҳбат ўтказилди. Мамажон ака ҳам қатнашди. Санобар бригадаси номидан ёзилган мурожаат газеталарда босилиб чиқди. Мурожаат шундай бошланарди:

„Республикамизнинг комсомол ва ёшлари!

Қимматли ўртоқлар!

Биз, Чуст районидаги Ленин номи колхознинг 1-нчи бригада а'золари — ёшлар, 7 октябрғача 40 гектар еримизнинг ҳар гектаридан 30 центнердан отбор ва биринчи нав' пахта топширдик. Даламизда ҳали пахта кўп. Биз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 24 йиллик байрамигача яна 30 центнердан пахта топшириб, планимизни 200 процент бажаришга сўз берамиз.

Йиртқич немис-фашист босқинчилар улуғ пойтахтимиз Москвага яқинлашиб келаётган, фронтлардаги оталаримиз, акаларимиз мислсиз мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, Ватани-

миз озодлиги йўлида қон тўкаётган бир вақтда, меҳнат майдонида ғайратимизга ғайрат қўшайлик, комсомолларга, совет ёшларига хос шижоат блан ишлайлик!“

Ушандан бери бир ҳафта ўтди, Совуқ тушди. Қизлар, бир қанот тагида ётган мусича болаларидай, кечалари бир кўрпа тагида уймалашиб ётишади. Эрталаб, юз-бетларини апил-тапил ювиб, яна теримга тушиб кетишади. Олдинги теримчилар нонуштагача 50 — 60 килограмм пахта териб қўяди. Чой ичиб бўлиб, пахталик чопонларини ечиб ташлашади-да, яна гўзалар ичида ўрдакдек сузишади.

Кун тиф урган пайтда семиз Руқия ҳаллослаб қолди, нариги ариқда зинғиллаб пахта териб кетаётган Санобарга гап отди.

— Пахтанг тамом бўладими-бўлмайдими? Белим синиб кетай деяпти!

— Белингни маҳкамроқ боғлаб ол! — Санобар кулди. — Ўзбекистонга номинг кетган. Хатга тушгансан. — Бир оздан кейин, жиддий қўшиб қўйди: — Анов куни, комсомолга киратуриб, 80 дан бераман демадингми?

— Уқиган бўлсам, — деди Руқия, — пахта терадиган машина ўйлаб топардим.

— Уруш тамом бўлса, машиналар кўпаяди. Пахта терадигани ҳам чиқади, тепа ағдарадигани ҳам...

Санобар этагини бўшатиш учун хирмонга борди.

Торозу ёнида торозбон Маҳкамчўлоқ блан Мамажон ака гаплашиб турарди.

— Ҳорма, қизим!

— Бор бўлинг, дада!

— Раҳмат, раҳмат!.. Сени соғиниб келдим, бир ҳафтадан бери кўришмадик. — Раис, қўлидаги дафтарни очиб, алланималарни ўқиди. — Қани, бери келчи!

Санобар пахтасини тортдириб бўлиб, дадасининг олдига борди.

— Ҳамма бригадаларни айланиб чиқдим. Энг кейин бу ерга келдим. Хўш, планинг қанча бўлди?

— 121 процент бўлди. 252 центнер ошиқча пахта топширдим.

— 252 центнер... — Раис бир нарсани иккинчи бир нарсага жам қилди. Мамнун жилмайди. — Бўпти! — деди Мамажон ака. — Колхозимизнинг плани 101 пойиз бўпти!

— Йўғе, — деди торозбон Маҳкамчўлоқ ишонмагандай. — 14-нчи октябрьда-я?

— 101 пойиз бажардик. — Раис такрорлади. — 350 гектар еримиздан 30 центнердан, я'ни 1050 тонна, балки ундан ошиқроқ пахта топширибмиз. Ё чаккими, Маҳкамбой?

— Тўғри, тўғри! — Маҳкамчўлоқ шошиб қолди. — Раҳмат ота, яшаворинг! Қойилманей! — Торозбон, севиниб кетганидан, ўзини қаерга қўйишни билмас эди. — Яшанг, отам, буёғи фойдага қопти-да!

Мамажон ака чўлоқнинг гапларидан завқланди.

— Буёғини, — деди раис, — Москванинг ёнбошида қон тўкаётган фарзандларимизга совга қиламиз! — Хайр, мен кетдим, сизларни ишдан қўймай. — Санобарга қаради. — Қизим, кечин уйга бор, Йигиталига бир хат ёзайлик.

— Хўп, дадажон.

Мамажон ака кетди. Санобар яшил денгизга шўнғиб, суза кетди. Колхоз планини бажарибти, деган хабар бир зумда звенодан звенога, бригададан бригадага, районга, областъга, Тошкентгача бориб етди.

Санобар кечқурун теримчиларни хирмонга йиғди. Маҳкамчўлоқ ким қанча пахта терганини айтиб берди. Руқия — 155, Набижон — 370, Қумри — 385, Нозим — 187, Санобар — 350, бошқалар ҳам 100 килограммдан ошириб пахта теришипти. Бригада шу куни 7 тонна пахта топшириб, йиллик планини 127 процентга етказди. Табельчи теримчиларга меҳнат куни ёзгандан кейин, ҳамма тарқалди.

Санобар уйга келганда, дадасининг айвондаги кўрпачада, ёстиққа суялиб ўтириб, мудраб қолганини кўрди. Тожи хола ҳали даладан қайтмапти. Қиз дадасига тикилди, дадаси унинг кўзига анча қариб қолгандай, мош-биринч соқолида оқ кўпайгандай кўринди. Санобар уйга кирди. Радио карнайини қўйди. Диктор Совет Информбюросининг ахборотини ўқиди. Қўшинларимиз Москва бўсағаларида қаттиқ жанглар олиббораётгани, бу жангларда иш кўрсатган қаҳрамонларнинг номлари айтилмоқда эди. Бир рус жангчиси иккита аэроплани уриб туширибти, қозоқ солдат 7 та душманни ўлдирибти...

— Нега Йигиталини ёзмас экан-а? — Қиз ўйлаиб қолди. — Ёки иш кўрсатмаётганмикан? — Санобар бир тахта қоғоз блансиёҳ-ручкани олиб, айвонга чиқди. Хонтахтанинг берига томонига — дадасининг қаршисига ўтирди.

— Дада, — деди қиз, — мен келдим.

— Ҳа, ҳа... — Мамажон ака чўчиб уйғонди. — Келдингми? Яхши. Қани, ёз! Мен айтиб тураман.

Санобар ручкани довтга ботириб, кутиб турди. Мамажон ака айтабошлади.

— Ёз! „Ўғлим Йигиталивой! Биз соғ-саломатмиз, сенинг ҳам саломатлигинг айни муддаомиздир“. Қани, ўқичи!

Қиз ўқиб берди.

— Тузук. Ёзавер! „Ба'даз гап шулки, колхозимиз бугун плани бажарди. 1050 тонна пахта топширдик. Йил охиригача яна 800 тонна берамиз“.

Дадасининг сўрови блан, Санобар яна ўқиб берди.

— „Аммо, сендан бир ярим ойдан бери хат олмадик. Фикри-зикримиз сенда, ўғлим! Бизни хафа қилма. Бир оғизгина: „соғман“ деб ёзиб юборсанг, бас... Аввалги хатингда: Маскопга яқин ердан, деган эдинг. Ҳозир ҳамма Маскопга тикилиб турибти. Юрт учун хизматингни аяма, бўтам. Бошинг тошдан бўлсин, олгилу — олдирма!“.

Мамажон ака хатни бошидан қайта ўқиди, та'сирланди. Ёнбошлаган еридан тикка туриб ўтирди.

— „Авлодимиздан шу кунгача номард чиққан эмас. Хотин киши булатуриб, Санобарнинг аяси ҳам ёв блан курашда ҳалок бўлган, ўғлим. Шунинг эсингда тут“.

Санобарнинг кўзига ёш тўлди. Ёзаётган ҳарфлари унга хира журинарди.

— „Буш келма. Майдондаги ўртоқларингдан орқада қолма. Мўлжалда хато қилма. Машқинг бор, ўғлим. Даданг овчи ўтган, ўзинг мергансан. Энди, чекинишни бас қил. Маскопга, халққа, Сталинга кўкрагингни қалқон қилиб тут. Кўкракдан ўқ есанг дард эмас, елкангдан ўқ ема!“.

Қиз ялт этиб дадасига қаради:

— Қаттиқ ботмасмикан, дада?

— Қаттиқ ботмайди, ёзавер. Сен юмшоқроқ ёзарсан. Менинг ҳозир аччиқроқ ёзадиган пайтим!

Санобар индайолмади. Ёзишда давом этди.

— „Анов кунини бир йигит осмонда ёв калхатини таран қилипти. Эшитиб, хурсанд бўлдим. Ўшандоқ бўлиш керак. Яна ба'даз гап шулки, аянгини уйга кўчириб олиб келдим. Бардам, саломат. Санобар бўлса планини элдан бурун бажарди. Нуқул суратингга тикилади, соғинибти шекилли...“.

Санобар қизорди. Дадасининг бақириб беришидан қўрқиб, ёзаверди.

— „Йигиталивой, голиб бўлиб қайтган кунинг тўйини янгидан қиламиз. Аввалгиси ҳисоб эмас. Катта умидларим бор“. — Мамажон ака қизига қаради. — Энди алоҳида ёз! „Сизларга 35 та от совға қилдим, „Кўк кафтар“ингни ҳам бериб юбордим. Бу йилги даромадидан битта танк сошлаб бераман. Пахтани ҳам бу йил 50 центнердан кам бермаймиз. Ғалаба учун—етса молимиз, етмаса жонимиз! Гап битта. Сен ҳам шунга яраша уруш, бўтам!“.

Дуойи жонингни қилиб турғучи даданг Мамажон“.

Мамажон ака хатни буклаб, чўнтагига солди-да, идорага чиқиб кетди. Санобар яна радио тагига келди, узоқ қулоқ солди. Аввал маршлар эшитдирилди, кейин рус тилида сўнги ахборот берилди. Сўнгра ўзбек диктори гапирди.

— „Шонли солдат“, деган очеркимизни эшитдирамиз, — деди диктор.

Санобар тикка турганича қулоқ солди.

— „У урушнинг биринчи кунини фронтга кўнгилли бўлиб кетди. Ленин комсомоли тарбиялаган олмосли бу ёш йигит...“.

Шу ерга келганда, қиз уйқидан уйғонгандек бўлди. Радиони баланд қилиб эшитди. Диктор ўқишда давом этди:

— „...Ўз номи блан Йигиталидир. Қорачадан келган, офтобда пишган бу солдат аввал пахтадан юқори ҳосил олиб, донг чиқарган эди. Ҳозир ўзи хизмат қилаётган Н-чи қисмда машҳур. Моҳир мерган Йигитали 4 ой ичида 33 та фрицни отиб ташлади. Ҳукуматимиз унинг мардлигини тақдирлаб, Йигиталини „Қизил юлдуз“ ордени блан мукофотлади. У ҳозир...“.

Шу ерга келганда, радио тўлқинига шовқин аралашиб, овоз эшитилмай қолди. Санобар радио карнайининг уёқ-буёғини бураб

кўрди, бўлмади. Радио анчадан кейин гапирди, аммо бу вақтда музика чалинмоқда эди.

Одам жуда севиниб кетса, бир ерда туролмади, уёқдан-буёққа югургиси, шодлигини одамларга сўзлагиси келади. Санобар ҳам шундай бўлди. Югириб ҳовлига чиқди. Ҳечким йўқ. Ақалли Тожи хола ҳам келмаган.

— 33 та немисни ўлдирибти!— Қиз ўзинга ўзи гапирарди. — „Қизил юлдуз“ ордени олибти.

Санобар уйга югуриб кирди. Йигиталининг деворга осибдиқ суратига тикилди:

— Раҳмат, паҳлавоним! Минг марта раҳмат сизга!..

Дали касалхонадан кундузи чиқди. Лекин куппа-кундуз кунни қишлоққа кириб келишга уялиб, кечгача район марказида санғиб юрди. Сартарошхонага кирди. Сартарош қизиқчи чол экан:

— Ҳа, ука, нима бўлди, сочингиз бевақт тўкилиб кетиб-ди! — деб кулди.

Дали индамади. Қовоғини солиб ўтираверди. Кейин чойхонага борди. Иккита нон блан бир чойнак чой чақирди. Самоварчи аёл патнусда нон блан парварда олиб келди. Чойхонада Далидан бошқа ҳечким йўқ эди.

Аёл:

— Урушдан келдингизми, йигит, бошингиз ёрилибди? — деб сўради.

— Йўқ. — Далени тер босиб кетди. — Касалхонадан чиқдим.

Аёл яна савол берди:

— Армияга бормапсиз-да?

— Инвалидман...

Аёл ҳайрон бўлиб, шақиллаб қайнаб турган қатор самоварларнинг олдига кетди.

Дали, кунни қоронғи қилиб, қишлоққа кириб келди. Эшигини қоқди. Онаси Ҳумайра опа чиқди.

— Қаерларда қолиб кетдинг, болам? Мунча бебош бўлмасанг! Юрт олдида уятга қўйдингку мени...

— Қағилламанг, кампир! — Дали дўқ урди. — Ҳозир юрагимга гап сизмай туришти!

Дали қорачироқ тутаб турган айвонга чиқди.

— Овқат қилолмадим, — деди Ҳумайра опа. — Ҳечнарсамиз қолмади. Ўзинг ишламаганга яраша, мени ҳам ишлатмайсан. Энди тирикчилигимиз нима бўлади?

— Бой бўламиз, кампир. Сабр қилинг!

Далининг кўз олдига Абдулла бойвачча келди. Чарчаган бўлса ҳам, Охчага боришга қарор берди. Эшик томонга юрди.

— Яна қаққа борасан?

— Ул-бул тўғрилаб келаман. Хафа бўлманг, кампир.

Дали Охчага кечаси етиб келди. Сельпо дўкони олдида милтиқ ушлаб ўтирган кекса қоровулга кўзи тушди.

— Ассалому алайкум, Бозорбой ака!

— Ваалайкум ассалом, Дали бола! Келинг! Нучук худо ярлақади?

— Хўжайин уйдадирлар?
Қоровул ҳайрон бўлди:
— Қанақа хўжайин?
— Абдуллахўжакам!
— Ҳа-а!—деди чўзиб Бозорвой ака.—Хўжайиннингизнинг аҳ-
воли чатоқ. Ҳозир, у киши районда қамоқда ётипти!
— Нима учун?!—Далининг ранги оқариб кетди.
Бозорвой ака пинагини бузмай жавоб берди.
— Ҳукуматнинг ярим миллион сўм пулини еб қўйгани учун.
— Йўғе!

Қоровул бўғилиб кетди.
— „Йўғе“си борми? Тошкентдан камисия келиб текширди.
Бойваччанинг сири очилди. Ахир, Дали бола, ойни этак блан
ёпиб бўлмайди-да! Бир ҳафтали тўй-ҳашамлар, данғиллама имо-
ратлар гўрдан келадими, бойвачча ўғирлик қилмаса!

— Шунақа денг...—Далининг тарвузи қўлтигидан тушди. У,
Бозорвой ака блан омонатгина хайрлашиб, орқасига қайтди.

Кўкни булут қоплаган, қоронғи кечани шаҳарга пахта ташиёт-
ган машиналарнинг чироқларигина ёритади. Машиналар ўтиб кет-
гандан кейин, яна сукут ва зулмат чўқади. Далининг бошида
минг хил хаёл... У қилмишига ўкинади. Аҳмоқ бўлмаса, нега
бойваччанинг гапига киради? Энди ҳолига маймунлар йиғламай-
дими? Қаерга боради? Санобарнинг олдигами? Қайси юз блан
қарайди? Қайси тил блан узр сўрайди? Сазойи одам, ичкиликка
берилсин! Ахир, шу Дали, эл оғзида дoston бўлган Йигиталидай
бир йигит блан қадрдон ўртоқ эмасмиди? Ким орани бузди? Ё
Далининг Санобарга бўлган ишқи буздими? Хўп, Санобарни се-
вар экан, нега томдан ошиб, босқинчилик қилмоқчи бўлди! Муҳаб-
бат шунақа бўладими?!

Дали Олмосга яқинлашганда, узоқдан бировнинг қораси кў-
ринди.

— Ким бўлди экан, ярим кечада юрган?—Дали ўйлади.—
Идорадан келаётганга ўхшайди...

Икки йўловчи бир-бири блан учрашди. Дали келаётган — Бобо-
нор аския эканини таниди.

— Ҳа, жийрон бола,—деди Бобонор.—Ярим кечада қароқчига
ўхшаб катта йўлда нима қилиб юрибсан?

— Ўзим...—Дали қўрқиб жавоб берди.

— Узинглигингни кўриб туриппан. Ё кунинг йўлтўсарликка
қолдими? Йўлтўсарликка ҳам уқув керак, бола. Сенда уқув йўқ.
Тўппонча ушлашни билмай-сану, қароқчиликни эплайсанми?—
Бобонор хахолаб кулди.—Вой азамате! Бу йўлдан қайт, бўлма-
са—итнинг куни тушади бошингга!

— Бобонор ака, гапингиз тўғри!—Дали хижолат тортиб гапир-
ди.—Қароқчи бўлмасам ҳам, қароқчидан баттар бўлдим. Менга
бир акалик қилинг. Қани, бундай чўккаланг, дардимни айттай!

Бобонор аския ариқ бўйига чўққайиб ўтирди. Дали ҳам ўтир-
ди. У бошидан ўтган бутун воқияни, Йигитали блан дўстлигини,
бойваччанинг сўзига алданганини, Мамажон аканинг томига чи-

қиб боши ёрилганини, уйидаги аҳволни, ҳаммасини бирма-бир ҳикоя қилиб берди.

— Тавба қилдим,—деди Дали,—минг марта тавба қилдим. Қилмишимга пушаймонман. Ёрдам беринг, мени ҳайдашмасин, ўзимни оқлайман, оддий кетманчи бўлиб иш кўрсатаман.

— Қасам ич!—деди аския.

— Кекса онамнинг ҳурмати...

— Бас!— Бобонор ўрнидан турди.—Бас, ишондим. Юр, Мамажон ака ҳали ҳам идорада. Сени меҳнатга қайтариб, бир савоб иш қилиб кўяй!

* * *

Санобар бригадасининг шийпонларида ётган колхозчилар эрталаб ўринларидан турганда, далада пахта тераётган Далини кўрдилар.

(Давоми бор)

М. БОБОЕВ

ДАЛАДА

Боғ тегида бўлиқ пахтазор,
Чаман бўлиб ётар очилиб.
Олтинларки, оппоқ беғубор,
Чаноқлардан тошиб, осилиб.

Терим авжда. Хўб чечан қўллар.
Қизлар бардам. Белда қўш этак.
Олдин-кетин боради улар,
Қошда ўсма, сочлар чамбарак.

Узумзордан полизга томон
Учиб ўтди чумчуқ бир гала.
Кузги либос кийган ҳаммаёқ,
Атлас каби товланар дала.

Уч-тўрт бола жийда қоқади,
Худди ёқут, тўкилади дув.
Ариқларда тиниб оқади
Майингина куйлаб зилол сув.

Ишкомларда узум бошлари.
Ноклар гуж-гуж, шохлари баргсиз.
Кенг полизда сойнинг тошлари—
Ками ерни қоплаган торвуз...

Қараб тўймас, қувонади жон,
Ғалла,
Мева,

Пахта хирмони
Кузги дала худди дастурхон,
Ҳосил тўккан колхоз бўстони.

Боғ тегида бўлиқ пахтазор,
Умрихонлар звеноси бу.
Пахталари худди гулбеор,—
Каби оппоқ очилипти дув.

Мана ўзи, қорача, кўркам;
Меҳнат севар чарос кўзлари—
Хато қилмас бир чаноқни ҳам.
Баракали чечан қўллари.

Унинг саҳар янгроқ мақоми—
Қўшиғидан уйғонар дала.
Баланд, оппоқ илк хирмони
Кўтарилар тонгга улапа.

Звенода Субхонқул ака,
Бу йил, дейди, иш топти барор,
Меҳнат блан унди бу пахта,
Мана ер ҳам, эл ҳам миннатдор.

Қаранг, ҳали, қўл тегмагандай
Пайкал тўла, ёққандай пахта.
План эса тўлай деб қолди,
Лекин мўлжал юз эллик!
Аҳд-да!

Умрин берсин бу қизларимни,
Аҳл бўлиб ишлашди ўбдан.
Пайкалдаги ҳарбир шигил туп
Ахир шулар манглай теридан.

Инобатхон деган қизим шу,
Хўб меҳнаткан. Комсомолка, ёш,
Теримда ҳам роса чайир-ку,
Кетманда-чи?—бунга йўқ тенгдош.

—Қизларни хўб махтайберинг-а!
Деди, четда кулиб бир аёл.
—Ҳа, айтгандай, сизни-чи, ача,
Газетадан билишган аввал.

Раис айтган Сабоҳат буви,
Беш мингчимиз ана шу киши—
Дейди Субхон—тегик, уқувли,
Ёшлардан ҳеч қолишмас иши.

Хаял ўтмай этак, қоп таранг.
Субхон ташир орқалаб зув-зув.
Бир даст тинмас.

Юз, кўзлари чанг,
Дам хирмонда, дам пайкалда у.

Хў, жийдазор устида қуёш,
Кенг далага кулиб боқади.
Катта йўлдан тизилиб, шаррос—
Пункт томон корвон оқади.

Тошкент, Қишлоқ район,
Навий колхоз. 1948 йил

ШУҲРАТ

ЙЎЛДА

Эрта саҳар.
Кул босган чўғдек
Йилт-йилт этар кўкда юлдузлар.
Пахтазорга оқади тўп-тўп
Қўшиқ блан теримчи қизлар.
Эрта саҳар.
Салқин шаббода
Чимтиб ўтар анҳор юзидан.
Раис борар катта йўл бўйлаб,
Пахта ортган карвон изидан.
Узоқлардан келар чийиллаб,
Араванинг гупчак товуши.
Ба'зан елиб ўтиб қолади,
Хизматига кечиккан киши.
Раис борар.
Шошган раиснинг
Ел ўпади юзи кўзидан.
Қўлга олди бир сиқим пахта,
Ҳали ўтган карвон изидан.
Аравакаш шошиб, сўкиниб
Қамчи урар саман ахтага.
Раис эса, тўхтади бир зум
Кўзларини тикиб пахтага.
Шу пахтада кўриниб кетди,
Меҳнат севар азиз пахтакор.
Ғузапоя йиғилиб кузда,
Қор остида ухлаган шудгор.
Ҳали келмай элчи қалдирғоч,
Далаларда бошланган баҳор.
Энди чигит униб чиққанда
Совуқ блан ўткан сўнгги қор.
„Ҳазилмиди ўша кунларнинг
Ҳар тунига беришлик бардош.
Жигаримиз хун бўлиб кетди
Ғуза гуллаб, кўрсатгунча бош!

Бу бир сиқим пахтамас, асло!
Бу бир сиқим олтиндир, олтин!
Бунинг элга наф'и қанчаю,
Бунда ётар чанг босиб бетин.
Бунинг ерда ётмоғи увал,
Кўрнамаклик ачинмаса жон!
Деди раис ўзича дилда,
Титраб кетди бадани шу он.
Йироқлашиб кетган карвонга
Ғазаб блан тикди кўзини.
Жиноятда ушлаб угрини,
Да'вогардек сездн ўзини!

Эрта саҳар.
Уйғонган қушлар
Шохдан-шохга учиб қўнади.
Чертиб,
Пуфлаб пахтани раис
Чўнтагига солди,
жўнади...

Эрта саҳар.
Қул босган чўғдек
Йилтиллайди кўкда юлдузлар.
Пахтазорга оқади тўп-тўп
Қўшиқ блан теримчи қизлар.
Раис боқар уларга шодон,
Раис улар бахтини кўзлар!

Тошкент, 1948 йил

СОБИР АБДУЛЛА

ОМУДАР'ЁГА

Э Омудар'ё, сени энди хабардор қилайин,
Топшириб катта вазифа, сени сардор қилайин,
Чеки йўқ, чўлга буриб, бахтга сазовор қилайин,
Ёйилиб оқ, нега сой, бирнеча анҳор қилайин,
Сен оқиб, кекса биёбонга чаманзор қилайин.

Кўзинг оч, кўҳна э дар'ё, икки ён, ерга қара,
Қара Норинга, таажжуб ила у, Сирга қара,
Бизи қудрат, бизи ҳикмат, бизи тадбирга қара,
Сени ҳам Норину Сирдар'ёга мен ёр қиланин,
Ўшалар сингари қирғоғингга гулзор қилайин.

Бўғилиб, сўнгра бўлиб Чўлималик сори равон,
Қатра сув ила бериб ташна у — чўл жисмига жон,
Кенг, қақир ерни қилиб сувларинг оқ пахтага кон,
„Жинни дар'ё деган у та'нани бёкор қилайин,
Сен блан бирга биёбонга шаҳар бор қилайин.

Сиру Норин четидан ўчти биёбон номи,
Қилди боғ даштни, улуг доҳимизи илҳоми,
Ёриди Сир нуридан Мирзачўлимнинг шоми,
Оқма ғафлат ила, тур, мен сени бедор қилайин,
Каттақўрғон ҳовузи сингари онҳор қилайин.

Битириб вахшийлигинг, бўйсуну сен ўзлик қил,
Ҳайқириш ўрнига боқ чўлга, ширин сўзлик қил,
Ўша атроф тунига ой бўлу юлдузлик қил,
Эслатиб ГЭС бўлишин, Сир каби ҳуш'ёр қилайин,
Келажақдан сени мен соҳиби асрор қилайин.

Бу хитоб мандан эмас, сенга бу даврон сўзи бу,
Неча минг гектар ўша Қумтепа майдон сўзи бу.
Дема афсона сўзи, ҳам дема ёлғон сўзи бу,
Хоҳласанг Норин учун ёзганим изҳор қилайин,
Бу сўзим ростлигини мен яна такрор қилайин.

Хоҳласак, тоғни олиб, ўрнини дар'ё қиламиз,
Хоҳласак, чўлга азим шаҳр муҳайё қиламиз,
Элимиз қудрати зўр, ҳарнаки барпо қиламиз.
Қилайин истаганим, доҳий мададкор, қилайин,
Собиरो, бурчни бажармаслик учун ор қилайин.

САЙФИЙ

ТЕРИМЧИ ҚИЗЛАР

Қир блан ўролган яшил кенг води,
Кўксида оралаб оқар симоб сой.
Узумзор, анорзор боғлар, майдонлар,
Чиройли манзара энг гўзал бир жой.

Бу кўм-кўк жилгада чамандай бўлиб,
Очилган пахтадан кўзлар тинади.
Теримга интилган қизларга тўлиб,
Пахтазор қўйнида ҳаёт қайнади.

Ранг-баранг кийинган теримчи қизлар,
Гўёки кўкламги лола қизғалдоқ.
Ҳарбири теримда илғорлик излар
Бир дамда қилурлар хирмонни оппоқ.

Қирлардан ошмасдан қуёшнинг нури,
Турсуной пахтазор мавжига чўмар.
Қизиқиб теримга ошиб ғурури,
Ўртоқлар келгунча этак тўлдирар.

Ундан қолишмайди Мар'ям ҳам Дилбар,
Илғари борурлар бу иккиси ҳам.
Яйрашиб, қувнашиб пахта теришар
Гўзалар баргига тушкунча шабнам.

Барака пахтани чеккага тақиб,
Терарлар айтишиб ялла ҳам ёр-ёр.
Пахтанинг гулидай юзлари қизил,
Очилган пахтадай кўнгил беғубор.

Колхозим қизлари мислсиз ишчан,
Файратда, сур'атда, меҳнатда моҳир.
Йиғимда, теримда деганча чечан,
Ўн беш минг термоққа ҳарбири ҳозир.

ҲАБИБИЙ

ВАТАН

Кетмагай меҳринг, Ватан, жисмимда жонинг борича,
Балки бир жоним демасман, устихоним борича.

Кўз қаросидек ҳамиша сақлайин бегонадан,
Ким фидо бўлсин йўлингда хону-моним борича.

Меҳнатингдур айни роҳат, айни иқболу шараф,
То тирикман ер юзида ош'ёним борича.

Кеча-кундуз улфатим фикринг, хаёлинг, мунисим,
Бўлмайин бирдам жудо ному нишоним борича.

Куйласам роҳат топар жоним сенинг номинг блан,
Тушмас оғзимдан ширин зикринг забоним борича.

Қолган умримни, Ҳабибий, сарф этай мадҳинг блан,
Ақлу, ҳушу, қудрату тобу-табоним борича.

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ

РИЗОБОБО

Қўлида ирғай таёқ,
Новча бўйдан ошар;
Кеча-кундузи бирдек,
Қўйнинг изида яшар.

Баҳор, ёзу, кузу, қиш,
Бобо учун фарқи йўқ,
Унинг қаддин букалмас
На иссиқ ва на совуқ.

Уйи-чайласи осмон,
Ой-юлдузлар чироғи.
Бақриб қайнаб турар
Чойдиши-қир булоғи.

Қўкатлар кўрпачаси,
Ёстиғи адир, марза.
Кеванак тўн устида
Тўшак-кўрпачаси маза.

Қир чўққида гердаийб
Бургутдек ташлаб назар,
Адирда бир чумоли
Ўрмаласа у сезар.

Қиличдек қўш тозилар,
Севган улфати-ҳамдам.
Тевараклаб қўйларин
Қўриркан бобо бардам.

Орзуси кенг саҳродек,
Қўриб дирк-дирк қўйларин,
Кўнглига сиғдиролмай
Ширин тилак ўйларин:

„Минг қўйимни ўн мингга
Ҳа демай етказаман.
Эгизаклар сонини
Йилдан йил ўтказаман.“

Қўй-қўзи ўтлар секин,
Бирин-кетин йўл олади.
Қўй ра'йини бузмай бобо,
Атрофлаб кўз солади.

Қўнғироқли ёлдор серка,
Қўйни бошлар ўтлоқ сари.
Ташна бўлган қўзичоқлар
Ўрмалашар булоқ сари.

Бобо қичқирар „Қур ҳой!“
Товуши кетар беш қирга.
Бўри, шағал кезалмас,
Бобо юрган адирга.

Ёлдор така қайрилар,
Бабалаб буйруғича,
Бобо бўлар хотиржам
Пиширар кўмач-қулча:

Қўй сути, қўй мойига,
Упадек унни қориб.
Йилтиллама хамирни,
Қўш тобо ора слиб.

Кўмма қилади дарров,
Шивоқ илдизин ёқиб.
Қир ҳавосин тутади,
Кўмач гул ҳиди анқиб.

Колхозга мой ошатган
Чорвамизни яшатган,
Бизнинг шерсть, шевётга,
Белантириб ясатган,

Бошимизга қулоқчин,
Пальто, коверкот костюм.
Қора кўл сангсангидан
Киямиз иссиқ пўстин.

Олмагул шол-рўмоллар
Гўзал шолча жул хурси.
Бобомнинг меҳнатидан,
Гилам, наMAT бариси.

Парижнинг нозанини,
Орзулар бобом суррин.
Жаҳонда излаб топмас,
Қоракўлнинг бу турин.

Симоб янглиғ шерози,
Жимир-жимир жилваси.
Кўзингни қамаштирар
Бобом меҳнат меваси.

Қўлида ирғай таёқ,
Новча буйидан ошар;
Кеча-кундузи бирдек
Қўйнинг изида яшар.

САИД АҲМАД

БОЛТАБОЙ

Хикоя

Жуман ота чойнак-пиёла олгани станцияга тушса, базага бир вагон мол келиб, омбор мудирини юк тушириш билан банд экан. Жуман ота, отанинг еми тўрвасига икки ҳовуч арпа солиб, ўзи нима қилишини билмай турганида, кимдир: „Пўшт, мой бўласиз, отахон!“ деб юборди. Ота тисарилиб, юк кўтарган йигитга йўл берди.

— Болтавоймисан?

Йигит елкасида аранг кўтариб турган миҳ яшиги билан унга ўгирилиб қаради. Жуман отанинг назарида шундай оғир юкни пар ёстиқдек бепарво кўтариб турган бу йигитнинг энди елкасига оғир тош бостириб қўйгандек туюлди.

Йигит шу куйи икки-уч минут сўзсиз туриб қолгач, машаққат билан бурилиб, йўлига кетди.

Бу йигитнинг тартибсиз ўсиб кетган соч-соқоли, пилтаси тузгиб жияги чирк боғлаб кетган дўпписи чолда ғалати та'сир қолдирди. „Болтавойми ё бошқами?... Аниқ ўшанинг ўзи“, деб пичирлади Жуман ота.

Жуман ота отига яна бир ҳовуч арпа бергач, чойхонага ўтди. Ҳали ҳам унинг кўзи олдидан Болтабойнинг турқи-таровати нари кетмас эди.

Дарҳақиқат, бу йигит Жуман ота ўйлаган ўша Болтабойми? Бир вақтлар сиркаси сув кўтармайдиган, яхтагига дазмол босмай, этигини мойлатмай кўчага чиқмайдиган ўша Болтафасонми-а?

Ота пиёладаги чойни чойнакка қайтарар экан, „товба“ деб, бош қимирлатиб қўйди.

Тўғри, Болтабой суҳбатнинг гули, қўшиқ айтса одамни сел қиладиган, аскияда пайровдан чиқмайдиган йигит эди. У вақтларда колхознинг иши гуриллаб кетган, план ҳар йили ошиғи билан тўлар, хуллас даромадда колхозчининг ҳам ошиғи, ҳам қошиғи олчи пайтлар эди. Шубҳасиз ўша пайтларда кўплар қатори Бол-

табой ҳам дурустгина даромад олар, ҳатто „Рӯмолим“ пластинка-сини бир эчкига алиштириб олган эди. Ба'зи пайтларда икки-уч кунлаб ишга ҳам чиқмас, дуторини қўлтиқлаб тўй-ҳашамларга кетиб қолар. Мана шу ишга чиқмай қуруқ қолган меҳнат кунининг ҳиссасини беш-олти баравар қилиб базмларда „қистир-қистирдан“ чиқазиб олар эди. Чекасида гул, қўлида дутор, оғзида ялла Болтабой учун колхоз вақтинча бир бошпана, хоҳласа ишлайди, хоҳламаса йўқ. Бордию унинг шу юриш-туриши раисга ёқмас экан, хайр-ма'зурни насия қилиб кетаберади.

Болтабой шундоқ ўйлар эди.

Болтабойнинг бу кайфияти муваффақиятлар блан тўлиб-тошган, ҳар жиҳатдан мустаҳкам, тўкин-чочин, баракали колхоз ҳаётида унча билинмас эди. Аммо уруш бошланиб забардаст йигитлар фронтга кетди-ю, кимнинг қанақалиги билиниб қолди.

Ҳар йили даромад тўйида пешонасини танғиб улоқ чопадиган Болтабой қайқандаги бўлмағур касални баҳона қилиб фронтдан ҳам қолди. Колхозда ҳам ёлчителиб ишламади. Уруш бўлгандан кейин колхоз хўжалигига, даромадига футур етмай иложи йўқ. Болтабойнинг ялласига қулоқ соладиган улфатлар чойхонани тарк этиб урушга кетган. Ўғлидан, қайлиғидан хат кутиб ҳижрон кунларини кечираётган кампирлар, келинчақлар учун унинг яллаларини малол келадиган бўлди.

Болтабой энди охори тўкилмаган беқасам тўн ўрнига елкасига ямоқ тушган гуппи киядиган бўлди. Колхоз ҳам шу йиллари қатораси тўрт йил планини бажараолмади. У иш кўп кунларга дуч келди. Албатта яхши еб, яхши кийиниб ўрганган Болтабой учун бундай ҳаётга кўникиш қийин эди. Болтабойнинг ҳафсаласи пир бўлди. Унинг устига бир ёқда раис, бир ёқда партком кўпчиликнинг ўртасида ҳа деб уни турткилайберишади. Ҳатто ҳосилотнинг мажлисида „такасалтанг“, „номард“ дегани унинг қорнига қозиқ қоққандек дилини сиёҳ қилди.

Болтабой ният қилиб, аммо амалга оширишга жур'ат қилолмай юргани — колхоздан кетиш ҳақида ўйлаганида юрагининг алла қаери жиз этар, бу — шунча йил бирга ишлашиб кўникишиб қолган ошина-оғайнилар, колхоз, колхозчилар, қишлоқдан нари кетиш азоби эмас, фақат колхоз учун шунча ишлаб биттагина орден тақолмай кетиши алам қилар эди. У далада дўппини қайтоқи қилиб, терлаб-терлаб кетман чопгани учун эмас, терлаб-терлаб ялла қилгани учун ҳам катта мукофот кутарди. Гўё унинг бу иши учун ҳамма ташаккур айтиши, ундан миннатдор бўлиши керак. Унинг зўр шўҳрат эгаси бўлиши учун бутун колхозчилар тинмай ишлаши, фақат Болтабойни орденли қилиш учун ишлаши керак бўлиб қолди.

Болтабой шундоқ ўйлар эди.

Болтабой шу ҳақда ўйлаган сари ўз фикрлари мийясига елимагандек ёпишиб, колхоздан кетиши қат'ийлашиб борар эди.

У колхоздан кетади. Унинг қадрига етадиган, яллаларига жон деб қулоқ соладиган ва ниҳоят унга катта мукофот берадиган колхозга боради. Шунда раис ҳам, Жуман ота ҳам „пешонаси

ярқирамай“ юрган Болтабойнинг ким эканлигини бир билиб қўйишади. Охири унинг олдига ялиниб боришади. Хуллас, Болтабой колхоздан кетишга қарор қилди. Эртаси самоварга чиқиб, раисга „шундоқ-шундоқ“ деди-ю чопонини елкасига ташлаб, дуторини қўлтиқлаб кетаберди.

У орадан 3 кун ўтказиб, тоғаси раис бўлган миллионер колхозга борди. Кечгача дала айланиб азмойиш олиб юрди. Одамлардан колхоз ишларини, шартларини, даромадда қанчадан галла, қанчадан газмол олишларини суриштирди. Охири тоғдаги колхоз чўпони ҳам икки марта медаль мукофот олганини эшитди-ю, раиснинг олдига борди.

— Хўш!,— деди раис унга.— Эшитишимча бир-икки кундан бери даламизда айланишиб юрган эмишсан, ўзи нима гап?

Болтабой бир оз ўйлаб тургач, қўл силтаб диванга ўлтирди.

— Очигини айтсам, сизнинг колхозингизга ўтмоқчиман. Ўтмоқчиман эмас, ўтдим деб ҳисоблайман.

Раиснинг юзида мамнунлик белгилари кўринди, мўйлабини силаб, мийиғида кулди. Бироздан кейин, унинг юзидаги бояги белгилар йўқолиб, жиддий тус олди.

— Қани энди, ўтсангку, жон кошкия.

Раис яна ўйланиб қолдию, ўрнидан туриб, уёқ-буёққа юрабошлади. Унинг бу ҳолатидан Болтабой „рози бўлди, жон деб рози бўлади ҳам-да“, деб ўйлар эди.

— Йўқ...— деди раис.— Сени колхозимга олсам, кимга фойдаю, кимга зиён? Сенинг колхозинг ҳам пахта экиб давлатга беради, бизнинг колхоз ҳам. У ерда ишладинг нимаю, бу ерда ишладинг нима? Ундан кейин тўрт йилдан бери планни бажараолмай хижолатда қолган колхозга ёрдам бериш ўрнига унинг ишонган тоғини кўчириб кетсак, одобдан бўлармикин? Ўлганнинг устига тепаган бўлмасмикан, ўзинг бир ўйлаб кўр?

— Ўйлаб кўрганман.

— Йўқ. Яхши ўйлаб кўрмапсан акаси, ўйлаб кўрганингда, бундоқ қилмас эдинг. Бир тоғара ҳамирни бир бурда ҳамиртуриш етилтиради. Сен ўз колхозингга ҳамиртуриш бўл. Агар мен гапингга кирсам, кўпчиликнинг таънасига қоламан. Ўзимнинг жийронимни аяб қўшнимизнинг бўғоз байталини минган бўламан. Кўнглингга келмасину, мисол учун айтдим. Қани, айтчи ўз колхозингдан кечиб, бизга ўтишингга сабаб нима?

— Сабабини айтсам,— Болтабой хижолат бўлиб, оғзини очмай йўталди, тўнининг устидан елкасини қашиди.— Нима қилай, жонимни жабборга бериб ишлаганим блан биров ҳолинг не, демаса. колхозинг аҳволи мундоқ бўлса, газета зўр бериб танқид қилади. Тўқайга ўт, кетса, ҳўли-қуруқ баравар экан. Бизга ўхшаганларнинг меҳнати куйиб кетияпти.

Раис кўзларини катта-катта очиб, унга қаради.

— Энди тушиндим. Колхоз эмас, ўзимни ўйлайман дегин. Чакки ўйлабсан. Кемага тушганинг жони биру, сенинг жонинг бошқа экан-да. Бизнинг колхозга ўзини орденли қилиш учун ишлайдиганлар эмас, колхозни, районни, қолаберса областьни орденли

қиладиган киши керак, тушиндингми? Колхозинг тўрт йилдан бери қолоқ экан, планни бажаролмас экан, уни шу ҳолда ташлаб кетиш айниқса сенга ўхшаган киши учун ярашармикан? Билиб қўй, бизнинг колхозда ҳам тайёр ош йўқ. Колхозчи деган гапни, я'ни ўзингни ўзинг яхши англамапсан. Колхозчилик мундоқ бўлмайди.

Болтабойнинг режалари барбод бўлди. Раиснинг олдидан иши уингмай чиққач, ўз колхозига қайтиб боришга ҳам юзи чидамай қолди. Нима деб боради, кеча самоварда раисни кўриб: „сизлар блан бўлсам, косамнинг таги оқармайди. Нонни бутун қиладиган колхоз топдим“, демаганмиди? Ўзи айтган шу гапларни ўйлагач, ўз қишлоғига, ўз уйига ўзи сиғмайдиган бўлиб қолди. Агар қайтиб борса ҳамма: „уял, от айланиб қозигини топибдику“, деяётгандай бўлар эди.

Болтабой қишлоқдан кетди. У шу кетганича ҳечкимга кўринмади. Ба'зи одамлар уни станцияда қовун тилиб сотияпти, деса, яна бири: „столовойларда сув ташиб, ўтин ёриб юрган эмиш“, деб айтишади....

...Жуман ота чой ичиб бўлгунча, бўлиб ўтган воқиаларни хаёлидан ўтказди. Болтабойнинг ҳозирги турқ-тароватини кўриб, биров гўё: „шу йигит сизнинг қишлоғингизданми, колхозингизданми?“, деб сўраётгандек, юраги орзиқиб кетди. Тўғриси, бир бебош йигитни қайириб олмаган, йўлга сололмаган Жуман отадан ҳамма гина қилаётгандек, номус қилди.

Ана соч-соқоли ўсган Болтабойнинг ўзи шу томонга келмоқда. Ота беихтиёр: „ҳў! Болтабой!“ деб қўл силкитганини ўзи ҳам билмай қолди. Гўё Болтабой пул қарз олиб муддатида беролмай қочиб юрган кишидек минг хижолат блан унинг олдига келди.

— Қаёқда юрибсан?

Болтабой кулди. Бу кулгининг ма'носига унинг ўзи ҳам, Жуман ота ҳам тушинаолмади. Худди Болтабой ўз холига ўзи кулаётгандек эди.

— Яна қачонгача шундоқ юрмоқчисан, дарбадарлик жонингга тегмадими, аҳволингни қара.

Болтабой ерга қараб, пешонасини уқалади. Жуман отанинг кўзига қарай олмай, дўпписини кўлига олиб, зўр бериб кизагини тортар эди.

— Қани, энди нима қиласан? Шунча юриб косангнинг тагини оқартириб олдингми? Қишлоқни қайта кўриш умидинг йўқми?

Болтабой жавоб бермай, узоқ жим қолди. Охири бош кўтарди.

— Қай юз блан бораман. Тўғри айтдингиз. Дарбадарлик жонингдан ўтиб кетди. Мана туриш-турмушим, кўриб турибсиз.

Жуман ота яна битта чой чақирди.

— Яна менинг гапимдан колхозга олиб кетиш учун ташвиқот қилияпти, ялинаяпти, деб ўйлама, ялинадиган бўлсак, ўша вақтда ялинардик, чунки колхознинг холи ёмон эди. Энди унақа эмас, иш оёққа босиб кетди. Энди сра ялинмаймиз. Ёмон кунимизга ярамаган одамга сра ялинмаймиз.

Болтабой ҳозир ялнтириш эмас, Жуман отанинг оёғига йиқилиб ялинишга ҳам тайёр эди.

— Майли, ихтиёр ўзингда. „Фақат фалон қишлоқли йигит абгор бўлиб қолти“ деган гапдан номус қиялпмиз. Сенинг шу аҳволингни кўрган дўст-душман колхозга айб қўяди, биласанми, колхозга гап тегизаяпсан. Кўриб турибман. Илгари томга чиқиб, шотини оёғинг блан тепиб, ўзинг паства тушолмай қолган эдинг. Энди ўрага тушиб, чиқишга шоти тополмай қопсан. Лекин бировни чақириб, шоти қўйиб беришни сўрашга бўйнинг ёр бермайди, ор қилсан. Ташла бу бема'ни ғурурни! Шунча юриб нима ортдирдинг? Мана шу жулдир чопон блан қасмоқ дўппиними? Кўпни қадрламаган шундоқ бўлади, ўғлим.

Болтабой бир тебраниб олди.

— Ҳамма гапингиз ҳақ. Айтингчи, фақат қай юз блан колхозга бораман. Раисга, колхозчиларга нима деб гапираман. Ахир мен...

Жуман ота унга қовоғини солиб қаради. Лекин бу қарашнинг ҳолига ачиниш, бу адашган, ҳаётда ўз-ўзини таҳқирлаб қўйган кишига нисбатан кўнглининг алла қаерида йилт этган инсонлик меҳри, тўғриси колхозчилик меҳри, уйғонган кишининг қараши эди.

— Ота, энди мен сизнинг қўлингизда бир зувала хамирман, истасангиз кулча, истасангиз патир қилинг!

— Тур ўрнингдан. Аравани ўзинг мин! Қишлоққа кетамиз. Раисга ростини гапир, мажлисда дарбадарлик жонингга текканини айт. Эгилган бошни қилич кесмайди. Фақат юрагингдаги гапни гапир. Билдингми, юрагингдагини!...

Болтабой қишлоққа боради. Раис блан учрашади. Шунда унга нима дейди. Унинг юрагида қандай гап бор. Ўз қилмишидан саргардон бўлган, шу қилмиш туфайли инсонлик қиёфасини йўқота ёзган, тўғриси, мислсиз тўлқинда ғарқ бўлаётган киши ўз халоскорига нималар айтиши мумкин бўлса, Болтабой худди шундай дейди.

Болтабой бу гапни энди очиқ айта олади,

ВОҲОБ РЎЗИМАТ

САН'АТКОР

Ҳикоя

Яқин орада ҳечким кўринмайди. Чиқиб сўраб келақолсамми экан? Йўғе!.. „Бутун бошли завод ҳовлисидан кадрлар бўлимини сўраб олгани одам топалмаган қанақа ношуд экан бу!“ деб кулиб ўтиришмасин тагин. Вақтим бор, бироз кутиб ўтирайчи, биров ўтиб қолар.

— Ҳужжатларим ўралган қоғозни қўлтигимга қисиб, завод газетаси ёпиштирилган витринага тикилиб турар эканман, қулоғимга оёқ остида ғижирлаган шағалнинг овози эшитилдию ўтиб кетаётган одамнинг акси витрина ойнасига тушди. Ялт этиб ёнимга қарадим, мендан уч-тўрт қадам нарида, узун сочларини селкиллатиб бир аёл келмоқда. Соч эмас — учиб турган аргумоқ... Энди шу кишидан сўраб оламан-да. Бир-икки қадамни йирикроқ ташлаб етиб олдим. Танимаган одамдан даф'атандан гап'сўраш ўнгғайсизроқ кўринди, томоғимни қириб бир йўталиб қўйдим-да, сўрадим:

— Опажон!.. Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

— Марҳамат...

Ўнгғайсизланиб кетдим. Кенг яғринлари ва икки ўрим йўғон сочини кўриб, мендан катта бўлса керак, деб ўйлаган эдим, тахминим ўзимни уялтириб қўйди. Уни 19 дан ошган дейишга ҳеч ҳам ҳаққим йўқ эди.

— Ҳўш, хизмат?—Менга тикилди.

— Кадрлар бўлимига учрашмоқчи эдим...

— Ишга кирмоқчимисиз?

— Ҳа... сўраб олмаган эканман, шуни айтиб берсангиз деб... — яна дуқуқландим.

— Тузук. Йўлимнинг устида, юринг, кўрсатиб қўяман.

— Раҳмат!

Унинг қиёфаси менга танишроқ кўринди. Тахмин қилдим, яра боягидай янглишсам яхши бўлмас, деган андеша блан, сўра-

май қўяқолдим. Орадаги жимликни нима блан кўтаришни ўйлаб ерга кўз тикиб кетмоқдаман...

— Салом, Евгений Андреевич!— қўлида қандайдир чертёжларни кўтариб келаётган чол блан кўришди у.

— Салом, ўртоқ Расулова!

Расулова! Э, бўлди, бўлди, тахминим тўғри чиқди. Мен бу қизни танидим. Тўғри, фамилияси Расулова, ўзи артистка.

Қиз, „Энди бироз кутасиз-да“ дегандек қилиб, менга қараб қўйди.

— Табриклайман, кенгаш ма'қул кўрди,— деди ҳалиги Евгений Андреевич деган чол қаншаридаги кўз ойнагини тўғрилаб.— „Квартет“ сан'атини энди кўрсатар эканда!.. — Чол мийингида кулиб қўйди.

— Заводимизнинг ша'ни учун қўлимиздан келган қадар ҳаракат қиламизда,— деди Расулова.

Улар яна нималарнидир гаплашишди. Бировнинг гапига қулоқ солиш ҳарҳолда одобдан бўлмас деб, мен ўзимни четга тортиб турдим.

Мен уни, биринчи марта, бултур санаторияга борганимда кўрган эдим. Борганимнинг иккинчи кuni эстрадада катта концерт бўлди. Бир вақт конференсье қўлида қоғоз блан чиқиб:

— Ўртоқ Восила Расулова „Ёдимдадир у гўзал дамлар“ деган романсни айтиб берсинлар, деган таклиф бор. Қаршилик йўқми? Ундай булса сўраймиз,— деган ва қарсақни ўзи бошлаб берган эди.

Восилахон ашулани пианинога жўр қилиб айтар экан, бутун зал маҳлиё бўлиб қолди. Пианинонинг сўнгги аккордларини гумбурлаган қарсақлар кўмиб кетди. „Сўраймиз! Сўраймиз!“, „Қойил!“, „Браво!“ деган овозларни конференсье анчагача тўхтатолмай турди. Восилахон тамошабинларнинг қистави блан ўзбекча, русча яна 2—3 та ашула айтди. Ёш ўзбек қизининг европа куйларини равои ижро қилиши ҳаммани мафтун қилган эди.

Эртаси кuni у кўринмай қолди. Эшитсам; дам олиш муддати тугаб, жўнаб кетган экан. Мана мен уни яна учратдим...

Чамамда бу заводда ҳам ишлайди шекилли. Биронта тўгаракка раҳбарлик қилар, бу чол ҳам қандайдир квартет тўғрисида гапираяпти-ку. Дарвоқи' ҳали завод газетасини кўраётганимда „Завод бадний ҳаваскорлар тўгараклари кўрикка тайёрланмоқда“ деган сарлавҳага кўзим тушган эди. Балки репетицияга кетаётгандир...

Қиз чол блан хайрлашди.

— Сизни тоза ҳам кутдириб қўйдим!

— Зарари йўқ, Восилахон...

— Ўзимга савол назари блан қаради:

— Мени қаёқдан танийсиз?

— Ашулаларингизни хўб эшитганмиз санаторияда. „Ёдимдадир у гўзал дамлар...“.

— Ҳа, ундами...

— Хушомад ўрнида қабул қилмангу „талантли артист экан!“ деган эди ҳамма.

— Мени-я?—Буғдой ранг, лүппи юзларида чуқурча ҳосил бўлди.

— Ҳа, сизни... Бу ерда ҳам ишлайсизми?— „биринчи“ иш жойини билмасам ҳам жўрттага сўрадим.

— Кадрлар бўлимидами? — Лабларини буриб, қошини кериб қўйди. Нимага иўйсам бўлади, ҳайрон қоладиган гап гапирмаган бўлсам керак. Бировнинг ичидагини билиш қийин. Гапнинг мавзу'ини бошқаёққа бурдим.

— Сиз бўлмасангиз бу „шаҳри азимда“ адашиб кетар эканман.

— Завод ҳовлисида адашиб қоламан, деябсиз, цехга кириб қолсангиз, унда нима қиласиз?— кулди у. Мен гапирган гапимдан жуда-жуда пушаймон едим.

Орага жимлик чўкди. Кетаётганимиз хиёбоннинг чорраҳига етганда у чап томондаги бинони кўрсатиб:

— Кадрлар бўлими шу бинода. Хайр бўлмаса, ўртоқ...—деди.

— Зокиров!— деб қўл чўздим шоша-пиша.

Боятдан бери ўзимни унга танитмабман ҳам.

— Хайр, ўртоқ Зокиров, — қўлимни сиқиб хайрлашар экан ўнга бурилди.

— Хайр!

Ҳамма блан ҳам шундай кўришар эканми, бормоқларимни бир-бирига ёпиштириб қўйди-я!

Кўзим у кетган томонда, тутқичга қўл чўзган эдим, эшик ичкаридан очилиб қирраси тегиб кетишига сал қолди.

— Э, айбга буюрмайсиз-да, энди ўғлим!

Шу сўзларни айтиб ичкаридан чиққан бу чолни биров хафақилиб қўйганми, ўзини босиб гапиришга тиришса ҳам, киприклари пир-пир учар, орқасига қараб тамшаниб қўяр, тупугини зўрга ютар эди.

— „Ёшлар ишласин эмиш“... — Қўлимга қоғоз чўзди. — Иззатнафсим койидию, завкомга бораман деб олиб чиқиб келавердим. Нима деб ёзипти? Бир ўқиб кўринг?.. Кекса бўлсам, бунга нима дахли бор экан?! Ош-нон сўрамадим, штамповочний станокка ўтказ деб илтимос қилдим халос. Тағин насиҳат қилгани ортиқча... „5 йилликни 4 йилда бажарамиз“ деб Сталин отамизга хат ёзилганда биз ҳам қўл кўтарганмиз ахир...

Унинг аризасини ўқиб кўрдим:

-- Докторхонага ёзиб берипти. „Ўртоқ Расуловнинг соғлиги тўғрисида фикр беришингизни сўраймиз“ дебти, ота. Қўйинг, хафа бўлманг, доктор лойиқ топса ажаб эмас.

— Алам қилади-да, болам. Ишлаётганлардан нима кам? Ҳеч бўлмаса Восиланинг ҳурмат қилишмайдими?..

— Ийя, сиз ҳали у кишининг дадалари бўласизми? Ҳа, шундай денг. — Мен шубҳамни аниқлаб олиш учун сўрадим. У киши заводда нима иш қилади?

Чол гапимга ҳайрон бўлдими, ҳайтавур, бошдан-оёқ бир разм солиб қўйди-да:

— Ростдан билмайсизми?— деди. — Револьверчи-ку!... Айтгандай ўзи ҳам вақтлироқ келмоқчи эди...

— Ҳозир у киши блан бирга эдик, тўғридаги бино томонга қараб кетди.

— Омон бўлинг, болам, илгарироқ айтмабсизда... Хўп, бориб, тезроқ учраша қолай, — чол, гап сўрагунимча бўлмай, апил-тапил жўнаб қолди.

Бу „револьверчи“си нима бўлди экан? Ҳаммага малумки револьвер тўппонча дегани. Ё чол тушкур бу йигит билиб туриб ўсмоқчаланти-я деб ўз галида тегажаклик қилиб кетдимми экан? Ҳазил блан чиннинг чегарасини йўқотиб қўйдим.

... Ҳужжатларимни топшириб, дарвоза олдидаги витринага ёпиштириб қўйилган бояғи газетани кўрмоқчи бўлиб борган эдим, ўрнига янгисини ёпиштириб кетиштипти. Синчиклаб қидирсам ҳам завод бадийи ҳаваскорлар тўғарақларини кўриққа тайёрланаётганликлари ҳақида биронта ҳам ҳабар топаолмадим.

Мени механика цехига табельчи қилиб тайинлашди. Бошқа ишга кўчаётган, собиқ табельчи Макаров ишни ўзлаштириб олгунимча бир-икки кун ёрдам берадиган бўлди.

— Ўртоқ Зокиров, буёғи тамом, энди сизни цехнинг кишилари ва ишлари блан таништираман, — деди Макаров ишларини ўтказиб бўлгач.

— Энг аввал рекордчи комсомол бригадасининг иши блан танишамиз. Бу бригаданинг а'золари, 1950 йил плани нормалари юзасидан ишлаб, кунига беш нормадан бажараяпти. Жуда эпчил қизлар...

Заводдагилар уларни муҳаббат блан „квартет“ деб атайдилар...

— Квартет дедингизми? — Макаров саволимга жавоб бермай: „Қани тезроқ юринг, бориб кўрасиз, деди-да, мени цех идорасидан цехга олиб чиқди.

Сон-саноқсиз моторларнинг ҳаракатидан цех гувуллайди. Станок чархларини визиллатиб айлантираётган қайишлар кўзни жимиллаштиради. Станок, станок... Аввал кўниколмай, хила гарансидим. Цехнинг ўртароқ ерига келганимизда:

— Мана „квартет“! Кўраяпсизми, тўртта қиз 22 та станокни бошқараяпти, — деди Макаров қўлини карнай қилиб қулоғимга.

— Анали пармаловчи-револьвер станокчига деталь қўяётган қиз буларнинг бригадири Восила Расулова. 1950 йил плани нормалари юзасидан ишлаб 6 йиллик планни бажарган, ҳозир 1952 йил ҳисобидан иш бошлаган.

Ялт этиб юзига қарадим, ичимдан „эил“ кетдим. Уша мен артист деб юрган Восилахон устида комбинзон, станокда ишламоқда эди! Қанчалар ҳанг-манг бўлиб қолганимни та'рифлаб беролмайман.

— Қизларимизнинг сан'атини кўриб ҳайрон қоласизда — деди Макаров ва елкамга уриб қўйди. — Кўраяпсизми, худди артистка, артист... Ҳозир ўртоқ Расулованинг станогини 3-нчи тезликда ишлаб турибти.

Диққатим сочини бошига турмалаб устидан дуррача блан тангиб олган Восилахонга берилиб, Макаровнинг бригададаги бошқа қизлар тўғрисидаги гапларини эшитмай қолибман. Шахт блан айланаётган уч станокни жиловлаб олгандек чапдас бошқараётган Восилахоннинг ҳаракатлари жозибали балет ритмаларини эслатади. Жисмоний меҳнат эмас — гўзал сан'ат дейсиз. У станокдан-станокка ўтар, эпчил қўллари блан детальларни олиб ўрнига янгини ўрнатар эди.

Устида ҳали ишланмаган қисмлар турган стеллаждан бир детал олаётган Восилахон биз томонга қараган эди кўзимиз-кўзимизга тушиди. Бош иргитиб саломлашдик. Имлаб станокларни кўрсатар экан мен унинг бў ҳаракатини „Вақтим зиқ“ деб тушундим.

... Ана артист! Ҳа, сан'аткор деса арзигудик. Меҳнат fronti-да бешйиллик симфониясини яратаётган бастакорлар'армиясининг а'зоси бу қиз келажакни буқунда куйламоқда.

САИД НАЗАР

КОМСОМОЛ

Йиллар кўзгусида кўринар юзинг —
Мардлик, садоқат ҳам кураш ва баҳор.
Ёшлик гўзаллигин тимсоли ўзинг,
Халққа хизмат қилиб, топдинг э'тибор.

Юксак интилишлар, олий тилаклар,
Мусаффо қалбингни айламиш равшан.
Қуриш ва ижодда бўлдинг музаффар,
Куркам қиёфангни акс этар гулшан.

Ёшлик ҳарорати, қуёш нуридан —
Қолишмай, улкани қоплаган бугун.
Ҳаёт олға босар ғайрат зўридан,
Мағрур ёшлигимиз, Ватан, сен учун!

Ҳар гигант юксалса, кўкка чўзиб бош,
У блан тикладик тоғ каби қомат.
Комсомол—бу сўнмас жадал, шижоат,
Партия — онамиз, меҳридир қуёш.

Олам мақтагудек шараф, фазилат,
Улуғ онамиздан сенга нишона,
Шонли партиёга туганмас ҳурмат!
У блан юз очдик ёруғ жаҳонга.

Комсомол — келажак, ўсин ва ижод,
Ташқин дар'ё каби мавж урган ёшлик.
У блан чирайлик ва қувноқ ҳаёт,
Умримиз боқийдир, кўнгил қуёшлик.

АЛЕКСЕЙ ТРЕТЬЯКОВ

БАҲОРИКОРЛИҚДА

Очерк

Совет мамлакатида одам
жуда тез юксалади

М. Горький

Костромадан „Галла оролга“

Туш пайтида поезд келди. Николай Екимов вагондан чиқиб, атрофга қизиқиб қаради. Кўзи иллаган жой гиёҳсиз қуп-қуруқ сарғиш дашт эди. Шарқда, суратдагидек, чўққиларини қор босган катта қора тоғлар кўринди. Осмон гумбазининг туси тез ўзгарди. Кўм-кўк осмон кулранг тусга кирди, сўнгра қорайди. Поездга, уймалашиб юрган одамларга, станциянинг кичик биносига бирдан кучли шамол келиб урилди. Шамол ўлиб, қутуриб тоғдан кулранг булутни ҳайдаб келди. Чанг уйини кўз очирмай қўйди ва даштни қоронғилик босди.

Қаттиқ чақмоқ чақиб, момақалдироқдан еру-осмон ларзага келди. Тоғларда момақалдироқ жуда кучли бўлди. Чақмоқ зарбидан тоғда юзлаб акс садо эшитилди. Атроф тинмай гулдираб, станция томидан узилиб тушган бир бўлак туника шарақлади, товуқ ва хўрозлар қақиллади, одамлар қичқирди. Паровоз гудоги эшитилди ва поезд йўлга кирди, чанг ичида тез юриб кетди.

Николай ярим станцияда бир ўзи қолди. Унинг юраги арзиқиб кетди. Ўз ихтиёридан ташқари, товушини чиқариб:

— Ерни кўринг-у!.. — деди.

— Бу ер баҳорикорлик, — деди Екимов орқасида кимдир.

Николай қаради. Унинг олдида пастаккина, кўса соқол ва кўзларининг қайси тусдалиги номаълум бир чол турарди. У кир чит қўйлак ва ёғи чиқиб кетган пальто кийган эди.

Ҳечким йўқ, бу чекка жойда одам борлигини кўриб Николай хурсанд бўлди. Афтидан, чол сергапкина кўринарди. Брок шу онда яна шамол кўтарилиб, улар юзига чанг урилди. Чол бўйинини ичига олиб, станция биносига чопиб кетди, ундан кейин

Николай ҳам югурди. Улар станция биносигаги кичик хонага кирдилар. Гапни чол бошлади:

— Қаердан келдинг?—

— Костромалиман,— деди Николай.

— Шундай... Мен билиб қўйячи, донм шу ерда туриш учунми ёки меҳмон бўлиб келдингми?

— Совхозда ишлаш учун келдим.

— Демак, бизнинг совхозга келиптилар-да. Мен ҳам энди совхозлиман,— деди чол айёрилик блан им қоқиб.— Қари бўлганим учун енгил ишларни бажараман: станцияга хат олиб келаман, ёки масалан, идорани супураман, печка ёқаман. Қариганимда ҳарнарсани қилишга тўғри келди.

— Бу ерда кўпдан бери яшайсизми?

— Совхозни тузмоқчи бўлганларида шу ерга жўнатишган эди, деди чол ғазабланганини яшираолмай.

Николай нима дейишини билмай қолди ва одоб сақлаб:

— Баҳорикорлик дегани қанақа ер?— деб сўради.

— Бизнинг тилимиз блан айтганда экин битмайдиган, сувсиз ер. Дашти-биёбон, ҳаммаёқни бурган босган. Дарахт кўкармай, офтобда қовжираб кетади. Дун'ё яратилгандан бери бу ерга экин экилмаган. Бу ерда ҳечқачон, ҳечнарсга ўсган эмас ва ўсмайди, э, товба!.. Худоё ўзинг кечир!

— Совхоз қандай аҳволда?

— Ташкил қилишмоқда. Уч ойдан кейин ер ҳайдашмоқчи.

Бу ерга жуда кўп меҳнат сарф қилишади-ю, броқ очимиздан ўлмасак дейман, осидилар илгари бу ерда қўй боқишарди.

Николай 20 ёшда бўлса ҳам, чол янги турмушни ёмон кўриб, дарғазаблик блан, қийинчиликларни ортдириб кўрсатиб бўҳтон қилаётганини тушунди ва юраги сиқилди.

Унинг хаёлидан туғилган жойининг манзараси: тинч оқадиган Волга дар'ёси, салқин қарағайзор, серунум қора тупроқ, ёғочдан солинган мустаҳкам уйли Кострома қишлоқлари ўтди. Бу ер эса одамсиз, чекка жой бўлиб, одам зерикадиган қуп-қуруқ дашт эди.

Момақалдироқ ва шамол бирдан бошланган эди, бирдан тинди. Осмон кўм-кўк тусга кирди ва ерга офтоб нури тушди. Булут бир томчи ҳам ёмғир қўймади.

Бирнеча минутдан кейин Николай блан чол узоқда оқариб турган совхоз уйларига қараб йўл олдилар. Посёлка даштнинг ўртасида бўлиб, ҳар томондан шамолга яққол эди. Омборлар олдида одамлар уймалашмоқда: улар қандайдир машиналарнинг қисмини омборга олиб кириб, тахта устига қўймоқдалар.

Николай идорага ўтди. У, ўз тақдирининг ҳал бўлишини кичик кабинет эшиги олдида узоқ вақт кутди. Юпқагина девор орқасидан одамларнинг товуши барала эшитилиб турарди. Мажлис бўлмоқда эди.

Николай бу мажлис муҳим эканлигини билмаган эди. Бу мажлисда янги ташкил бўлган „Ғалла орол“ совхозининг экиш плани биринчи марта муҳокама қилинмоқда эди. Николай мудрай бошлаган эди ҳам, эшиклар бирдан очилиб, терлаб қип-қизорган

одамлар кабинетдан тўда-тўда бўлиб чиқибдилади, улар вази-фани қизғин муҳокама қилардилар.

Директор Николайни тик турган ҳолда кутиб олди. Директор узоқ ўтиришдан уюшган а'золарини ҳаракатга солди.

— Қаерлисан?— деб сўради директор, саломлашиш ўрнига.

— Костромалиман...

— Яхши, жуда яхши,— деди директор. Броқ нима учун яхши-лиги мутлақо нома'лум эди.

— Қулоқ қилинганмисан?— деб сўради директор тўсатдан, Николайни кўздан кечириб туриб.

Екимов аччиғланди:

— Мени бу ерга комсомол юборди: Уругимизда биронта қулоқ йўқ,— деди.

— Бу жуда соз! Демак, сен бизнинг полкка юборилган одам-сан. Ёшинг нечада?

— Яқинда йигирма бирга кираман.

— Қани Костромали, ўтирчи, сен менга жуда кераксан,— де-ди директор ва стулини Николайга яқинроқ суриб ўтирди ҳамда сўзга кирди:

— Сен учун иш бор, йигит. Бор...

Николайнинг юраги арзиқиб кетди. Орзу қилган ишимни олар эканман; деб ўйлади. Комсомол а'зоси бўлганим учун дарров мас'-улиятли ишга қўяр, масалан, бир бўлимни топшириб қўйса ке-рак, у бўлимнинг ишини, яхши йўлга қўяман, менинг тўғримда гапиришади, мўл ҳосил оламан, менинг тўғримда газеталарда ёзишади, менинг донгим Костромага ҳам етади. Ҳамқишлоқларим!

— Николай юқорилаб кетибтику!..— дейишади, деб ўйлади.

Директор сўзини давом этдирди:

— Сен учун боп иш бор, йигит. Соғлом, кучли экансан, се-ни юк ташучи қилиб белгилайман.

Николайнинг башараси буришди. Директор буни сезмадими ёки сезиб сезмасликка солдими, ҳарҳолда сўздан тўхтамай:

— Ҳозир энг муҳим иш юкни тушириб олиш. Совхоз вагон-лаб галла, ўғит, машина, бинокорлик материаллари олмоқда, чор ишкалимиз бут бўлмоқда. Кишилар етишмайди. Бор одамларнинг орасида куним ўтса бўлди дейдиганлари йўқ эмас. Биз учун ҳар дам ғавимат. Катта иш бошламоқдамиз. Ўн йиллардан кейин, бу ерларда одамлар кўпайгач, сен блан менинг тўғримда одамлар: „Мана улар 1930 йилда дастлаб унумсиз ерни ишга солган эди-лар“ деб гапирадилар.

Шу пайтда телефон жиринглаб қолди, директор аппарат ёни-га бораётиб:

— Мана шундай, йигит, ишга туш...— деди ва Скибин,— деб қақирди.

Кабинетга паст бўйли бир одам кирди.

— Скибин, янги одамни жойлаб қўй. Бўйдоқларнинг учинчи ётоқхонасига жойла. Юк туширишда ишлайди.

Бирнеча секунддан кейин директор телефон трубкасига бақ-риб гапирмоқда эди.

— Тушунсангизчи, ёнилгини йўл яхши вақтда дарров олиб келиш керак.

Николай тақдири ҳал бўлганини билиб, посёлка коменданти орқасидан индамай кетди. Йўлда у яна ўша чолга дуч келди. Чол Николайга сўз ташлади:

— Йигит, қалай, жойлашдингми? Баҳорикор совхоз ёқдимми?— деди.

— Нарв бор, қулоқ жарчиси,— деди Николай пинғиллаб.

Чол йиқилиб тушди, комендант хандон ташлаб кулди. Николай Екимовнинг „Ғалла орол“ совхозидаги ҳаёти ўн саккиз йил аввал шундай бошланган эди.

* * *

Юк ташучилар бирга яшаб, бирга ишга чиқардилар. Иш тонг отиши бланоқ бошланар эди. Меҳнат бир хил ва оғир эди. Кичик паровоз юкли вагонларни келтирарди. Бу вагонларда тракторлар, экиш машиналари, плуг, дон ва ўғитлар келтирилари. Николайнинг таниши исқирт чол бирдан юк ташучилар бригадасига келиб қолди. Уни совхоз керосинини самагонга олишаётганда тутиб олишиб, контора ишидан бўшатган эдилар. Бирон оғир юкни тушираётганларида у одамлар атрофида пириллаб айланиб, бўғиқ товуш блан:

— Қандай ушлаяпсан, эси йўқ! Четидан ушла, эҳтиёт бўл. Судраб торт, судраб!..— дерди.

Николай ҳечким блан иноқ бўлолмади. Чунки юк ташучиларнинг кўпи бу ерга тасодифан келиб қолган кишилар эди. Совхозга тасодифан келиб қолганлар иш кийимини кийиб, ярим ойлик маошни олгач ғойиб бўларди. Учинчи ой ишлаётган Николай энг эски юк ташучи эди. Узи сезмаган ҳолда у бригадада му'табар одам бўлиб қолди, ҳатто кекса юк ташучилар ҳам Екимовни Николай Дмитриевич деб атайбошладилар. У қайси юкни аввал тушириш кераклигини кўрсатар, вазифаларни тақсимлар, юкни эҳтиёт блан туширилишини кузатар эди. Юк ташучилар олдига директор тез-тез келиб турарди. Директор Николай блан жуда хуш муомала эди.

— Хўш, Костромали, ишлар қалай? Жойидами?— деб сўрарди.

Николай бу ишда ишлашидан норози, директордан хафа бўлса ҳам, сир бой бермай:

— Ишляямиз, ишлар жойида,— дерди.

У кунларда эрта блан осмонни кулранг булут босиб, ёмғир тинмай эзиб ёғарди, одамларнинг кийимлари шалаббо бўлиб кетарди. Бир хил, одамни зериктирадиган кунлар ўтмоқда эди.

Николай ҳаётидаги ўзгариш бирдан содир бўлди. Иш қизиб турган пайтда уни директор ҳузурига чақирдилар.

— Хўш, Костромали, тракторчиликка ўқишга борасанми? Тез кунда ер ҳайдай бошлаймиз. Трактористлар етишмайди.

Эртасига Николай елкасига юкни кўтариб, трактор ҳайдашни ўрганиш учун район марказига жўнади.

„Фалла орол“ совхозининг биринчи йилги иши, бутун тафсилотлари блан, Николай хотирасида қолди. У тракторчилар курсини тугатиб, тракторчилар ва комбайнчилар орасига кирди. Улар айрим ётоқхонада бўлиб, бир-бирлари блан иноқ эдилар. Николай Лазарев, Коденко, Новиков, Каденцовлар блан дўст бўлди. Уларнинг ҳаммаси совхозга Николай блан бир вақтда келган эдилар. Уларнинг бир қисми иш биларманд тракторчи, бир қисми Николайга ўхшаган қисқа муддатли курсни тугатган кишилар эди.

Март ойидаёқ кун шундай иссиқ эдики, Николай фақат бир ич кўйлак блан далага чиқарди. У тракторчи ёрдамчиси бўлиб ишларди. Тракторчилар совхозда энг му'табар одам эдилар. Шимол, шарқ ва ғарб томонда ҳечбир экилмаган катта ер ёйилиб ётарди. Ҳамма нарса тракторчилар бу ердан қанчасини ҳайдаб беришларига боғлиқ эди.

Николай даштга меҳр қўя бошлади. Дашт жониворсиз жой эмас эди. Даштда Николай кўрмаган човқар қушлар, қуёнлар, тулкилар бор эди. Николайни интиҳосиз кенг дашт ҳайратда қолдирарди. Ерни эккач, шиғиллаб турган буғдой поялари ўсиб турганини кўз олдига келтириш қувончли эди. Екимов жуда қизиқиб қолди. Бу экилмай ётган ерларни тезроқ буғдойкор далага айлантириш унинг орзуси бўлиб қолди, бу орзунини амалга ошириш учун у тинмай ишлади. Биринчи йилда унгандек ҳосилни Николай Волга бўйида камданкам кўрган эди. Баҳорикор ер киши меҳнати эвазига катта мукофот берди. „Фалла орол“ совхозини Ўзбекистонда буғдой кони бўлиб қолди. Ҳозирча Николай тўғрисида газеталарда ҳеч нарса ёзилмаган бўлса ҳам, совхоз ҳақида ёзилиб турар эди, Екимов ўз меҳнатининг совхозга ша'н-шавкат келтирганини хурсандлик блан ўйлар эди. Николай бу ерларга ўрганиб қолди. Қишлоғидан Николайга хат келди. Ўртоқлари қишлоқда колхоз тузилганини, серғайрат Николай учун ўз қишлоғида ҳам иш жуда кўплигини ёзган эдилар. Николай ўйланиб турмасдан:

„Биз бу ерда катта иш бошладик. Ер жуда кўп. Яхши ҳосил олдик. Бу ердан кетаолмайман. Кетиш қочоқлик бўлади. Ўртоқлар, мен совхозда яна бир йил қолмоқчи бўлдим“ деб жавоб ёзди.

Уч йил ўтди, Николай „Фалла орол“ совхозидан кетишни хаёлига ҳам келтирмади. Унинг тақдири совхоз тақдири блан маҳкам боғланган эди. У комбайнчи бўлди. Навбатдаги йиғим мавсумида, Николай у вақтда мисли кўрилмаган мажбуриятни, я'ни „Коммунар“ комбайни блан тўрт юз гектар ернинг ҳосилини йиғиб беришни ўз устига олди.

Унга учинчи участкадан ҳосили йиғиладиган далани кўрсатдилар. Буғдой яхши битди. Пояси баланд бўлмай, бошоғи узун, буғдойи тўла эди. Николай комбайнга соябон қилди, машинанинг камчиликларини тузатди. Ишни кун чиқмасдан бошлади. Дастлаб-

ки кунларда иш яхши борди. Броқ бирдан машина серхархаша бўлиб қолди. Мотор қийинчилик блан юриб, қизиб, тўхтаб бошлади. Қандай фалокат рўй берди!? Екимов комбайнни ўзи ремонт қилган бўлиб, у ҳарбир винтини текшириб кўрган эди. Ночор ишни тўхтатишга тўғри келди. Туш пайтигача у машина атрофида овора бўлди, машинанинг барча қисми жойида эди. Комбайнни юргизабошлагач эса, яна ўша ишқал давом этди.

Ўша вақтда Екимов Пётр Трайнин блан дўстлашиб қолган эди. Пётр совхозга шофер бўлиб кирди, икки йилдан кейин механик бўлди. У ҳарнарсани биладиган киши деган шухратга сазовор эди. Машина қандай аҳволда эканини Трайнин товушидан биларди. Николай дўсти Трайнинни чақирди. Комбайнни бирга кўздан кечирдилар. Машинанинг ҳамма қисми жойида эди, броқ мотор ишга солинганда яна юрмас эди.

Николайни ғам босди. Иш тўхтаб қолиб, бошоқдан бугдой тўкилиш даражасига келди. Бу орада яна:

— Комсомоллар мажбуриятни катта олиб қўйиб, уdda қилолмай қолдилар,— деган овоза бўлди.

Николай бригадасига машинага ёғ қуючи бўлиб келган ўша таниш чол ҳаммадан кўра кўпроқ гап сотди:

— Йигитимизнинг ишлари чатоқ. Уятга қолдик...— деди.

Куни блан машинани юргизишга ҳаракат қилиб Николай жуда чарчади, кечаси ётиб уйқуси келмади, ўрнида ағнаб чиқди: „Нима бўлди, ишқал қаерда экан?“ деб ўйлади.

Ўртоқларини уйғотиб қўймасликка ҳаракат қилиб, Николай оҳиста палаткадан чиқди. Дашт жимжит, тўлин ой атрофни ёритиб турарди. Узоқдан поезд ўтиб кетаётгани, ғилдирак товушлари секин эшитилди. Николай папиросни оғзига олиб, тугурт чяқмоқчи бўлган эди, қўли тўхтаб қолди. Юз метр нарида кўринган манзара Николайни ҳайратда қолдирди.

Ёнилғи солинган бочка олдида бир одам юрарди. Николай панага ўтди, сўнгра билинтирмай яқин борди, ўз ёғ қуючиси эканини билди. Чол шошиб, ҳансирар эди. У бочканинг пробкасини бурарди. Хавотирликда қўлидан пробкани бураётган калид чиқиб кетди, чол ғазабланиб сўкинди. Оқибат чол пробкани чиқарди, оғир банкни ердан кўтарди ва бочкага бир нимани қўйди. Чол пробкани тиқиб қўймоқчи бўлган пайтда, Николай:

— Тўхта, ифлос!— деб бақирди.

Шовқин-сурон кўтарилди. Йигитлар югуриб чиқдилар. Жиноятчи жиноят устида тутилди. Чол ёнилғига тупроқ аралаштиргани маълум бўлди. Ғазабдан нафаси оғзига тиқилиб, жиноят устида қўлга тушганига иқрор бўлиб, чол:

— Ла'натилар, сизларни кўргани кўзим йўқ! Дидорингизни кўрмай!— деди.

Баҳорикорлик учун икки туркум киши курашар: душманлар туркуми озчилик бўлиб, улар ўз қора ишларини панада, билинтирмай қилар, уларни билиш қийин эди. Уларга қарши курашда ҳуш'ёр, чиниққан кишилар етишдилар ва улар баҳорикорликнинг ҳақиқий эгалари бўлдилар.

Уй ичида одам жуда кўп эди. Кечки овқатни ташқарида емоқчи бўлдилар. Аёллар столларни салқин дарахт остига келтириб оппоқ дастурхонларни ёздилар, меҳмонларга турли таомлар келтирилди. Дастурхонга қовурилган товуқ гўшти, қийма, варақи, қовурилган балиқ, асал, турли винолар қўйилган эди. Волгадан оппоқ илиқ туман кўтарилди. Юлдузлар чарақлаб турипти. Пристаньдан юк ташучиларнинг товуши, кема занжирларининг шарақлаши, команда берилгани эшитилди.

Буларнинг ҳаммасини Николай ёшлигидан кўриб келган эди. У дар'ёдан нам олган ва қуриган пичан ҳиди келиб турган ҳавода роҳатланиб нафас оларди. Биринчи қадаҳ меҳмонларнинг соғлиги учун ичилди. Николай Екимов ўз қишлоғига ўн йилдан бери келмаган эди. У Рогово қишлоғидан мўйловсиз йигитчалигида кетиб, катта киши бўлиб қолганида келди. Унинг юзи офтобда қорайган, энди пешонасида кичик ажинлар кўринади.

Меҳмонлар овқатланиб бўлгач Николайдан қандай турмуш кечирганини сўрадилар.

— Турли воқиаларни бошдан кечирдим, — деб бошлади, Николай, — яхшиликни ҳам кўрдим, ёмонликни ҳам. Аммо турмушда яхшиликни кўпроқ кўрдим. Совхозда яхши одамлар ҳам бор эди, бизнинг пайимизни қирқучилар ҳам бор эди.

1936 йилда экин кампанияси вақтида марказдан Львов номли вакил келди. Кенгаш чақирди ва совхоз активларини қоралаб кетди. Гўё биз ёмон ишлар эмишмиз. Кўп экайлик деб, кўпроқ ва эртароқ, лой ерга экишимиз керак эмиш. Чуқур ҳайдаш шарт эмас эмиш. Культиватор блан ерни тиндалаб эксак ҳам бўлаберар эмиш. Львов бизга тезда экишни бошлашга буюрди. Бу вақт январь бўлиб, қор аралаш ёмғир ёғмоқда эди.

Менинг дўстим Иван Евграфович Лазарев, у вақтда бўлим бошлиғи қилиб тайинланган эди, у, индамай ўтираолмади, ва:

— Бу зараркунандалик! Мен совхозни маломат остида қолдирмайман. Ўз бўлимимда февраль ойи охирида чуқур ҳайдаб экаман, — деди.

Энди нима бўлганини қўяберасиз! Вакил, ўрнидан ирғиб туриб, Лазаревга мушт солди:

„Отиб ташлайман!..“ деб бақирди.

Лазарев вакилни итариб юборди, мушшлаш бошланди. Мен ўртоғимнинг ёнига тушдим. Совхознинг ўзидаёқ бизни қамаб қўйишди. Бундай ҳаракат нима блан тамом бўлганини ўзингиз яхши тушунасиз. Львов ҳақиқатан ашаддий душман бўлиб чиқди. Биз ғалаба қилдик. Агротехника қондасига мувофиқ эдик. Уша йили кузда мени бўлим бошлиғи қилиб тайинладилар.

Бизнинг йўлимизни душманлар шундай тўсган эдилар.

— Бизнинг колхозимизда ҳам шундай йўлтўсарлар бўлган эди, — дейишди бирдан тингловчилар...

— Николай, сенинг бўлимнинг каттами? — деб сўради Екимовнинг амакиси, Горлово колхозининг раиси:

— Колхозингиздан уч марта катта. Бу йил уч минг гектардан ошиқ ердан ҳосил олдик. Қишлоқ хўжалиги кўргазмасида иштирок этиш ҳуқуқиға сазовор бўлдик. Бу ердан Москваға бораман. Амаки, биз блан ким кўп ҳосил олишға мусобақа уйнамайсизми? — Йўқ жиян, чидаш бераолмасман.

Меҳмонлар кулишди. Кимдир „Ғалла орол“ совхозининг янада фаровонлиги учун ичишни таклиф қилди. Қадаҳлар кўтарилди. Николай сўзини давом этдирди:

— Биз баҳорикорликда ана шундай яшамоқдамиз. Ўз бўлимида энди мевали дарахтлар ўтқазмоқчиман. Совхозимиз обод бўлди. Катта клуб солдик. Янги устахоналар, янги уйлар солинди, катта посёлка ўртасида мевали боғ пайдо бўлди.

Ҳали мен сизларға энг муҳимини айтганим йўқ. Бултур менга катта ишонч билдирдилар — партияға қабул қилдилар.

Николайнинг сўнги сўзиға меҳмонлар хурсанд бўлиб, қарсақ чалдилар.

Шундай, одамлар юксалдилар. Мана совхозға дастлаб келган, совхозни қурабошлаган ўртоқларимни олайлик. Шофер Трайнининг старший механизатор, тракторчи Лазарев совхоз директорининг ўринбосари, тракторчи Коденцев бўлим бошлиғи бўлди. Баҳорикор ер фақат жуда мўл ҳосил берибгина қолмай ажойиб кишиларни ҳам етиштирди.

Волганинг Горлово қишлоғидаги суҳбат узоққа чўзилди. Ярим кечадан кейин меҳмонлар тарқалишди. Туман кўтарилди. Ой нурида гўзал дар'ё ярқираб турарди. Му'табар меҳмон Николай Екимовни эрта блан ҳамқишлоқлари пристаньға кузатиб келдилар.

Ватан чақирғи

Кўргазмада кўрганлари Николайни жуда ҳайратда қолдирди. У „Ғалла орол“ совхозида қилинган ишлар ишнинг фақат бошланиши эканини тушунди. Екимов келгуси учун катта планларни: ўз бўлимида артизан қудуғи қуришни, 10—15 гектар ерга мевали дарахт ўтқазишни ва полиз қилишни, жуда мўл буғдой ҳосили олиш учун яхши нав'ли уруғ экишни ўйлаб қўйди.

1941 йилда Николай ҳаётида катта воқиа рўй берди. Соғим сигирларға қаровчилар бригадири, оддийгина рус қизи, жилмайиб туручи Настя кўпдан бери Николайға ёқиб қолган эди. Қишда Екимов тўй қилди. Николай учун ҳаёт кенг қучоқ очди: севикли жонони блан бахтиёр яшаш, ижодий, шарафли меҳнат, мўл ҳосил олиш, бўлим кўргончасини чаманзор боққа айлантириш имконияти бор эди. Николай янги ҳаётни вужудға келтиручи киши, ернинг ҳақиқий эгаси эканини сезабошлади.

Немислар мамлакатимизға хиёнаткорлик блан ҳужум қилдилар. Ватан ўз фарзандларини чақирар эди.

Урушнинг дастлабки кунларида, „Ғалла орол“ совхозидан ўнлаб кишилар кетди. Биринчи навбатда фронтға кетганлар қаторида Екимовнинг дўсти старший механизатор Пётр Афанасьевич Трайнин ҳам кетди.

Фронтда қийин эди. Аммо совхозда қолганлар учун ҳам осон эмас эди. Буғдой, фронтга снаряд қандай керак бўлса, шундай керак эди. Сони икки марта камайган кишилар блан илгаригидан кўпроқ буғдой етиштириш керак эди.

Шундай хатарли кунларда Николай Екимовни Иван Евграфьевич Лазарев ўз ҳузурига чақирди:

— Коля, сенга совхозда қолишга тўғри келади. Менинг гапимни бўлма. Мен сенинг нима демоқчи бўлганингни биламан. Сен фронтга боришни истайсан. Броқ Коля, буғдой етиштириш ҳам фронт. Сен бу совхозни ўз қўлинг блан қурдинг: юк ташу-чи, тракторчи, комбайнчи. бўлим бошлиғи бўлдинг. Райкомда бутун совхознинг тақдирини ҳал қиладиган жуда мас'улиятли ишни сенга топширишга қарор қилинди. Сен устахона бошлиғи, старший механизатор бўласан, гаражни ҳам, электростанцияни ҳам сенга топшираман. Николай, сен тўрт кишининг ишини қиласан, бу ишга сендан бошқа лойиқ киши йўқ. Бу сенинг фронт участканг бўлади.

Чиндан ҳам бу иккинчи фронт эди. Тажрибали одамлар етишмас, трактор ва комбайнларга эҳтиёт қисмлар озгина юборилар, материал етмас эди. Шу куч ҳам воситалар блан узоқ фронт орқасида катта жангда муваффақият қозониш керак эди.

Агар совхоз урушнинг биринчи йилида эски запаслардан фойдаланган бўлса, иккинчи йили аҳвол жуда қийин бўлиб қолди, совхознинг ўз воситалари ҳам имкониятларини сафарбар қилиб иш олиб боришга тўғри келди. Аҳволнинг шундай қийин эканлигига қарамасдан совхоз экин майдонининг бир гектарини ҳам қолдирмай экишга қарор берилди.

Бу қийин кунларда совхоз директори Иван Евграфьевич Лазаревни идорадан ёки уйдан топиш осон эмас эди. Унинг рангсиз газик машинаси кечаю-кундузи далама-дала елиб юрарди. Мутлақо бажараолмайдиган бўлиб кўринган вазифани кишилар қандай ирода ҳамда воситалар блан бажарганликларини онглатиш ҳатто қийин эди. Урушдан илгариги йили совхоз қанча буғдой етиштирган бўлса, урушнинг биринчи ва иккинчи йилида ҳам шунча буғдой етиштирди.

Тўғри, вақтинча анча камчиликкага йўл қўйилди. Олмошлаб экиш бузилди, ер муддатидан аввал экилди, йўнғичқа ва беда ўрнига дон экилди, қорамоллар сони озайди. Бинокорлик тўхтаб қолди. Броқ, „Ғалла орд“дан буғдой тинмай юбориб турилди.

Шуниси ажойибки, бундай қийин кунларда қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилишда совхоз қўшни колхозларга ҳам ёрдам бераолди.

Николай Екимов чиндан ҳам тўрт кишининг ишини бажарди: ёшларни слесарьлик ва токарьлик ҳунарига ўргатди, аёлларни ва катта синф ўқучиларини устахона ишига жалб қилди. Совхоз устахонаси эҳтиёт қисмларни тайёрлайдиган ва янгилайдиган кичик заводга айланди. Жуда мураккаб бирон детальни яшаш керак бўлганда, Николай Екимовнинг ўзи станокда ишлар эди.

Бу орада уруш фронтларида катта ўзгариш бўлди. Қизил Армия немисларни олдиға солиб қувлайбошлади. „Ғалла орол“дан фронтга борганлар қандай курашдилар?

Совхозда қолганлар ғалабаларга эришган бўлсалар, совхоз фронтга юборган кишилар фронтда қандай қаҳрамонликлар кўрсатдилар? Бу қаҳрамонликлар ҳақида гапирсак арзийди.

Октябрь революцияси байрами яқинлашиб урушнинг учинчи йилида жанглар қизиб бормоқда эди. Совхозда улуғ байрамни ша'н-шараф блан кутиб олишға тайёрланиб, хўжалик йилининг якунлари ҳисобға олинмоқда. Совхоз ўз қилган иши блан фахрланаолар эди. Ҳамма қийинчиликларга-қарамасдан экиш ва йиғиш плани бажарилган. Буғдой янчилмоқда. Баҳорикорлик буғдойи давлат омборига тушмоқда: шундай пайтда „Ғалла орол“ совхози тарбиялаган Пётр Афанасьевич Трайнин ватан учун бўлган жангларда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвониға сазовор бўлгани совхозға тарқалди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида Днепрдан ўтгани ва плацдармни тутиб тургани учун танкчи Трайнинга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилгани айтилган эди.

* * *

Трайнин хизмат қилаётган танк полки душман фронтини ёриб ўтиб, тезлик блан илгари юрди. Ёмғир ёғиб ўтган йўлда танк гусеничаси чуқур из қолдирди, Чўлни моторларнинг гувурлаши босди. Ғарбда немислар томонидан ўт қўйилган, ўрилмаган буғдой ёнмоқда, кўчалар ёнидаги ариқда пачақлаб юборилган немис машиналари, мотоцикллари, отилган ўқ гильзалари, бўш консерва банкалари ётади. Бу фронт йўлининг оддий манзараси бўлиб, ўз танки блан минглаб километр йўл босган Пётр Трайнин, бу манзараға э'тибор бермади.

Кичик тепаликдан ошилгач танкининг қарайдиган тешигидан Трайнин кумушдек ярқираб турган сувни кўрди. Ўнлаб танкчилар бирданиға:

— Ура! Днепр! — деб ҳайқирдилар.

Немислар нариги қирғоқда шошилиб мудофааға киришдилар. Пантон кўпригини улар олиб қўйдилар. Кечқурун бизнинг Пантон кўприги қуручиларимиз етиб келдилар, тонг отганда, душман ўққа тутиб турганиға қарамай, торгина янги пантон кўприги Днепр устиға солинди. Бу лиқиллаб турган кўприк устидан оғир танклар ўтди. Даставвал Пётр Трайниннинг танки омон-эсон ўтди ва танк гусеничаси қумли ўнг қирғоқда юрабошлагач, немис тўпидан отилган снаряд кўприкнинг худди ўртасини бузиб ташлади. Пётрдан кейин келаётган танк кўприкнинг бузилган жойида тўхтади. Бизнинг пантончиларимиз кўприкнинг снаряд тушган жойиға запас пантонларини улай бошлаган ҳам эдиларки, Пётр танкиға қарши бурчақдан уч оғир немис танки келабошлади. Немислар аҳволни ҳисобға олдилар. Ўнг қирғоққа ўтиб қолган биринчи танкни, кўприк тузатилиб, ёрдам етиб келгунча йўқ қилаоладилар.

Бу қийин дақиқада бўш келса Пётр омон қолмас эди. Трайнин танки немислар танки томон жуда тез чопиб кетди.

Бир душман танкини Пётр тўндан отиб пачақлади. Иккинчиси танк блан пачақлаш учун тўғри борди. Бир-бирига жуда кучли зрба блан урилган металлдан қарсиллаб даҳшатли овоз чиқди. Пётрни силкиб, ўтирғичга қисиб, гангитиб қўйди. Яхши сифатли совет брони немис танкини пачақлаб ташлади. Учинчи немис танки қочиб қолди. Душманни Трайнин ўққа тутиб турганидан фойдаланиб пантончилар кўприкни дарров тузатдилар.

Броқ немислар яна тўрт танк блан ҳужум бошладилар, Трайнин бу тўрт танкдан учтасини йўқ қилди. Плацдармни қўлда тутиб қолиш шарафи „Ғалла орол“ етиштирган кишига насиб бўлди.

Екимов ҳамқишлоқларига баҳорикор ер фақат мўл ҳосил етиштирмай, ажойиб одамларни ҳам етиштирди, дейиши бечиз эмас эди.

Бу жанг тафсилотлари у вақтда „Ғалла орол“ совхозига маълум эмас эди. Лекин совхоз коллективи ўз кишилари Трайнин блан фахрланар эдилар. Совхозда ҳамма Трайнинни жуда яхши механизатор, машинани беками-кўст билучи, интизомли коммунист ва яхши ўртоқ эканини биларди. Энди уни бутун мамлакат жасур жангчи деб билади. Бу воқиа шарафига ғалла ороллилар бугдой янчишни икки баравар ордтирдилар.

Броқ уруш давом этди. Фронтга янги одамлар керак бўлди. Агроном Крилов ва Екимов фронтга кетдилар. Шу кунларда совхоз ўз мавқийни қўлдан берабошлади.

Кучли душман блан бўлган жангдан кейин ҳориб-толиб қолган ғолиб каби навбатдаги экин кампаниясига совхоз кучсизланган ҳолда келди. Броқ ғолиб ғолиблигида қолади ва ша'н-шарафларга сазовор бўлади.

Мамлакатимизда миллионлаб кишилар Ғалаба! — деб қувонган вақтда ғалла ороллилар ҳам, фронтдагилар ва мамлакатимиздаги барча соф виждонли меҳнаткашлар каби:

— Биз ғалаба қозондик! — деб баланд овоз блан гапиришга ҳақли эдилар.

Дўстлар яна йиғилишди

Ксения Николаевна товуш чиқармасликка ҳаракат қилиб, эшикнинг калидини секин бураб очди ва оҳиста юриб нариги уйга ўтди. Саранжом аёл бўлганидан уй ичидаги ва стол устидаги нарсаларнинг жой-жойига қўйилишига э'tибор берди. Стол устидаги гул идишига солиб қўйилган гуллар ўрнида эмас деб билди ва стол ўртасига суриб қўйди, дастурхонни тўғрилаб ёзди, салфеткаларни лозим бўлган жойларга қўйди.

Бу кун у, ҳаётининг маълум даврини нишонлар эди. Бу кунни нишонлаш оилада одат бўлиб қолган эди. Бугун унинг турмушга чиққанига ўн беш йил бўлган кун эди. Девор орқасидаги уйда кечаси блан ухламай ва кундузи оғир меҳнат қилиб чарчаган унинг умр йўлдоши ухламоқда. Кечқурун меҳмонлар келар эди. Ксения Николаевна эрини уйғотиб қўйишдан хавотирланиб, юмшоқ столга секин ўтирди ва ўқиб тугатмаган китобини очди.

Китоб кишини қизиқтирмас эдими, ёки бугунги кун бошқача эдими, Ксения Николаевна, ҳарҳолда китобни ўқиялмади. Китоб қўлидан гиламга тушди, у гиламдан китобни олмади. Ўтмиш хотиралари уни ўз гирдобига тортди. Ўн беш йил қандай тез ўтиб кетди! У энди икки боланинг онаси. Умрининг ярмидан кўпи ўтди. Ёшлик даврини яхши ва тўғри ўтказдими?

Кўпларнинг тушунчасига у ўн беш йил умрини шаҳардан узоқда, бир чекада ўтказди. Бунга афсусланса бўлармиди?

Ўтмиш хотиралари яна ўз гирдобига тортди. Эри блан иноқ кечирган ҳаётига у гуё бир чеккадан туриб баҳо берди. У театрларга кам борди, 3—4 ойда шаҳарга бир марта тушди, деҳқончилик ишларига қизиқиш блан умр кечирди, машҳур артистларнинг товушини фақат радиодан эшитди, кўп сайр-тамошалардан маҳрум бўлса ҳам, ҳарҳолда, бу ўн беш йил яхши яшади.

Лазаревдек одам блан яшаш Ксения Николаевнага қанча хурсандлик, қанча фахрланиш туйғулари бахш этди. Лазаревнинг ҳаёти олижаноб хусусият блан юқорилаб борган кишининг ҳаёти эди. У кишига қийин эди, ба'зан у чалкаш кайфиятларга тушарди, броқ бир ғалабадан кейин яна иккинчи ғалабага эришаётганини кўриш жуда қувончли эди.

Лазарев ёшлигида -етим қолди. Тарбиясиз болалар орасида юрди. кейинчалик болалар уйда тарбияланди. Броқ, 1930 йилдаёқ у коммунистлар партияси қаторига кирган, янги „Ғалла орол“ совхозининг энг яхши тракторчиларидан бири эди.

Бу киши қандай сабр, матонат блан ҳаётда олға қадам ташлади! Бу олға интилишда бу киши мансаб парастликни кўзда тутмади. Бу киши бизнинг одамларимизнинг энг яхши хусусиятига, я'ни бугунгидан кўра эртага билимдонроқ бўлишга интилни. Бу оддий истак эмас эди. Бу эса севикли Ватанимизнинг бахти-саодати учун бутун куч-қувватни, ақл ва иродани беришдек олижаноб бир орзу эди. Чунки Ватан бахти-саодатга эришгандагина шахснинг бахти-саодати вужудга келади. Ксения Николаевнанинг эри Лазарев ана шундай олижаноб туйғу блан олға интилар эди.

Шундай, у тез юксалди. Тракторчиликдан тузатиб боручи механик, сўнгра бўлим бошлиғи бўлди. У билими озлигини тушунди. Хотин, бола-чақалик бўлиб қолганига қарамай ўқимоқчи бўлди.

„Мен унинг бу ҳаракатига ҳар жиҳатдан ёрдам бердим-ку. Ёлғиз қолиш менга осон эмас эди. Аммо мен ўқиш кераклигини ўз вақтида тушундим“ — деб ўйлади Ксения Николаевна.

Лазарев Свердловск шаҳарида икки йиллик курсга ўқишга кетди. Уқишни тугатиб келганидан кейин уни директор ўринбосари қилиб тайинладилар. Бу ишда у жуда яхши қобилиятли ташкилотчи эканини кўрсатди. „Ғалла орол“ совхозига бу кишидан кўра яхшироқ директор керак эмаслиги равшан бўлиб қолди. Лазаревни „Ғалла орол“ совхозидан ўпирилишда қолган қўшни совхозга кўчирганларида „Ғалла орол“ совхозининг коллективи қобилиятли, билимдон раҳбар, ташкилотчи, қадрдон яхши ўртоқдан ажралганини сизди. Синалган эски кадрлар ўрнига келган ёш

кадрларнинг етарли даражада тажрибага эга эмаслиги ва уруш оқибатлари „Ғалла орол“ хўжалигига анча зарар етказди.

Бу аҳволни Министрлик билди. Уруш тугаш олдидан бирқанча совхозларни кўздан кечириб юрган министр Лазаревни қидириб топди, автомобильга солиб „Ғалла орол“ совхозига олиб келди, ва:

— Бугундан бошлаб „Ғалла орол“ совхозининг директори сен бўласан. Совхозни илғор совхозлар қаторига олиб чиқ. Сенинг бу ерга қайтганингни бирнеча кундан кейин расмийлаштирамиз,— деди.

Шундай қилиб, Лазарев ўз жонажон совхозига қайтиб келди. Урушдан кейин хўжаликни йўлга қўйиш осон иш эмас эди. Тажрибакор, синалган кадрлар ҳали қайтиб келмаган эдилар. Хўжаликка анча зарар етган эди. Электростанция ишламас, бинолар нураб қолган, кўп машиналар ишга яроқсиз бўлиб қолган эди.

Буларнинг барчасини эсга олиб Ксения Николаевна эри учун яна қизгин иш кунлари бошланганини, у яна Лазаревни фақат кечалари кўраолишини фаҳмлади. Лазарев яна усти-боши чанг босиб, қоп-қорайган ҳолда келар, броқ у турли таассурот, эришилган муваффақиятлар қувончи блан тетик бўларди. Унинг кураш ва муваффақиятдан кейинги қувноқлиги Ксения Николаевнага ёқар эди.

Девор соат жаранглаб олти бўлганини билдирди, Ксения Николаевна эрини уйғотмоқчи бўлди ва уйга кириб, эшик олдида ҳайрон қолиб тўхтади. Кровать бўш эди. Ёстиқ устидаги хатда:

„Ксения! Мен биринчи бўлимга кетдим. Бу бўлим упирилишда қолган. Кечқурун етиб келишга ҳаракат қиламан. Меҳмонларни кутиб ол. Қимматли дўстим, қувончли кун блан табриклайман“ дейилган эди.

Уй эгасининг йўқлиги ўтиришни қизитмай турди. Меҳмонлар кетишмоқчи бўлиб турганларида автомобиль уй олдида тўхтади. Эшик олдида Лазарев кўринди ва:

— Кеңирасиз, дўстларим, кечикиб қолдим. Лекин мен сизларга шундай қадрдон одамни олиб келдимки, қани кимни олиб келдим, топингларчи! — деди.

Лазарев бир чеккага турди, уйга баланд бўйли, ҳарбийлар костюмини кийган киши кирди. Меҳмонлар баббаравар:

— Траинин! Петро! — дейишди.

Шундай, у Траинин эди, юзига бироз ажин кирган савлатли киши бўлиб, кўкрагида қаҳрамонлик белгиси ва бирқанча орденлар бор эди. Қўл ушлаб саломлашилди ва ҳол-аҳвол сўраша-бошладилар. Лазарев Траининга қандай йўлиққанини сўзлади:

— Иккинчи бўлимдан келаётган эдим, станция яқинидан ўтаётганимда Тошкентдан поезд келиб қолди. Автомобильда поездга қараб келавердим. Вагондан ҳарбий бир киши чиқди. Унинг қиёфаси таниш кўринди. „Тўхтат“ — дедим шоферга. „Траининга ўхшайди-ку“. Станциядан тўғри шу ерга олиб келавердим, хотин ва болаларини бу ерга олиб келиш учун автомобиль юбордим.

Бирнеча минутдан кейин Траинин стол атрофидаги ўрта бир жойда ўтириб урушда қилган ишларини сўзламоқда эди. Траининга меҳмонлар кўп саволлар беришди. Дераза ойнасидан тонг

Ўриб келаётгани кўрингач дўстлар уйларига тарқалабошладилар Траиния блан хайрлашатуриб, Лазарев:

— Икки ҳафтагина дам ол, сўнгра ўз ишинга туш. Биз сени интизорлик блан кутган эдик. Ҳамма ишни бошқатдан бошлашга тўғри келади, — деди.

— Икки ҳафта дам олишнинг нима кераги бор, Иван Евграфьевич, эртага уйда дам олиб, индинга ишга чиқавераман. Сен менинг одатимни биласан-ку, уйда узоқ ишсиз ўтираолмайман.

Дўстлар қўлларини қаттиқ сиқиб хайрлашдилар.

Тез кунда армиядан Николай Екимов қайтиб келди. Ундан кейин совхозга агроном Крилков келди, улар эски комбайнчи ва тракторчи эдилар.

... Кунларнинг бирида Лазарев кабинетига баланд бўйли, бироз эгилганроқ, жилмайиб турган қўй кўзли ва кенг пешонали 35 ёшлардаги киши кириб:

— Фамилиям Стрельцов. Сизнинг совхозингизга бош агрономлик вазифасига тайинландим, — деди.

Лазарев чин кўнгилдан севинди. Стол олдидаги юмшоқ стулга жойлашиб ўтириб, Стрельцовнинг ўзи гап бошлади:

Бир-биримиз блан яхшироқ танишиб олишимиз керак. Тўғриси, ўз тўғримда сўзлайолмайман. Менинг таржимай ҳолим ҳам катта эмас, ажойиб ҳодисалари йўқ ўзим тўғримда қисқача гапириб ўтаман.

Мени Павел Маркович деб атайдилар. Нижне-Чирск станциясида туғилганман. Казакман. Шимолий Кавказ ғаллачилик институтини тугатганман. Шарқий Сибирь совхозларида ишладим. Бўлим бошлиғи ҳам бўлганман. Ўрта Осиёга келганимга бирнеча йил бўлди, сўнги йилларда Ўзбекистон совхозлари Министрлигида ишладим. Тўғриси айтсам, идора иши менга ёқмади. У ерда қоғоз блан иш юритилади, мен бўлсам далани яхши кўраман. Деҳқончиликка яқинроқ ишга юборишларини сўрадим.

— Яхши қилибсиз, Павел Маркович. Совхозимиздагилар жуда яхши одамлар. Совхозни бун'ёдга келтирган, синоқдан ўтган одамлар урушдан кейин қайтиб келдилар. Бамаслаҳат хўжаликни илгари сураимиз. Сизнинг кабинетингиз менинг кабинетим ёнида бўлади. Юринг, кабинетингизни кўрсатиб қўяй.

Стрельцов ўз кабинетига бепарволик блан қаради. Лазарев қоғоз солинган папкалар блан тўлган шкафни очиб:

— Бу ерда бизнинг планларимиз, ёзишмалар бор, танишиб чиқинг, — деди.

Стрельцов ғамгинлик блан афтини буриштирди, ва:

— Мен совхоз блан танишишни бундай бошлашни хоҳламас эдим. Бўлимларга бориш мумкинми? — деди.

— Мен далага чиқмоқчи бўлиб турган эдим. Лекин сиз бугун дам олинг, жойлашинг, эртага бирга борамиз.

— Раҳмат, мен чарчаганим йўқ. Бугун бирга қолаёлик,

Янги агрономнинг далани кўришга шошилиши Лазаревга ёқди. Кам сўзлиги, очиқ чехраси ва кўзларининг кулиб туриши ҳам Лазаревга ма'қул бўлди.

-- Ундай бўлса, қани юринг, кетдик.

Янги агроном тунаш учун 2-нчи бўлимда қолиб, уч кунгача у ерда туриб қолди. У ҳарбир ишчи блан танишди, бўлимнинг иш шароитини, тупроғининг тузилишини, экинларнинг, машиналарнинг, уловнинг қандай аҳволда эканини билди. Сунгра у Екимов бўлимига ўтди. Икки ҳафтадан кейингина Павел Маркович қўрғонга қайтди ва Лазарев блан учрашиб:

— Энди мен совхозни бир қадар билдим... — деди.

Лазарев „Ғалла орол“ совхози коллективи яна бир бама’ни ва қобилиятли ишчига эга бўлганига тушунди.

Тез кунда „Ғалла орол“ совхозига райком партия секретари ўртоқ Тошканбоев келди. У блан бирга Лазаревга кўпдан бери таниш бўлган райком ишчиси Фёдор Иванович Ломов келди. Ломов Ўрта Осиёда гражданлар уруши вақтидан бери яшарди. У Ўзбекистоннинг урфи-одатини ва узбек тилини яхши биларди. Бир вақтлар у босмачиларга қарши курашган бўлиб, ҳозирда партия ишида катта тажриба ордирган эди.

Совхозда партия-оммавий ишни яхшилаш учун райком Ломовни совхозга юборишга қарор қилганини райком секретаридан эшитган Лазарев жуда севинди. Энди „Ғалла орол“ совхозида тажрибали, ташаббускор раҳбар кадрлар етарли даражада эди. Бундай одамлар блан бирга тоғни талқон қилиб бўларди.

Партия комитети янги секретарининг ишини бутун совхоз коллективи сезабошлади. Уруш йилларида совхоз клубига қарамай қўйилиб, биноти нураб, ҳечнарсаси қолмаган эди. Ишчилар клубга келишни унутиб юборган эдилар.

Бир кун Ломов комсомолларни йиғиб:

— Йигитлар, муҳим топшириқ бор. Клубни тартибга солиш керак. Ҳозирча бинокорлик материаллари топиш қийин бўлса ҳам, лекин ҳарҳолда директор бизга бироз ёғоч, миҳ, бўёқ беради. Мен бу тўғрида директор блан сўзлашдим. Клубни тузатиш учун комсомолларнинг бинокорлик бригадасини ташкил қиламиз, — деди.

Келгуси яқшанба куни клубда иш қизиб кетди. Йигитлар кам-кўстларни тузатдилар, оқартирдилар, бўядилар, полларни ювдилар, рассомлар, сирчилар ва ойнасозлар ҳам топилди. Ломов шаҳарга бориб, у ердан биллиард, шахмат, шашка, китоблар олиб келди. У клубга газеталар ва журналлар ёздирди. Клубга ишчилар келадиган бўлиб қолди, кинолаштириш область бошқармаси блан совхоз шартнома тузди ва шундан кейин клубда кинофильмлар кунора қўйиладиган бўлди. Ташаббускорлар тўғарақларни иш бошлади. Клуб олдидаги боғчада комсомоллар спорт майдончаси қурдилар.

Бўлимларда ҳам маданий-оқарту ишлари авж олиб кетди. Бўлимларга лекторлар, кўчма кинолар борадиган бўлди. Газета ва журналлар мунтазам келиб турадиган бўлди. Кўпдан бери индамай қолган радио тилга кирди.

Партия комитетининг янги секретари ётоқхоналарни ҳам тартибга келтиришга киришди. Бу ерда иш яна ҳам кўпроқ эди.

Тозалаш, ювиш, супуриш-сидириш, оқартириш, сирлашга тўғри келди. Ётоқхоналарда тумбочкалар, табуреткалар, репродукторлар, қайнаган сув солиб қўйилган идишлар, янги ўрин-бош пайдо бўлди. Ишчилар ғамхўрлик қилинаётганини сездилар.

Посёлканинг қиёфаси ҳам ўзгарди. Электростанция яна ишлай бошлади. Уйлар оппоқ оҳак блан оқартирилди. Кўчалар озода бўлди. Совхоз посёлкаси ёқимли, кўзни қувонтирадиган бир тусга кирди. Буларнинг ҳаммасига жуда кўп маблағ ва материал сарф қилинмади. Одамларни ишга солиш, ташкил қилишгина керак бўлди. Совхоз дадиллик блан олға қадам ташлади ва республикада урушгача эгаллаб турган му'табар ўринни яна эгаллади.

Баҳорикорликда

Бирқанча асрлардан бери экилмай ёввойи ўт босиб, инсон оёғи тегмаётган ана шу ерда, я'ни баҳорикорликда қандай қилиб мўл ҳосил етиштирилди!

Итоатсиз чўл инсонга дарров бош эгмади. Сабр блан қаттиқ меҳнат қилишга, баҳорикорликнинг хусусиятларини ўрганишга, ижодий ташаббусни қўллашга, тажриба ортдиришга тўғри келди. Ўн йилдан кўпроқ бирга ишлашган дўстлар урушдан кейин „Ғалла орол“ совхозига йиғилишгач, хўжаликнинг раҳбарлик ишига ақлли, ташаббускор кишилар келгач илғор агротехника қодаларига қат'ий амал қилишга қарор қилинди.

Совхоз ташкил қилинган дастлабки йилларда уч далали олмошлаб экиш қўлланган эди.

Асосий экин ерлари юза, 8—10 сантиметр чуқур ҳайдалар эди. Шундай назариячилар ҳам топилиб қолган эдики, улар баҳорикорликни чуқур ҳайдаш ёмон натижа беради деярдилар. Далага нав'ли уруғлик экилмас эди. Қурғоқ баҳорикорликни минераль ўғит блан ўғитлаб бўлмайди, ернинг нами баттар қочади дейишар эди. Урушдан аввал совхознинг ҳамма бўлимларида деярли юқори агротехника қўлланган эди. Уруш илғор техникани қўллашни кейинга сурди. Шу блан бирга уруш одамларга кўп нарсаларни ўргатди, уларни тобга келтирди, мақсадга эришмоқ учун қаттиқ курашадиган қилди, ҳарқандай қийинчиликларни бартараф қилиш хусусиятини етиштирди.

1947 йилда олинган мўл ҳосил учун ўртоқ Лазарев, Стрельцов, Трайнин, Екимов, Каденцовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Бу муваффақиятга тинмай ҳар кунни курашиш, агротехникага ҳар йили бирқанча янгиликлар киритиш, жуда тақомиллашган усуллар қўллаш туфайли эришилди.

Совхознинг янги бош агрономи Павел Маркович Стрельцов аввало ерни чуқур ҳайдаш учун қат'ий курашди. Унинг бу курашига ҳам совхоз директори, ҳам бўлим бошлиқлари ҳар жиҳатдан ёрдам бердилар. 20 сантиметр чуқурликдан саёз ҳайдаган тракторчиларнинг иши қабул қилинмади. Агар совхоз пландан ортиқ ҳосил олар экан улар натура блан қўшимча ҳақ олишларини тракторчиларга тушунтирилди.

Ерни чуқур ҳайдаш совхоз коллективининг шиори бўлди. Бу тўғрида партия ва комсомол мажлисларида, ишлабчиқариш кенгашларида, суҳбат ва лекцияларда гапирилди. Яхши тракторчиларни яна яхшироқ ишлашга ҳар жиҳатдан рағбатлантирилди, улар мукофотланди, уларнинг ишини деворий газеталарда ҳамда ошғич чиқарилган варақаларда ўрнак қилиб кўрсатилди, уларнинг расмлари колхознинг му'табар кишилари қаторига қўйилди. Ерни чуқур қилиб ҳайдаш фақат агротехника қондасигина бўлмай, ҳатто агротехника сиёсати ҳам эди. 22 сантиметр чуқурликда, албатта чимқирқарли плуг тиркалган трактор блан ҳайдаш кераклиги одамларга қонун бўлиб қолиши учун бир мавсум кифоя қилди. Бу қонунни сўнгра ҳечким бузмади.

Шу блан бирга совхоз 10 далали олмошлаб экишни амалга оширди. 1947 йил экин мавсумига келиб 10 далали олмошлаб экишга ўтиш тугалланди. Ўтган йилларда „Ғалла орол“ совхозининг деярли ярмига яқин ери фақат кўклам ҳайдови блан экилган эди. Ерни кузги шудгорлаш борган сари ортиб борди. 1947 йилга келиб кўклам ҳайдаб экиш йўқ бўлди, ҳамма ерлар кузда шудгорлаб қўйиладиган бўлди. Ёзги шудгорлаш жуда қисқа вақтда бажарилди. 1946 йилдаёқ ҳосил анча мўл бўлди.

Икки йил аввал совхоз 3-бўлимининг бошлиғи Николай Дмитриевич Екимов Стрельцовнинг маслаҳати блан униб чиққан экинни бороналашни қўлади. Бу усул яхши натижа берди: тупроқни донадор қилди, намнинг тупроқда сақланиб қолишига сабаб бўлди.

Бороналанган участкаларда буғдой яхши унди, қурғоқчиликка таб берди, барвақт етилди.

Баҳорикор ерларда юқори ҳосил учун кураш тупроқда намни тутиб қолиш учун курашдир. Тажрибадан ҳеч шубҳасиз маълум бўлдики, барвақт шудгорлаш, чимқирқарли плуг тиркалган трактор блан чуқур қилиб кузда шудгорлаб қўйиш, унга экинларни бороналаш тупроқда намни сақлаб қолиш учун энг яхши воситадир.

Ерда намни сақлаб қолиш учун яна қандай чоралар қўллаб буларди? Бу тўғрида бир таклиф учинчи бўлим бошлиғи Николай Дмитриевич Екимовдан, иккинчи таклиф бош агроном Павел Маркович Стрельцовдан тушди. Екимов қорни тутиб қолишни таклиф қилди. Одамлар бу таклиф янгилик эмас, Русия федерациясида бирқанча йиллардан бери қўлланади деб айтишади. Уларнинг бу гапига биз э'тироз билдираемиз, Ўрта Осиё жанубида, яна баҳорикорликда қорни тутиб қолиш янгилик эди деймиз. Бу ҳақда гапиришар, бу усулни билишар, аммо бу усул камдан-кам қўлланар эди. Бу усулни „Ғалла орол“ совхозида биринчи марта Екимов қўлади. Бу усул қўлланган ерда жуда яхши натижа берди. Қор тутиб қолинган участкада бир гектар ерда ҳосил 70 килограммдан 120 килограммгача кўпайди.

Стрельцовнинг таклифи яна ҳам ажойиб эди. У баҳорикор, суғорилмайдиган ерда экинни ҳимоя қиладиган дарахтзор вужудга келтирмоқчи бўлди. Бу таклиф қуруқ гап ва ҳатто довдиран

дейдиган ишонмовчилар ҳам чиқиб қолди. Суғормасдан туриб бу ерда бирон нарса кўкарадимиз? Ҳечким, ҳеч маҳал суғорилмайдиган ерда дарахт ўтқазишга ҳаракат қилмаган эди, дедилар.

Шундай бўлса ҳам Стрельцов тажриба қилиб кўрди, дастлабки тажриба муваффақиятсиз чиқди. Аввал баҳорда экилган ҳамма кўчатлар деярли кўкармади. Стрельцов ўз хатосини онглади. Сўнгра кузда кўчат ўтқази.

Баҳорикор ерда кўчатни куз пайтида ўтқазганда акация, глядичая, заранг, шумтол, сассиғ дарахт яхши кўкариши маълум бўлди. Ҳозирги кунда „Ғалла орол“ совхози ери атрофидаги дарахтзор олти километр жойгача чўзилиб борди. 1950 йил охирига келиб дарахтзорлар ишғол қилган майдон совхозда 4,5 минг гектар бўлади.

Совхозда асосий экин буғдой бўлиб, бу ерларда экканда яхши ҳосил берадиган буғдой нав'ини танлаш учун анча иш қилинди. Тажрибалар ўтказилди, ўнлаб буғдой нав'лари текшириб кўрилди. „Грекум 289“ буғдой нав'и серҳосил эканлиги маълум бўлди. Брок бу нав' Екимовнинг учинчи бўлимида бошқа участкаларга қараганда камроқ ҳосил берди.

Екимов ва Стрельцов бу тўғрида ўйлаб кўрдилар. 3-нчи бўлимнинг даласи баландликда бўлиб, бошқа участкалардан иқлим жиҳатидан фарқ қилади деган хулосага келдилар. Метеорология текширишлари бу хулосанинг тўғри эканини кўрсатди. Учинчи бўлим учун бошқа нав' уруғлиқ экин кераклиги маълум бўлди. Керакли уруғлиқ топилди. „Эретрсперум 841“ анча юқори ҳосил берди. Совхозда икки нав' уруғлиқ: „Грекум 289“ ва „Эретрсперум 841“ экиладиган бўлди.

Шундай қилиб, совхозда ой сари, йил сари агротехника яхшиланиб борди, янгиликлар киритилди, илмий агротехниканинг барча ютуқларидан фойдаланилди. Колхоз ва совхоз, деҳқонларнинг юқори ҳосил олганлари учун орденлар блан мукофотлаш ва уларнинг энг мўл ҳосил олганларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш ҳақида ҳукуматимизнинг фармони эълон қилинган пайтда „Ғалла орол“ совхозидakilар бу шарафли унвон учун курашга тайёр ҳолда эди.

„Ғалла орол“ совхозидagi ҳозирги Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари 1947 йилда агротехникани қандай қўллаганликларини мукамалроқ айтиб ўтмоқчимиз.

Бу жиҳатдан совхознинг собиқ тракторчиси Николай Дмитривич Екимов бошлиқ бўлган учинчи бўлимнинг иши намуна бўлади.

Учинчи бўлим далаларида юқори ҳосилли участкалар ажратилди. Екимов ҳамма ерида бутун агротехника қондаси комплексини ўғит, ишчи кучи, машина етишмаганидан қўллай олмас эди. Брок бу бутун экин майдонида ерни яхши ипланмас эди деган сўз эмас. Юқори ҳосилли участкалар тажриба учун экилган участкалар бўлганидан дурустроқ қаралди. Екимов тажриба қилиб кўриб, муваффақиятли чиқса юқори ҳосилли участкаларни келгусида кенгайтиришни кўзда тутган эди. Бу йўл шубҳасиз тўғри йўл эди.

Юқори ҳосилли участкалар учун 800 ва 80 гектар ер ажратилди. Кузги шудгорлаш 22 сантиметр чуқурликда чимқирқарли плуг тиркалган трактор билан ўз вақтида ҳайдалди. Қишда бу участкаларда қорни сақлаб қолинди, аввал баҳор культивация ва икки қайта бороналаш ўтказилди.

Баҳорикор деҳқончиликда қисқа вақт ичида экиб олиш жуда муҳим ишдир. Ҳар кун тупроқдан жуда кўп нам қочиб туради. Тракторлар етишмас эди. Агар Екимов ҳамма кучни юқори ҳосилли участкаларга берганда асосий экин майдонида унадиган ҳосилга зарар етар, демак бу йўл яроқсиз эди.

Бу масалани қандай ҳал қилишни Екимов Стрельцовдан сўради. Стрельцов таваккал қилиб иш бошлашга маслаҳат берди:

— Кечасию-кундузи экинги. Бундай қилиш агротехника қондасига хилоф. Броқ бизнинг шароитимиз бошқача. Баҳорикорликда ҳарбир соат ғанимат. Шубҳа йўқки, келаси йили бизга яна трактор ва автомобиль берилади, у вақтда бундай чорани қўллашга эҳтиёж қолмайди. Ҳозирги пайтда агротехника қондасига хилоф бўлса ҳам, зарурат юзасидан қилинган, зарарсиз ишдир, — деди Трайнин Стрельцовнинг фикрини қувватлаб:

— Урушда бизни ҳарқандай ҳолатда ҳам чора топишга ўргатдилар. Немисларнинг енгилиш сабабларидан бири шу эдики, улар ҳамма ерда уставнинг ҳарфига ҳам ҳалал етмасин деб, уставга кўрларча риоя қилдилар, — деди.

Екимов ва Лазарев иккиландилар.

Трайнин:

— Мен сеялкаларни ёритиш учун тракторларга кўшимча динамо қўйиб бераман, кундузгидек ёруғ бўлади. Бу ишни мен ўз бўйнимга оламан, — деди.

Стрельцов:

— Бундан ташқари, ҳарбир экиш агрегатиде экучи билан агроном бирга бўлади, — деб қўйди.

Бир қарорга келинди. Бу чорани яхши қоида тарзида тавсия қилиб бўлмаслиги маълум. Броқ бу тасвирланган манзара эса, ғалла ороллиларнинг ватан фаровонлиги учун юқори ҳосил олишга ҳаракат қилиб, кечалари ҳам вақтларини аямай, қийин аҳволдан чиқишга чора излаб, ботирлик билан иш олиб борганликларини кўрсатади.

Шундай қилиб, нав'ли дориланган уруғлиқ билан, икки кечакундузда юқори сифат билан экиб бўлинди. Ҳарбир гектар ерга 73 килограмм уруғ сочилди. Экин поялай бошлаганда юқори ҳосилли участкаларда бороналаш ўтказилди, икки марта ўталди. 800 гектарли ерда ҳар гектаридан 20 центнердан, 80 гектарли ерда ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олинди. Муваффақият шундай қилиб қўлга киритилган эди.

Каденцов бўлимидаги юқори ҳосилли участкаларда ҳам деярли шундай ҳосил олинди. Совхоз 11 минг гектар ерда ҳар гектарига 10 центнердан тўғри келадиган ҳосил олди, ҳосилот планини 127 процент бажарди.

Совхоз эришган муваффақиятларда машиналарнинг тинмай серурум ишлаб туриши катта аҳамиятга эга бўлди. Старший механизатор Совет Иттифоқи Қаҳрамони Пётр Трайнин трактор ва комбайнларнинг жуда яхши ишлаши учун бутун чораларни кўрди. Совхозда от-улов йўқ деярли. Ишнинг муваффақиятли бўлиши трактор ва комбайнларнинг яхши ишлашига боғлиқ эди.

Совхозда машиналар қандай ишлаётганини бир мисолда кўрсатиб бўлади. „Ғалла орол“да Большаков деган бир тракторчи бор. 1934 йилда у ЧТЗ маркали янги тракторни ишлатабошлаган эди. Бу тракторда Большаков узлуксиз 14 йилдан бери ишлайди. Трактор доим ишда бўлади. Большаков сўнгги 4 йил ичида 2,5—3 норма бажариб келганини айтиш машинанинг қанчалик кўп ишлаганини кўрсатиш учун етарли далил бўлади. Большаков 14 йилдан бери бирон марта аварияга учрамади. 1947 йилда Большаков кунига 3 норма бажариб келди ва унинг машинаси фақат навбатдаги ремонтгагина муҳтож бўлди.

Агар Большаковнинг тракторини очиб кўрилганда ҳарбир қисмининг жуда яхши сақланганини кўрамиз:

Большаков совхозда биттагина яхши тракторчи эмас, бундай тракторчилар жуда кўп. Бошқа тракторчиларнинг ҳам машиналари намунали аҳволда. Бунинг сабаби Трайнин тракторчиларда мас'улият ҳиссини уйғота олганида, кичик ремонтлар қондасига жиддий эътибор бериб, машиналардаги майда камчиликларни ўз вақтида бартараф қилишни ўргатганидир.

Ремонт жуда юқори сифатли бўлади, ҳарбир тракторчи ўз машинасини ўзи ремонт қилади.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, ҳарбир трактор бажарадиган иш жуда катта. Совхозда 27 та машина бор. Ҳарбир тракторга 500 гектардан ер ҳайдашга тўғри келади. Шундай бўлса ҳам, совхоз кузги шудгорлашни, ёзги шудгорлашни, экишни культивацияни, бороналашни яхши агротехника муддатларида бажаради. Агротехника жиҳатидан яхши вақтда бажаради.

Комбайнлар бажарадиган иш ҳам янада каттадир. Совхозда 20 та „Сталинец“ комбайни бор „Ғалла орол“ совхозини ҳамавақт кўшни совхозлардан ва атрофдаги колхозлардан анча аввал йиғимни тугаллайди. Ҳарбир комбайн мавсумда ўрта ҳисоб билан 55 гектар ердаги буғдойни йиғади.

Машиналарнинг жуда яхши ишлашига сабаб техникани бошқаруви кишиларнинг иши намунали йўлга қўйилгандагина эмас, „Ғалла орол“ совхозида умуман меҳнат яхши ташкил қилинганидир. Бу соҳада совхоз директори Иван Евграфьевич Лазарев ва партия комитетининг секретари Фёдор Иванович Ломов жуда кўп ишладилар. Бир вақтлар совхозда меҳнатни уюштиришда агрегат усули қўлланар эди, яъни экиш ёки йиғиш агрегатига маълум миқдорда одамлар бириктириб қўйилар эди. Бу усулнинг камчиликлари кўп эди. Агрегатларга ер участкаларини бириктириб қўймасликдан иш бошлаш керак бўлди. Бугун бир агрегат бир жойда ишласа эртага уни иккинчи жойда ишлатиш керак эди. Илгари агрегатнинг ишини, иш сифатини назарга олмай ҳисоб-

ловчи киши иш олиб борар эди. Ваҳоланки агроном ҳарбир агрегатнинг ишини кунда текшириб туриш имкониятидан маҳрум эди. Бундай аҳволда эгасизлик, чалкашлик, ишга мас'улиятсиз қараш давом этарди.

Лазарев совхозда бригада-звено блан меҳнат қилишни амалга оширди. Ишлар блан бўлим бошлиғи ўртасида бригадир турди. Энди совхознинг бутун ишлабчиқариш фаолияти бригадаларда уюштирилган. Бригадаларга участкалар, тракторлар, автомобиллар турли анжомлар бириктирилган. Энди бригадаларда ишнинг яхши йўлга қўйилиши бутун совхоз ишининг яхшиланишини таъминлайди.

Ишнинг бу тарзда уюштирилиши совхозда бригадаларнинг аҳамиятини ва ролини жуда ортирди. „Ғалла орол“ совхозида бригадалар иши блан яхши танишганимизда бригаданинг катта аҳамиятга эга эканини совхоз дирекциясидан тортиб ҳарбир ишчи ҳам тўғри тушунганини кўрамиз.

Совхозда жуда катта хўжалик аҳамиятига эга бўлган бригадага раҳбарлик қилиш мураккаб иш. Бундай бригадага раҳбарлик қилучи киши қишлоқ хўжалиғи ишлабчиқариши жараёни ва хусусиятларини яхши билиб олган, ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилишга ўрганган ҳамда ишчилар ўртасида обрўли бўлиши керак. Бу жиҳатдан қараганда „Ғалла орол“ совхозида бригадирлар яхши танланган. Бригадирлик постида ўз ишини яхши билучи ва одамларга раҳбарлик қила биладиган совхознинг энг яхши одамлари қўйилган. Бригадирларнинг ҳаммаси ҳам неча йиллар мобайнида совхозда етишган одамлар бўлиб, улар ҳарбир бригада аъзосининг кучли ва кучсиз жиҳатларини жуда яхши билади. Бу одамлар ўз коллективларининг ишлабчиқариш имкониятларини яхши биладилар, мавжуд имкониятдан тамомила фойдаланадилар. Бригадирнинг кўрсатмаси ишчилар учун қонун бўлиб, ҳечбир сўзсиз бажарилади. Бунга ишчилар кўпдан бери ўрганиб қолганлар ва бу интизомни бузишга ишчиларнинг ўзлари қатъий қарши чиқадиладар.

Совхоз бригадасининг обрўсини совхоз директоридан тортиб ҳарбир оддий ишчи юқори кўтаришга ҳаракат қилади.

Бундай тартибни хўжаликда жорий қилиш учун совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти анча ишлади. Броқ бу иш ўзининг қимматли натижаларини берди. Мана шундай шароитдагина юқори ҳосил учун курашни авж олдириш мумкин бўлди.

Совхознинг муваффақиятлари уч асосий қониданинг бажарилишига асосланган, улар: агротехникага риоя қилиш, машиналардан жуда яхши фойдаланиш ва меҳнатни намунали ташқил қилишдан иборатдир. „Ғалла орол“ совхози яшнаб бораётган илғор хўжаликка айланмоқда. Бир вақтлар ўт босиб ётган ер уйғонди ва бу ер Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ўнвонига сазовор бўлган совет кишиларининг меҳнатга мислсиз муҳаббатини уйғотди.

М. ИСЛОМОВ таржимаси

ЁҚУБЖОН ШУКУРОВ

ШОНЛИ ЙЎЛ

Очерк

Биринчи қадам

Фабрика эшигини очиш блан, катта залдаги ҳисобсиз дастгоҳларнинг қулоқни қоматга келтиручи шовқини Ҳабибани ҳайратда қолдирди.

Қатор машиналар орасида эпчил ҳаракат қилаётган тўқучиларнинг икки кўзи ғириллаб айланаётган мингларча урчуқларда. Уларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бундай жойни биринчи марта кўраётган Ҳабибанинг бир дамда қулоқлари битди. „Ўҳу мен бу машиналарда қандай қилиб ишлайоламан?!“ деб ўйлади у. Бинони ларзага келтиручи машиналар худди уни ютиб юбораётгандай туюлди.

— Нега анқайиб қолдинг, Ҳабиба, — деди уни нарироқдан кузатиб турган комбинат партия ташкилотининг секретари, Мария Фёдоровна Егорова, — қани, берироқ кел... сенга, ана, ўша опанг ўргатади.

Иккита ўрилган, қоп-қора, узун сочини бошига чамбарак қилиб ўраб олган ёшгина жувон Мария Фёдоровнанинг имоси блан дастгоҳлар орасидан чиқиб келди.

— Танишинглар, — деди унга Мария Фёдоровна, — сенинг шоғирдинг бўлади...

— Жуда, соз, — деди Марҳамат, ва сўради, — йигиручилиқни севаисизми?

Ҳабиба, унга нима деб жавоб беришини билмай, бир лаҳза жим тургач, секингина „ҳа“ деб қўяқолди. Мария Фёдоровна кетгач, Марҳамат Ҳабибани ўзи ишлаётган дастгоҳлар орасига бошлаб кетди. Ҳабиба Марҳаматнинг ишлашини тамоша қилиб ўз ичида „мен энди йигиручи бўламан, ана шу опамдек машиналарни ўзим бошқараман“ деб қувонар эди. Лекин бир зумда Ҳабибанинг кулиб турган чехраси ўзгарди. Қошлари чимирилди, пешонаси тиришди,

унинг табассумли қора кўзлари пилдираб айланаётган бир урчукқа узоқ тикилиб қолди.

Узининг а'ло ўқиши, яхши ахлоқи ва актив жамоатчилиги блан мактаб коллективининг энг севимли қизи ҳисобланган Ҳабиба, ўқишдан, қадрдон мактабидан вақтинча ажралган эди.

У эндигина 7-нчи синфни битирганида халқимизнинг бошига хавфга тусибат тушди. Немис босқинчилар ватанимизнинг юраги Москва мамон суқилиб келаётган куни акаси Абдурахмонни жангга узатди. Онаси Захро хола блан вокзалдан қайтиб келган куни Ҳабибанинг кўзига туни бўйи уйқу келмади. Вагонга чиқаётиб акасининг: „Мана, мен кетаяпман, энди бирор ерда ишлагин, онангининг гапидан чиқма, хўнми, қариб қолган. Рўзгор энди, вақтинча, ўзингга қолди“ деган сўзи қулоқларидан нари кетмас эди.

— Хўш, Ҳабибахон, нега уй суриб қолдингиз, — деди таажжубланган Марҳамат.

— Э... кечирасиз, мен шундай... — деди ўсал бўлиб Ҳабиба.

— Қани, буёққа юринг-чи, мана бу машинани дастгоҳ деб айтамиз. Ҳарбир дастгоҳда мана, бунақа 164 та урчуқ бўлади...

Марҳамат Ҳабибага тўлган урчуқларни олиб туришни топшириб бўш пайтларида машина қисмларини тушунтирабوشлади.

Ҳабибанинг бутун диққати дастгоҳларда. У, бир-бирига мос ҳаракат қилаётган машина қисмларига синчиклаб тикилади. Агар иложи бўлса, Ҳабиба, то машинани юргузиш ва тўхтатишни яхши билиб олмагунча уйига кетмай қўяқолса.

— Бундай катта машинага, кўз илгар-илғамас, нозик бир толаннинг узилиши қандай та'сир этаркин-а? — деб сўради Ҳабиба узилган ип уланиши блан юриб кетган машинага таажжуб блан тикилиб.

— Унинг кўриниши ҳайбатли-ю, меҳнати қудратли, халос, — деб жавоб берди Марҳамат. — Машинадек нозик ва ювош нарса бўлмайди. Сен агар унинг тилини яхши билиб, вақтида силаб-сийпаб, у блан дўстлашиб олсанг, бас. У сени ҳечвақт дард қўймай, истаганингга хизмат қилади.

Смена ўз ишини тамомлади.

— Энди сизга жавоб, — деди машинани артабошлаган Марҳамат.

— Сиз қачон кетасиз?

— Машиналарни тозалаб сменачимга топширгандан кейин.

Ҳабибанинг сра машинадан нари кетгуси келмас эди.

— Мен ҳам қарашиб юборақолай, бирга кетарман, — деди у, енгини шимариб...

Ҳабиба ўйлаган орзусига эришди. Бугун у бир дастгоҳни якка ўзи бошқаради. Унинг бирдан-бир тилаги мустақил ишлашга кўчгач: „Акажон, насиҳатингизни бажардим. Мана, мен тўқимачилик комбинатида йигиручилик қилаётирман! Тезроқ ғалаба блан қайтинг, деб хат ёзиб юбориш эди.

Ҳабибанинг қувончи юрагига сиғмайди. У „мени қаранглар, қандай бахтлиман“ дегандай атрофдаги кишиларга қараб ўзидан-ўзи кулиб қўярди.

— Қани, Ҳабиба, машинангни юргиз-чи! — деди фабриканинг мастери уртоқ Ялишева.

Шу буйруқни кутиб турган Ҳабиба, машинага дадил яқин келди-да, ручкани олдинга босди. Гувуллаб юриб кетган дастгоҳ 164 урчуқни гириллатиб айлантириб юборди. Ҳабиба эса машинанинг у бошидан бу бошига юриб пилталардан чўзилиб чиқаётган майда толаларни диққат блан кузатмоқда, узилган ипларни шошилнч уламоқда.

— Сиз ҳақли, уртоқ, Юсупова, — деди Ҳабибанинг иш тажрибасидан мамнун бўлган ўртоқ Ялишева, — шогирдингиз чакана эмаску! У аломат йигиручи бўлади!

— Шундай, ундан умидим катта! — деди Ҳабибанинг ишини кузатиб турган Марҳамат, — унинг йигиручи бўлишга иштиёқи жуда зўр!..

Йигиручи

Ҳабибанинг учинчи кун мустақил ишлаши, у, уч кундан буён тўлмаётган планни ошиғи блан бажариш учун, бугун астойдил ишлади. Ҳатто тушки дам олишга ҳам чиқмай, иш устида овқатланди. Ҳабиба ишдан кейин, апил-тапил машинани тозалаб бўлди-да, бугунги иш натижасини билиш учун тўғри ҳисобчининг олдига борди. Ҳабибанинг нима мақсадда кирганини пайқаган ҳисобчи хотин ёнидаги катта дафтарни очиб ниманидир ўқиди, мийнигида кулди.

— Тўлмаптими-а?! — деди унга яқин келиб ташвиш блан Ҳабиба.

— Ҳа, тўлмаган, қизим! Кечагидан икки процент тузук ишлабсан-у, лекин яна уч процент етмай қолибди-да.

— Нега? — деди тўсатдан Ҳабиба.

Лекин ўз саволининг ўринсиз эканини пайқаб қизариб кетди. Гуё ўтирганлардан бирортаси „нега бўлар эди, ёмон ишлагансан-да“ деб юбораётгандай Ҳабиба хайрлашишни ҳам унутиб, шошилганича идорадан чиқиб кетди.

— Бечора жуда уялиб кетди-а. Яхши қиз экан, — деди ҳисобчи хотин.

Ҳабиба, битта-битта қадам ташлаб, кўчага чиқди. Унинг уйга кетгуси келмай скамейкага ўтирди. Шунча кўп ишласа ҳам нима учун бугун ҳам планни тўлдираолмаганига Ҳабиба ачинар эди. Бир трамвай келиб кетди. У иккинчи келган трамвайга ўлтирди-да, зарур бир нарсасини унутиб қолдирган кишидек, шошиб яна қайтиб тушди.

Ҳабиба, ўрта кўчада бир лаҳза ўйлаб тургач, комбинатнинг ўқиш залига кириб кетди. У, эндигина ишдан чарчаб чиққанига қарамай, машҳур йигиручи Мария Волкованинг „Менинг иш тажрибам“ деган китобига берилиб, соат ўн икки бўлганини ҳам сезмай қолди.

— Вой, умрингдан барака топгур қизим-эй, наҳотки шунча кутдирсанг, — деди куйиниб дарвоза олдида кутиб турган Заҳро хола.

— Кечиринг ойижон, ҳозир сабабини айтиб бераман, — деди Ҳабиба қувонч блан онасини қучоқлаб, — шунча ҳаракат қилсам

ҳам, нега планим тўлмайди деб бекорга койиб юрган эканман-да, ойижон. Ҳақиқий йигиручи бўлиш учун, ўхў ҳали жуда кўп нарсани билишим керак экан...

Ўша кундан э'тиборон Ҳабиба Анна Немишева, Татьяна Ковалёва каби энг отоқли йигиручиларнинг иш тажрибаларини сра чарчамай ўқиб ўрганишга киришди. Унинг ҳар кун ишдан кейин олиб бораётган бир ярим, икки соатли мутолааси йигиручиликнинг энг муҳим назарияси блан қуроллантирди. У ўқиб ўрганган нарсаларини эртасиёқ иш жараёнида синаб кўрар ва янги-янги тажрибалар ортдирад эди.

Ҳабиба ишлабчиқариш унумини кўтариш, ўрганган янги тажрибаларини амалга ошириш бобида, учраган барча қийинчиликларни матонат блан енгиб борди. Энг мураккаб ва қийин нарсаларни ҳал этишда фабриканинг мастер ва инженерлари уни қўллаб-қўлтиқлади.

Ҳабиба машиналарнинг техника парваришини намунали олиб бориш, унумли ишнинг энг зарур шарти эканини тажрибада аниқ исбот этди. У валик ва цилиндрларнинг доим тоза сақлаш орқасида, тўпланган гард блан ил ва пилталарининг кирланиб тез-тез узилиб туриш ҳолларидан қутилди. Сўнгра; Ҳабиба узилган ипнинг ўз вақтида уланмаганлиги орқасида цилиндрларга ўралиб қолиб бошқа ипларни ҳам узиб юборишларига қат'ий чек қуйди. Ҳабибанинг йигиручилик касбинини пухта ўрганиш йўлида чидам ва қунт блан қилаётган қизгин ҳаракати меҳнатда уни шон-шарафлар томон етаклади. У, ўзининг унумли меҳнатидан беҳад хурсанд бўлиб, яна кўпроқ ўқиб-ўрганишга, меҳнатда янги ютуқларни қўлга киритишга завқ ва катта умид блан интилар эди.

Икки ой муқаддам биргина дастгоҳни аранг бошқарган Ҳабиба, икки дастгоҳдаги тўрт қатор, 656 урчуқда бемалол ишлаб, кунлик планни 110-115 процент адо этабошлади.

— Ҳорма, Ҳабиба! — деди смена олиш учун фабрикага кириб келган Марҳамат, табассум блан, — кеча планингни 115 процент бажарганингни эшитиб жуда хурсанд бўлдим.

— Раҳмат, опа, — машинани арта туриб жавоб берди Ҳабиба.

— Ҳабиба, қани суюнчини бер! Аризанг қабул қилинди, — деди узоқдан кулиб келаётган мастер ёрдамчиси Нина Устьянова.

— Яна қанақа ариза? — деди ҳайрон бўлиб Марҳамат.

— Э, ўртоқ Юсупова, Ҳабибанинг иши жуда олчи. У олти қаторда ишламоқчи!

— Эҳе, ишинг беш-ку! Бу кетишингда тез кунда бизларни ҳам йўлда қолдирасан шекилли? — деди қувонч блан Марҳамат.

— Бўлмаса-чи! Тезроқ ғамингизни емасангиз шогирдингиздан орқада қоласиз, опа! — деди шодланиб Ҳабиба.

— Бупти, бугундан бошлаб мен олға чопганим, сен қувлаганингни бўлсин! Қани кўрамиз, ким чарчар экан, — деди кулиб Марҳамат.

— Бу кетишда Ҳабиба сизга етиш эмас, сиздан ўзиб ҳам кетади, — деди Устьянова

Ҳабибанинг фабрика коллективи ўртасидаги ҳурмати кундан-кунга орта борди. Мастер ва инженерлар уни бошқаларга ўрнак сифатида ҳурмат блан тилга оладиган бўлди.

— Мана, Мария блан Нинанинг Ҳабибадан нимаси кам? — деди бир кунги мажлисда хафа бўлиб ўртоқ Ялишева, — у ҳаммангиздан ёш, ишда бўлса ҳаммангиздан катта!

Мажлис охирида Ҳабобага сўз берилди.

— Мен, — деб салмоқ блан гап бошлади у, — сизлардан кўп ишламайман. Фақат менинг унумли ишлашимнинг сабаби бор; биринчидан: мен машина техника парваришини алоҳида диққат-э'тибор блан олиб бораман, менинг дастгоҳларим смена охиригача бетўхтов ишлайди. Иккинчидан, ишга бошлаш олдидан тугатган пилта ғалтакларини тезда олмоштириш учун смена охиригача етадиган 600 граммли 200 та пилта ғалтагини урчуқлар устидаги рамкаларга тизиб, тайёрлаб қўяман. Цилиндир, ричаг, валик каби дастгоҳ қисмларини йўл-йўлакай тозалаб туриш учун зарур бўлган счётка, кисточка, сукно каби нарсаларни доим партуғим чўнтагида сақлайман. Учинчидан эса, иш маршрутими қат'ий планлаштириб олганман. Масалан; мен икки ёқли дастгоҳларда ишлаб юришни анча қисқартирдим. Ҳарбир урчуқ ёнига аниқ бир вақтда бораман. Босиб ўтган йўлимда узилган ипни кўрсам ҳам мутлақо қайтмайман. Чунки олдинда ундан аввалроқ узилган ип бўлиши мумкин, Ана унга тезроқ етиб бормасам унинг та'сири қўшни урчуқларга ўтади-да узиқ кўпайиб машинани тўхтатишга мажбур бўламан. Натижада 95 метрга чўзилган маршрут-масофасини бир сменада мўлжалимдагидек 44—45 марта айланиб чиқаолмай қоламан. Сўнгра ишга бошлаш олдидан йигирилган ип ғалтакларининг бир вақтда тўлиб мени шошилтириб қўймаслиги учун текшириб чиқаман.

Ўз иш тажрибасини сўзлаб бўлган Ҳабоба нима учундир ўйла-ниб қолди.

— Ҳўш, — деди аста ўрнидан туриб ўртоқ Ялишева, — гапир-нима демоқчисан?

— Аделя Азизовна — деб аста давом этди Ҳабоба, — мен ютуқларимиздан бир-биримизни доим хабардор қилиб туриш учун акам блан хат орқали шартлашиб қўйган эдим. Акам ва унинг отрядидаги икки жангчидан мактуб олдим. Улар разведкада жуда катта муваффақиятларга эришиб Қизил Байроқ ордени блан мукофотланган эмишлар. Ҳа, айтганча уларга „Гвардиячилар“ деган ном ҳам берилган эмиш. Мен ўз ишим ҳақида уларга нима деб жавоб ёзишга ҳайрон бўлиб қолдим. Агар шерикларим қўшилса, коллектимизга „Жанговар комплект“ деб ном бериб, жангчилардек ишлашга кўчмоқчи эдим. Мен бугундан бошлаб олти қаторда ишлаб, планими 150 процентга етказиб бажаришга ва'да бераман!

Бирдан бинони жаранглатиб юборган қарсак ҳамманинг ғайратига ғайрат қўшди. Табассум блан Ҳабобага тикилганича қарсак

чалаётган йигиручиларнинг юзидан „Жанговар ишга кўчамиз“ дегандай сезилар эди.

— Мен ҳам олти қаторда ишлашга кўчиб „Жанговар комплект“га қўшиламан! — деди туйқусдан Турсуной Эрмуҳамедова. Қарсақлар яна авж олди.

— Мен ҳам „Жанговар комплект“га қўшиламан! — деди йигиручи Мария Ермакова.

Шундай қилиб, Ҳабиба сменасида ишловчилардан 18 йигиручи „Жанговар комплект“га қўшилиб, стахановча ишлашга кўчдилар.

Жанговар комплектчилар кун сайин янги-янги ютуқларни қўлга киритабошлади. Мусобақа бошланган куни 1828 килограмм ип йигирилган бўлса, эртасига 1903 килога, индинига 2005 килога ва беш кундан сўнг эса 2520 килога етди.

Жанговар комплект йигиручилари Ҳабибанинг таклифи билан коллектив бўлиб техника ўқишини бошлаб юбордилар. Улар ҳар кун ишдан сўнг ўз тажрибаларини ўртага ташлашар ва Ҳабибанинг шу усулларини қизгин муҳокама қилишар, бугун ўрганган усулни эртасиёқ амалда синаб кўришардилар.

— Мен бугун, — деди Ҳабиба бир кунги техника ўқишида, — иш вақтимнинг бир минутини ҳам бекорга ўтказмадим. Смена олишдан 20 минут илгари ишга келиб, машина ремонтини кўздан кечиргач, ишга тайёрландим. Соат 4 га гудок чалиниши билан дастгоҳларим ишга тушди. Ҳарбир узилган ипни тўрт секунд ўрнига 2 — 2,5 секунд орасида улашга ҳаракат қилдим. Тугаган пилта галтакларни эса нормадаги 12 секунд ўрнига 7 — 7,5 секундда олмоштирдим. Тушки овқатга фақат 20 минут ажратдим. Натижада мен ҳар кунги иш вақтимда бир соату, 10 минутни тежай олдим. Кеча 123 кило йигирган бўлсам, бугун 130 килога етказдим.

→ Ҳормангиз, жанговар тўқучилар! — деди хурсанд бўлиб эшикдан кириб келган ўртоқ Ялишева, — шу кунларда мен комбинат ҳурмат тахтасида ҳам, газетада ҳам фақат сизларнинг номларингизни ўқийдиган бўлиб қолдим. Қани, аввал кимни табриклай? Комбинатнинг Кўчма Қизил байроғи сизларнинг комплектингизга берилди!

— Оғзингизга ёғ, Адела Азизовна! — деди худди чўчиб тушгандек бирнеча қизлар баробар ўринларидан ирғиб туришди.

Ҳабиба югуриб келиб Ялишевани қучоқлаб олди.

Ҳабибанинг ёдига акасининг фронтдан ёзган хати тушди. У: „Севиқли синглим, сенинг меҳнат майдонидаги мардона ҳаракатинг менга катта мадор бўлди, раҳмат Ҳабиба! Сен ўзининг бу галги хатинг билан ёнимда туриб, душманга қарши бирга жанг қилгандек бўлдинг!..“ деган эди.

— Акамга хат ёзаман! — деди Ҳабиба тўсатдан.

Ҳамма қизлар кулиб унга тикилишди, Ҳабиба лолдек қизариб уялиб кетди.

— Албатта ёз! Энди ёзсанг арзийди! — деди мастер Ялишева, — мана Турсунойни, Марияни, Минзифаларни ҳам қўшиб ёз.

— Ҳабиба, яхшиси бизга ҳалиги сенга хат ёзган аканг ўртоғининг адресини берақол, ўзимиз ёзамиз.

— Ҳа, ҳа, жуда яхши, бўпти! Ўзларингиз ёзақолинглар! — деди анча очилиб Ҳабиба.

Шу кундан эътиборан икки орада қизгин ёзишмалар бошланиб кетди...

Комсомол

Бугун Ҳабибанинг чеҳраси ҳарқачонгидан ҳам қувноқ эди. У ишга қизгин берилганидан тушки овқатга ҳам чиқмади. Иш вақти тамом бўлаётганини фақат сменачиси келгандагина билди.

— Ҳорма, Ҳабиба, бугун мажлисга алоҳида совға кўтариб борай дебсан-да? — деди кулиб Мария.

— Кечирасан, Мария, лекин иш вақтимнинг қандай ўтиб кетганини мутлақо сезмай қолдим, — деди шошиб машина арта бошлаган Ҳабиба.

— Албатта, қабул қилишади, кўнглингни тўқ қилавер!

— Айтганинг бўлсин, Машенька!

— Мажлисдан кейин уйга қараб жўнаб қолмагин тагин, биз ҳам эшитайлик, хурсанд бўлиброқ ишлаймиз.

— Жоням блан Машенка, наҳотки менинг шодлигим сенсиз ўтса!

Мария блан Ҳабиба машиналарни энди артиб бўлган эдики, тўртга гудок чалинди.

— Ҳабиба, бас энди, кеч қоласан.

— Раҳмат, Машенькам, ҳозир.

Сменани топширгач табельчининг олдига кириб кетган Ҳабиба икки-уч минутдан кейин, хурсанд бўлиб қайтиб чиқди. У бугунги иш натижасидан ғоят мамнун кўринар эди. Ҳабиба қўлидаги қоғозга қараб, ўз-ўзича „пландан 31 кило оширибман“ деб кулиб қўйди.

Ҳабиба уйига борганида Заҳро хола тандирдан нон узаётган эди.

— Ойи, овқат қилаолмагандирсиз? — сўради Ҳабиба.

— Қилдим, жон қизим, севган овқатингни тайёрлаб қўйдим. Мажлисга боришингни биламан-ку, болам.

Ҳабиба, иш кийимларини ечиб, ювиниб келди.

— Мана, нон блан қўшиб егин! — деди Заҳро хола ҳовирни чиқиб турган бир сават нонни олдига қўйиб.

Ҳабиба шошиб-пишиб овқатлангач яхши кўрган ҳаворанг гулли кўйлаги блан мукофотга олган американ туфлисини кийди-да „ярашибдими?“ дегандай онасига қаради.

— Ҳаммасидан ҳам шу кўйлагинг бирам ярашади-ки... Илоҳим кўз тегмасин болам.

Ҳабиба шошиб чиқиб кетди.

Кутиш тараддуи

Даҳшатли кунлар тугади. Улуғ Сталиннинг „Бизнинг кўча-мизда ҳам байрам бўлажак“ деган доҳиёна сўзи рўёбга чиқди.

Ватан бошига тушган хавф тамом бўлди. Юракларни қоплаб олган ғам-ғуссалар кўкларга учди. Дилларда чексиз қувонч, кўзларда сурур ва юзларда табассум барқ урди.

Ғолиб акасининг тез кунда Берлиндан қайтиш хабарини эшитган Ҳабиба уни янги ютуқлар блан кутиб олиш учун, бугун бир ойдан буён меҳнатда яна ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. У энди саккиз қаторда ишлаб кунлик топшириқни 140—150 процентдан адо этмоқда.

Ҳабибанинг хаёли „Акам келгач, ишинг қалай, бизга хат ёзган ўртоқларинг планларини қандай бажараётир, деб сўраса янги ҳечнарсга айтолмайман-ку...“ каби фикрлар блан банд. Ҳабибага акасининг жангда кўрсатган маҳорати олдида ўзининг йигиручиликдаги ютуқлари анчайин, арзимайдиган ишдек туюлар эди.

Нега бундай? Ахир Ҳабиба ғалабага озмунча ҳисса қўшдимиди? У, урушнинг энг оғир йиллари, икки-уч кишининг меҳнатини бир ўзи бажариб „Ҳамма куч ғалаба учун!“ деган шиор остида ҳаммадан кўп, ҳаммадан сифатли ипларни йигириб берди-ку! Ҳабибанинг ташаббуси блан рўёбга чиққан „Жанговар комплект“ ажойиб ютуқларни қўлга киритди. Комбинатнинг Кўчма Қизил байроғи ҳали-ҳали уларнинг қўлида. „Жанговар комплект“нинг ҳарбир йигиручиси жангдаги моҳир солдатдек пухта ва қаҳрамонлик блан ишлади.

Ҳабиба Исроилова, Турсуноӣ Ёрмуҳамедова, Мария Ермакова, Мария Журавлёва каби илғор стахановчи йигиручилар Ўзбекистон Олий Советининг фахрий ёрлиғи блан мукофотландилар...

5 йилликни 2 йилу 11 ойда

Совет халқи учун эндиги жанговар вазифа уруш туфайли халқ хўжалигимизга етказилган зарарни тездан йўқотиб, урушгача бўлган аҳволга етиш ва ундан ҳам ўзиб кетиш эди. Бунинг энг муҳим шarti Сталинча тўртинчи беш йиллик планни муддатидан илгарини бажаришдир.

Бу улуғ план Ҳабибага янги ва муқаддас вазифа юклади. Сталинча тўртинчи бешйиллик план э'лон қилиниш блан тўқимачиларнинг маданият саройида комбинат ишчи-хизматчи, инженер-техник, партия ва профсоюз ташкилот ходимларининг митинги чақирилди. Олдида ўлтирган Ҳабибанинг диққат э'тибори минбарда сўзлаётган комбинат партия ташкилотининг секретари Мария Фёдоровнада. У, бир нуқтани мўлжаллаб турган мергандек, Мария Фёдоровнанинг кўзларига тикилганича, бешйиллик план ҳақида чуқур хаёлга чўмган эди.

Ҳабибанинг ёдига, у фабрикага биринчи қадам қўйган кунини Мария Фёдоровнанинг. „Кўп ҳайрон бўлма, сенга ваҳмали кўринган бу машиналарни тезда урганиб оласан, улар сен истаганча

хизмат қилади...“ деган сўзлари тушди. Минбардаги Мария Фёдоровна ялт этиб Ҳабибага қаради. Мария Фёдоровнанинг бу қарашини Ҳабибага „Ҳа, қизим, биринчи сен сўзлайсан, Сталинча бешйилликнинг қандай бажариш зарурлигини ўйлаб қўй“ дегандай туюлди. У, ўз олдига „Нега мен планимни 150 процентдан ошириб бажаролмайман?“ деган саволни қўйди-да, яна ўзи „бажараман!“ деб жавоб берди.

Ҳабиба чўнтагидан қоғоз, қалам олиб апил-тапил ёзиб нималарнидир ҳисоблайбошлади.

Ўртоқ Егорова сўзини тамомлади.

— Хўш, — деди аста ўрнидан турган комбинат директори ўртоқ Алексеев, — ким сўзлайди?

— Менга беринг, Евгений Тимофеевич! — деди биринчи қўл кўтарган Ҳабиба.

Ҳабибага сўз берилди. У тез-тез қадам ташлаб минбарга кўтарилди-да икки томонга бир лаҳза кўз югуртириб чиқди. Сўнгра гўё ижозат сўрагандек Мария Фёдоровнага тикилди. Мария Фёдоровнанинг чехрасида „баракалла, гапиравер!“ дегандай ишончли табассум пайдо бўлди.

Неча юзлаб киши жойлашган залга оғир жимлик чўкди. Ҳамманинг диққати Ҳабибада.

— Ўртоқлар, — деди Ҳабиба салмоқ блан, — ҳаётимизнинг яна ҳам фаровон бўлиши, ватанимизнинг бундан ҳам гуллаб яшнаши учун улуғ Сталинимиз томонидан ижод этилган тўртинчи бешйиллик пландан чексиз хурсанд бўлдим. Мен бу планни икки йилу 11 ойда бажаришга сўз бераман.

Бирданига кўтарилган қаттиқ қарсақ овози катта зални қоплади.

Қувончини юрагига сиғдиролмаган Мария Фёдоровна ирғиб ўрнидан туриб Ҳабибани қучоқлаб олди...

Яхши ном

Ўзбекистоннинг энг соз олтин фасли — куз келди. Аста эсаётган ёқимли шаббода юзларни беозоргина сийпаб ўтмоқда. Ёзнинг иссиқ кунлари машиналарнинг тапти блан терга ботиб ишлайдиган йигиручилар энди енгил нзфас олабошладилар.

— Ҳорма Ҳабиба! деди ёғли қўлини пахтага артиб келаётган ўртоқ Ялишева.

— Бор бўлинг Аделя Азизовна! — деб жавоб берди қўли-қўлига тегмай, бири кетидан иккинчи ипини улаётган Ҳабиба.

— Хўш, саккиз қаторда ишлаш оғир бўлмаётирми?

— Дастлабки кунлар бироз қийналаётган эдим, ҳозир анча ўзлаштириб олдим.

— Ахири 1312 урчуқни эплаб олиш осон эмас-да! Хабар олдингми, йиллик планингни бажаришингга яна неча кило етмас экан?

— Ҳа, кеча билдим, — деди урчуқлардан қўлини узмай ҳар икки ёнини кузатиб кетаётган Ҳабиба, — 135 кило етмайди. Бугун албатта, 140 кило йигираман!

Ҳабиба айтган сўзининг устидан чиқди у ўша нормадаги 101 кило ўрнига 140 кило ип йигирди. Ҳабиба Сталинча бешйиллик план юзасидан олган мажбуриятининг биринчи йилини муддатидан олдин, комбинатда биринчи бўлиб 20-нчи сентябрьда 100 процент бажарди.

Ўртоқ Ялишева идорасига келганда ўтган галги мухбир йигитни кутиб ўлтирар эди.

Сиз Ҳабиба Исроиловани комбинатга келган кундан буён танир эмишсиз. У ҳақда бирор нарса гапириб берармикансиз, деб келиб эдим, — деди у йигит.

— Жоним блан, — деди ўртоқ Ялишева, — Ҳабиба ҳақида сизга нима десам экан. У, йигиручилар орасида энг камтарин, ҳаракатчан ва хушмуомилалиги блан ҳаммага ўрناق бўлган қиз. Ҳабиба эришган ютуқларидан мутлақо мағрурланмайди. У бугун яхши ишласа эртасига қандай қилиб ундан ҳам яхшироқ ишлаш йўллари излайди. Ана шу сабабли комбинат коллективи Ҳабибани севади ва ҳурмат қилади. Унинг ўзи доим „Меҳнат — роҳат экан“ дейди.

Ҳақиқатан ҳам Ҳабиба ҳечвақт меҳнатда чарчамайди. Йигиручилик унинг энг севган касби бўлиб қолди. Фабрикага қадам қўйган ойн 130 сўм иш ҳақи олган Ҳабибанинг маоши 1500—2000 сўмга етди.

У, фақат ўз планини бажариб чекланиб қолмайди. Агар фабрикамиз планини бажараолмагундай бўлса, Ҳабибанинг сра еганичгани татимайди.

У ҳаммани ўзи каби ишлашга чақиради. Бўш вақтларида эса ўртоқларининг дастгоҳларини айланиб юриб, уларнинг камчиликларини кўрсатади.

Ҳабиба кейинги икки йил ичида Казачкова, Галдина, Шапиро каби бирнеча ёшларни йигиручиликка ўргатди. Ҳозир улар учтўрт дастгоҳларни бошқариб кунлик планларини 120-130 процентдан адо этишмоқда.

Ҳабиба Бутун Иттифоқ Социалистик мусобақасида бирнеча марта ютиб чиққани сабабли СССР Тўқимачилик саноати Министрлигининг „СССР Тўқимачилик Саноати а'лочиси“ деган значогини олишга муяссар бўлди.

Ҳабиба 1947 йилнинг март ойида комбинатимизнинг илғор-тўқучилари Шукура Камилова, Евдакия Визгаловалар блан Москвага бориб СССР Тўқимачилик саноати илғорлари кенгашида иштирок этди.

— Раҳмат ўртоқ Ялишева, — деди нималарнидир тез-тез ёзиб ўлтирган мухбир, — Ҳабибани кўриш мумкин бўлармикин?

— Мумкин албатта. Тўқув фабрикасининг залига кирсангиз „халқ талабига лойиқ олий нав' газламалар тўқиб берамиз!“ деган катта шиорга кўзингиз тушади. Ана ўша шиор остидаги дастгоҳлар оросида ишловчи қиз Ҳабиба бўлади.

Мухбир Ҳабиба блан учрашиш мақсадида хурсанд бўлиб чиқиб кетди...

Халқ хизматкори

... Сайлов участкасининг катта мажлис зали ўз номзодлари билан учрашиш ораусида тўпланган сайловчилар билан лиқ тўла.

Ҳамманинг дили шод, юзида табассум. Тошкент область совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Ҳабиба Исроилова минбарга чиқишини кўрган халқ уни қарсақлар билан кутиб олди. У ўзининг таржиманой ҳолини сўзлаб бергач, унинг ишончли вакили инженер Баславская шундай деди:

„Бундан 8 йил муқаддам комбинатга оддий ишчи бўлиб келган ўртоқ Ҳабиба Исроилова энг яхши мутахассис йиғиручи даражасига кўтарилди. У ўзининг меҳнатсевар, талантли йиғиручилиги билан комбинатимиз коллективи ҳурматига сазовор бўлди. Ҳабиба 1947 йил ишлабчиқариш планини иккинчи сентябрьда 100 процент бажариб, пландан ташқари 7390 кило ип йиғириб берди.

Мен ёш коммунист Ҳабиба Исроилованинг халқ ишончини шараф билан оқлашига тўла ишонаман.

Қувончли сафар

Поезд елдек учмоқда. Ўзбекистоннинг бепоён пахтазор даласи, узумзор, олмазор боғлари, кино лентасидек бирин-кетин кўздан ўтаётир.

— Ватанимиз кўриб тўймайдиган, саёҳат қилиб чарчамайдиган ажойиб гўзал-да! — деди деразадан қараб кетаётган Ҳабиба завқланиб суҳбатдошига.

— Жуда ҳам! Боғларни қаранг, узум — олмалар... Ана у анорларни қаранг-а!.. деди хурсанд бўлиб Замира.

— Демак бу йил ҳар бир гектар ердан камиди 110 центнердан ҳосил оларэкансиз-да, — деди Ҳабиба Замира Муталованинг пахтачилик ҳақидаги ҳикоясини тинглаб бўлгач.

Ҳа, гўзаларимизнинг чўғи ишонтиради. Сиз бешйиллик планингизни қачон бажариб бўласиз.

— Мўлжалим шу йилнинг 15-нчи июлига тамомлаш эди. Украинага жўнаб кетаётирмиз-ку, энди июльнинг охиригача чўзиладиган бўлди.

— Ҳар йили олинган пахта ҳосилини завод — фабрикалар ишлаб улгираолармикан?

— Албатта! Баъзи йилларда эса олинган ҳосил келгуси йилги пахта пишиғига етмай қолади-ку. Шунинг учун халқимизга чиройли, чидамли ва кўп газлама етказиб беришимизнинг биринчи сабабчиси сизлар ҳисобланасизлар. Пахта қанча мўл бўлса, газлама ҳам шунча сероб бўлади.

— Пахтанинг қанақа хилидан яхши газлама тўқилади?

— 108 — ф ва 18819 рақамлар билан юритиладиган пахталардан жуда ҳам чидамли газламалар тўқилади. Бу хил пахталарнинг толаси ипак сифатли майин ва пишиқ бўлгани сабабли йиғириш ва тўқишда кам узилади. Оддий йиғиручи ҳам 7—8 дастгоҳни бемалол бошқараверади. Пахтаинг сифати яхшиланган сари газ-

ламанинг таннархи арзонлаша боради. Иккинчидан, газламанинг сифатли ва арзон бўлиши пахта теримига ҳам боғлиқ. Хом, ифлос терилган пахталарнинг толаси чидамсиз бўлгани сабабли узила-бериб йиғиручининг иш унумини камайтиради. Сўнгра газлама жуда сифатсиз, чидамсиз бўлиб тўқилади.

Суҳбатга берилган икки қиз поезднинг Ўзбекистон чегарасидан ўтиб кетганини сезмай қолишди. Ана, Қозоғистоннинг бир учи кўкка тутшиб кетган ҳисобсиз бугдойзорлари олтин денгиздек чайқалмоқда. Тоғ бағридаги яйловларда қўй, эчкилар, той ва бўталоклар ўйнамоқдалар...

Украина Олий Советининг мажлислар зали Иттифоқимизнинг ҳамма союздош республикаларидан келган меҳмонлар блан тўлган. Ҳамманинг диққати байроқлар, гуллар блан безатилган саҳнадаги ўртоқ Сталин расмида.

Учинчи қаторда ўлтирган Ҳабиба блан Замира саҳнага чиқувчиларни иштиёқ блан кутишмоқда. Шу дам саҳнага бирин-кетин Гричуха, Хрущёв ва ўртоқ Молотовлар чиқиб келабошладилар. Залдагилар қаттиқ қарсак ва гулдурос олқишлар блан гуруллашиб ўринларидан турдилар. „Яшасин жонажон Сталин!“, „Севиқли Молотовга шон-шарафлар булсин!“ деган ура орзу-тилаклар зални қоплаб олди...

ЕВ. КОРЕЙН

ЛЮДМИЛА АЙЮПОВА ВА УНИНГ ДЎСТЛАРИ

I

Людмила Айюпова дипломини энди ҳимоя қиламан деб турганда, уни Қорақум саҳросига юбориб қўйдилар.

Айюпова Урта Осиёда ўсган. Бундан ташқари, большевиклар Қорақумни қандай жиловлаётганлари тўғрисида ҳам кўп китоблар ўқиган. Қорақумни ўрганиш пайтида кишилар бошига қанчалик қийинчиликлар тўшганини ҳам билади. У яна шуни ҳам билардики, қаҳрамон қизил армия отрядлари, гражданлар уруши йилларида очлик ва сувсизликларга бардош бериб, оқ бандаларни қувиб — енгиб Қорақум саҳроларидан минг азоби-уқубатлар блан ўтган. Булар ҳамон унинг эсида!

1925 йилда совет академики А. Е. Ферсман Қорақумда бениҳоят кўп олтингугурт рудаси борлигини топди. Саккиз йилдан сўнг эса саҳро жимлигини автомобильлар гудоги бузди. Бу Қорақум саҳроларида минг-минг йиллардан бери биринчи марта эшитилган техника садоси эди. У ердан Москва — Қорақум — Москва автомобиль пойгасининг қатнашчилари ўтган эдилар.

Лекин Людмила Айюпова поёнсиз саҳрода қандай қилиб темир йўл қуриш мумкинлигини кўз олдига келтираолмас эди. Агар бу иш геологлар, ботаниклар ёки мелиораторларга юклатилган бўлса, — бошқа гап эди... Шу иккиланиш пайтларида малум бўлдики, ғоят узун ва ажойиб бир темир йўл қуриш ва кишиларнинг минг йиллаб юзага чиқмаган орзу-армонларини ҳақиқатга айлантириш устида гап кетаётган экан! Ана шундан кейин Айюповани тўхтатиб бўлмайдиган бир қизиқиш чулғоб олди. Бу иш унга мароқли туюлди. Тўғри, бу ҳам мароқли, ҳам қийин эди. Энди унда иккиланиш ўрнини қизиқиш олди.

Саҳрода темир йўл! „СССР Иттифоқи Министрлар Совети Ўзбекистон ҳукуматининг Хоразм блан Қорақалпоғистонни республика марказий районларига қўшадиган Чоржўй — Қўнғирот темир йўли қуриш тўғрисидаги таклифларини ма'қуллади. Бу янги йўл қурилиши беш йиллик планга киритилди“. Людмила „Правда“да ёзил-

ган бу кичкина хабарни ўқиди. Демак, Людмила Чоржўй — Қўнғирот темир йўлини қуриш бахтига мушарраф бўлипти!

... Қуёш чошгоҳга келиб, ери-кўк оташдай қизиган июнь кунларининг бирида Людмила Айюпова ўз дўстлари блан Чоржўйга келиб тушди. Станцияда янги йўл харитаси осиб қўйилган. Харита бурчагига эса: „СССР Ҳукумати ўртоқ Сталиннинг ташаббуси блан Чоржўй — Қўнғирот темир йўлини қуришга қарор қилди“ деб ёзилган.

Шундай қилиб, Айюпова ва унинг Тошкент темир йўл алоқаси институтини битириб чиқучи дўстлари Сталин топширигини бажариш учун келдилар. Ўзбекистон блан Туркменистон халқлари неча вақтлардан бери орзу қилиб келган бахт йўлини қуришга киришдилар.

II

Иш майдони қарийб Чоржўйдан бошланади. Чоржўйдан чиқингиз блан саҳрога, Қорақумнинг шарқий қисмига кирасиз. Кўз олдингизда сувсизликдан қовжираган, ора-чора буталар учраб қоладиган кулранг сайхонлик очилади. Унг томонингизда эса Амудар'ёнинг сарғиш лойқа сувлари жимирлаб боради. Шарқ афсоналари ва ривоятларида бу дар'ё „Мадори наҳр“ ёки „Дар'ёлар онаси“ деб атайдилар. Ҳарҳолда бу дар'ё Хоразм воҳасида жон куйдириб, ишлаётган колхоз пахтакорларининг суёнчидир. Амудар'ёнинг суви жуда кўп лойқа оқизиб келади. Олимларнинг ҳисобига қараганда, Амудар'ё лойқаси машҳур Миср дар'ёси Нил лойқаларидан ҳам ҳосилдорроқдир.

Темир йўл Амудар'ёнинг чап қирғоғи бўйлаб солинади; йўл Чоржўй воҳасини ўтиб бориб, сувсиз саҳро оралаб кетади. Чоржўй шаҳридан бошланадиган темир из 615 километргача чўзилиб боради. Орол денгизининг жанубий лаби яқинидаги Қўнғирот шаҳрига етади. Қатор-қатор туя карвонлари ўн беш кунлаб зўрға босадиган бу узун ва оғир йўл одамлар тасаввур қилолмайдиган даражада қисқаради: бу оралиқ поезд блан 14—15 соатда босилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Чоржўй — Қўнғирот темир йўлини қуриш ниҳоят қийин. Инженерларнинг ҳисобига қараганда, саккиз миллион кубометрлик ер иши кўндаланг турипти! Юзлаб кўприк, ўнлаб вокзал, тўрт депо қуриш, бир талай ариқ-зовурлар қозиш лозим. Лекин совет кишилари ҳечвақт қийинчиликлардан қўрққан эмас, аксинча, Ватан равнақи, халқ бахти йўлида нима-ни қилиш керак бўлса, жон-дил блан қилиб келган.

Дарвоқи, бу ерга темир йўл ўтказиш фикри революциядан илгари ҳам туғилган эди. Хоразмни темир йўл блан боғлаш масаласи чор ҳукумати даврида кўтарилган бўлса ҳам, лекин у вақт фақат қуруқ гапгина бўлиб келган эди. Хоразм халқининг бу орзуси фақат совет ҳокимияти даврида, барча миллатларнинг иқтисодий ва маданий тараққиёти учун кенг йўл очиб берган ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг тантанаси орқасида амалга ошди.

Қорақум саҳросида қурилаётган бу темир йўл мамлакатимиз халқлари бунёдга келтираётган улуғ қурилишлардан бири бўлиб тарихга киради. Бунинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини икки қардош — Ўзбекистон ва Туркменистон республикаларининг меҳнаткашлари яхши билдилар.

Сталин номли Катта Фарғона каналини қуриб, бутун Совет Иттифоқига шўхрати кетган ва халқ қурилишларини бошлаб берган ўзбек халқи мана энди саҳрода темир йўл қуришга киришди.

Икки юз-уч юз километрлаб узоқ масофалардан кетман, курак, замбил ва бошқа асбоблар билан келган хашарчилар олдида ёшлар кўринарди. Келажак темир йўлда қарийб етмиш минг хашарчи ишлар экан, ҳар беш хашарчининг бири ёш колхозчи эди.

„Победа“ колхозининг а'залари темир йўлга биринчи кетман уриш шарафини яқинда Совет Армиясидан бўшаб келган ёш колхозчи Гули Шоҳмуродовга юкладилар. Унинг нақадар иштиёқ билан ишлаганини кўрсангиз эди! Гули ҳарбир ҳаракатини аниқ ва чўтлаб қилади. У шамол келиб турган томонга қараб бир курак ҳам қум ташламайди. Аҳволга қараб гоҳ қетман, гоҳ бел ишлатади. Гули бир кунда йўлга 20 кубометр тупроқ чиқариб солди. Бирнеча ўн йиллаб қўлларидан кетман ва бел тушмаган тажрибакор қазучилар бу ёш стахановчининг номини ҳурмат билан тилга оладиган бўлдилар.

Сталин номли колхоз а'зоси комсомол Матёқуб Искандаров дастлабки кунларда 30, кейин эса 36 кубометрдан қум чиқариб турди.

Шу тариқа ёш хашарчилар ўз нормаларини 700—800 процент бажариб бордилар. Куёш шафқатсизлик билан қиздириб, усти-бошлар терда ивиб кетса ҳам ҳечким ўзини соя-салқинга олмайди. Терлар чиқар, яна қурир, шу аҳволда иш давом этар эди.

Энг қийин ва энг мушқил участка қаерда деб сўрасангиз, ҳамма Туямўйинда деб айтади. Туямўйиннинг ерлари чағиртош ва тикка-тикка харсанглардан иборат. Буни фақат диномит билан ағдарishi мумкин. Диномит ишлатиш учун эса бирқанча қудуқ қазини керак. Мана шу энг қийин ва энг мушқул участкада Тошкент институтини битириб чиқучилардан бири — Ҳалил Ҳакимов бошчилик қилди. Ҳалил Ҳакимов ҳам 1947 йилнинг жазирама кунларидан бирида Людмила Айюпова билан бирга Чоржўй станциясига келиб тушган эди.

Комсомол а'зоси Ҳалил Ҳакимов халқ қурилишларини жуда яқиндан билади. У Ўзбекистонда туғилиб, шу ерда ўсган ва тарбия олган. Саҳрога темир йўл ўтказиш ота-боболарнинг узоқ вақтлардан бери юрагида энг ширин орзуси бўлиб колганлигини у ёшлигидан бери билади. Балки у ота-бобосининг шу муқаддас орзусини юзага чиқариш учун ҳам темир йўл транспорти институтига киргандир?

Унинг тилаги ўйлаганидан ҳам ортиғроқ юзага чиқди: у ота-боболари орзу қилган ўша темир йўлни қурабошлади.

Институтда олинган билим, мардлик ва табиий ижодкорлик, маҳаллий шароит билан таниш бўлишлик — буларнинг ҳаммаси Ҳа-

лилнинг энг қийин участкада муваффақият блан ишлашига ёрдам берди. Ҳалил эртадан то қора кечгача ишлайди, чарчамайди. Хашарчилар лагери уйқуга бош қўяр экан, Ҳалил трассага чиқадида қилинган ишларни хаёлидан бир-бир ўтказиб, қилинадиган ишлар ҳақида планлар тузади.

Ойдин кеча. Ҳаммаёқ гўё сут қуйилгандек, тун салқин, кундузги жазирамадан кейин жонга ором беради. Шундай кечаларда кишининг ухлагиси келмайди. Шундай кечаларда ёлғиз ўтириб эртаги бахт тўғрисида хаёл сургинг келади.

Хоразм воҳасида суғориладиган ерлар учун жуда яхши шароит бор. Воҳа сувга сероб, ерлар эса Амудар'ё лойқалари блан семириб туради. Хоразмда ва Қорақалпоғистонда жуда кўп пахта ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, боғдорчилик ва узумзорликни ривожлантириш мумкин.

Тоғларни ағдариб, қумларни совуриб ўтказилаётгани бу темир йўл бўлса, поездлар юриб минерал ўғитлар, ёнилғи, қишлоқ хўжалик асбоблари ва машиналар келтирилса, Хоразмда пахта ҳосили икки ярим марта ортиши мумкин. Беда ҳам уч-тўрт марта кўпаяди.

Хоразм воҳасида энергетика ресурслари бениҳоят кўп. Бу ерда кучли гедростанциялар қуриш мумкин. Ким билади, бугун Ҳалил ишлаб турган худди шу районда темир йўл қурилиб бўлгандан кейин Хоразм воҳаси учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ирригация қурилишига киришилар! Балки яқин кунларда Амудар'ёга Туямўйин тўғони қурилиб, дар'ёнинг икки томонига — Хоразм ва Қорақалпоғистонга — янги канал блан сув чиқарилар!

Ҳалил Ҳакимов ўзининг бу планини участкадаги шерикларига сўзлаб берди. Унинг бу мароқли сўзлари Калинин номли колхознинг 70 ёшли кекса а'зоси Тожибой Қурбоновга ва Киров номли колхоз а'зоси комсомол Пирмат Латифовга мойдек ёқди.

Ҳалил Ҳакимов ўзи ҳам яхши ишлайди ва бошқаларни ҳам ишда руҳлантиради. Хашарчилар орасида ажойиб меҳнати блан рекорд қўйган Юсуф Матёқубов Ҳакимовнинг маслаҳатларидан ва иш намунасидан ҳарвақт баҳраманд бўлиб туради. Лекин Ҳакимов Оғамуродовнинг зарбдор комсомол бригадасидан айниқса хурсанд. 160 кишлик бу бригаданинг ҳарбир а'зоси оғир шароитда иш намуналарини кўрсатади.

Янги трассада Людмила Айюпова Ҳакимовдан қолишмайди. У қидириш ишларида қатнашади, участка прораби бўлиб ишлайди, ва ҳар ерда унинг ташкилотчилик маҳорати кўзга чалиниб туради. Шундай мўмин, кичкина, уялчан бир қизнинг шунча ташкилотчилик курсатиб, турли-туман одамларни ўз орқасидан эргаштириб боришига киши ҳайрон қолади. Людмила кексаларга ҳурмат блан муомала қилиб, улардан маслаҳат олиб туради ва аини замонда уз талабини бажартиришга ҳаракат қилади. У, кексаларга ҳам, ёшларга ҳам бирхилда талабчанлик блан қарайди. Урта Осиёда туғилган бу қизнинг табиатида ўзига хос донолик бор. Людмила

темир йўл қурилиши ҳақида жуда кўп китоб ўқиган. У эски китоблардан бирида 60 йил бундан муқаддам ёзилган шу сатрларни ўқиган эди:

.... Байрамали блан Чоржўй ўртасида бир юз олтиш чақиримча ерда чўзилиб ётган кўчма қумга қарши курашиш оғир ва мушкулдир. Шамол бир ердан иккинчи ерга кўчириб турадиган қум тепаларидан иборат бу майдон йул масаласида энг қийин участка ҳисобланади. Бу ердан темир йўл ўтказиш мумкин эмас. Шунинг учун бу масалани бирқанча вақтгача кечиктиришга тўғри келади. Темир йўл остига қум солиш блан уни шамол учириб кетади. Ора-сира кўтарилиб турган саҳро шамоли шпал остидаги қумларни ҳам учириб, бошқа ерларги келтириб тўкади, янги-янги қум тепалари ҳосил қилади. Темир йўлни қум учқунидан сақлаш учун ясама туннел орқали ўтказиш керак деган таклифлар бор. Ёлпасига кўчма қумдан иборат бўлган ерда темир йўл ўтказиш тажрибаси ҳечқаерда қилиб кўрилмагани учун, мумкин бўлган ҳарбир нарсани қилиб кўрдик, лекин бўлмади“.

Темир излар остига тўкилган қумни шамолдан сақлаш мумкинми? Бу юзаки қараганда аҳамиятсиз масаладек кўринади. Ҳолбуки бу масала қумлоқ ерларда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Айюпованинг ўзи ҳам кечалари қум саҳроларида кўтарилган шамол-бўронлардан жуда кўп мусибат чекди. Даҳшатли шамол туриб тоғ-тоғ қумларни учирганини, ҳаммаёқни қум босганини кўрди. Ана шу даҳшатли кечаларнинг бирида темир йўл қумини шамолдан сақлаш, табиатга қарши курашиш йўлини излаш фикри туғилди: Людмила Айюпова бу мушкулни жуда осон ҳал қилди. У темир йўлга тўкилган қум устига 10—15 сантиметр қалинлигида тупроқ бостирди. Айюпова ўзининг бу ажойиб тажрибасини бошқа участкаларда ҳам баҳам кўрди. Агитаторлар комсомол Людмила Айюпованинг тажрибасини одамларга айтиб, уни ҳаммага ибрат қилиб кўрсатдилар.

Ҳозир темир йўл қурилишида иш жараёни қайнаб тошади. Хашарчилар силсиласи бирнеча ўн километрга чўзилиб боради. Ҳаво ғоят иссиқ бўлишига қарамай, хашарчилар ҳамон илгарилаб борадилар. Мана 77 километрлик йўл қурилиб бўлди. Темир изларни ётқизиш ва ерларни шиббалаш блан бир қаторда жуда кўп иншоатлар ҳам қуриб борилмоқда.

Қурилиш штаби Чоржўйда, лекин қурилиш бошлиғини осонлик блан топиб бўлмайдди. У ё трассада бўлади ё темир излар келтириш учун қайгадир учиб кетган ёхуд республика ташкилотларида ниманидир олиш учун ҳаракат қилиб юрган бўлади...

III ранг ҳаракат генерал-директори ўртоқ Хўжаевнинг отабоболари ҳам темир йўлчи бўлиб ўтган. Унинг ўзи темир йўлга ёш, бола ҳолида келган.

Ўртоқ Хўжаев трассада жуда катта обрўйга эга. Чунки у одамлар блан содда ва яхши муомалада бўлиб, ҳарбир кишининг ўзига ва аҳтиёжига қараб муомала қилади. Одамлар унинг олдида тортинмай, ийманмай келишади, кўнглидаги гапларини базўр айтишади ва унга қурилиш бошлиғи бўлгани учунгина эмас, Узбекис-

тон республика Олий Советининг депутаты бўлгани учун ҳам ҳархил хатлар ёзиб туришади.

Ана шундай хатлардан бири келганда, ўртоқ Хўжаев комсомол ташкилотчиси Исмоиловни ўз ёнига чақиради. Узоқ участкадан келган бу хатда ёшлар зеркиб қолганлиги, радионинг йўқлиги, газеталарнинг муттасил келиб турмаганлиги, иссиқ чойнинг йўқлиги ёзилган эди. Хўжаев комсомол ташкилотчисини ўзи билан бирга олиб борди. У Исмоиловни партия ишига ва ҳодисаларга жон-дия билан, чуқур тушунча билан қарашга ўргатди.

Хўжаев фикр этмай турган радио карнайини кўриб, ўша ердаги ёшлардан:

— Қани, йигитлар, ичингизда электр техникасини ким билади? — деб сўради.

Ана шундай йигит топилди.

— Ана халос, — деди Хўжаев, — электр техникасини билар экансану тагин қараб турганингни қара! Уйингда бўлса, дарров тузатиб олардинг-а?

— Уй бошқа гап-да..,

— Бўлмаса бу ерга меҳмон бўлиб келганмисан?

Хўжаев, ҳалиги йигитни парвосизлиги учун уялтиргандан кейин, комсомол ташкилотчиси Исмоиловга ёшларни хўжалик ишларида жонкуяр қилиб етиштириш, уларда умумий жамоат иши учун жавобгарлик ҳиссини ошириш зарурлиги ҳақида анча та'лим берди.

Генерал Хўжаев билан трассага борган Исмоилов анча нарсага ўрганди. Партия раҳбарлигининг принципларини жонли мисолларда ўз кўзи билан кўрди. Йўл-йўлакай қурилиш ҳақида сўзлашиб қолдилар.

— Эсингда бўлсин, Исмоилов, — деди Хўжаев, — бугунги қора мшчи эртага ё проводник ва кондуктор бўлади, юк кўтаручи машиналарда ишлаётганлар эса мутлақо поезд машинистлари бўлиши турган гап.

Чоржўйга яқинлашганларида генерал планшетидан картани чиқариб кўрсатди.

— Туркистон, — деди у, — Лениннинг сўзи билан айтганда, Ҳиндистон ва Мисрга ўхшаш „асл нусха“ мустамлака бўлган. Лекин совет ҳокимияти йилларида бу мамлакат таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди. Хоразм билан Қорақалпоғистоннинг иқтисодий жиҳатдан жуда ҳам тараққий топиб кетганлиги шу билан изоҳ қилинадики, бу районлар бошқа иқтисодий марказлар билан транспорт орқали яхши боғланмаган. Биз ишлаётган бу қурилиш Ўзбекистоннинг ғарбий ва ғарби-шимолий районларини иқтисодий ва маданий жиҳатдан кўтаришда фоят катта истиқбол очади.

Исмоилов ҳам бу трассанинг Ўзбекистон ва Туркменистон республикалари учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини кейин ёшларга тушунтириб берди. Бу қурилиш кейинчалик ғарбий-шимолда Александров-Гайгача бориши тахмин этилади. У ҳолда Ўрта Осиё республикаларнинг СССР Марказий областьлари билан бўладиган алоқаси яхшиланади. Малумки, бундай қурилиш фақат большевикларнинг, фақат улуғ темир йўл давлатининггина қўлидан келади.

Звеноларни йиғадиган базани йўл қурилишининг „заказлар столи“ деса бўлади. Бугун қанча километр, эртага қанча километр йўл қуриш масаласи худди шў ерда ҳал қилинади.

Базада уч бригада ишлайди. Бригадаларнинг иккитасига мастер Кан ва студент Розиков бошчилигидаги мутахассис комсомоллар раҳбарлик қилди. Ўртоқ Розиков ҳам қурилишга Людмила Айюпова ва Ҳалил Ҳакимовлар блан бирга келган.

Йиғиш базасида биринчиликни Василий Кан бригадаси эгаллади. Бу бригада барча ёш йиғучиларнинг ажойиб дўстлиги ва аҳлиги блан ажралиб туради. Бу дўстлик шундай мустаҳкамки, а'золар бир-бирини ишда ҳарвақт қўллаб-қўлтиқлашади. Бир топшириқни бажаришга улгуролмаса ё уқуви етмаса, иккинчиси дарҳол ёрдам қилади. Бир кун шундай воқиа юз берди. РСФСРнинг ўрта районида келган ёш йиғучиларнинг бири, ўз сўзлиги ва енгилтаклиги блан ҳовлиқиб, ерли ўртоқларнинг маслаҳатига кирмади.

Ерли йигитлардан бири Қорақум қуёшининг шафқатсизлигини айтиб:

— Эҳтиёт бўл, бошингга дўппи кийиб ол, бўлмаса офтоб уриб кетади, — деган эди.

Ўз сўзлик йигит уни жеркиб ташлади.

— Ишинг бўлмасин! Мен сен айтган анойилардан эмас. Офтоб менинг эски дўстим, мен физкультурачиман, — деди у.

Ерли йигитларнинг сўзи тўғри бўлиб чиқди. Қорақум қуёши „физкультурачи“ни шундай тафтига олдики, у қатордан чиқиб қолди.

Бу ҳодиса трассада қизгин иш бориб турган пайтда бўлиб, ҳарбир кишининг ишига эҳтиёж жуда катта эди. Унинг енгилтаклиги бригада планининг бажарилишини хавф остида қолдирди. Воқиядан хабар топган бошлиқлар мастер Канга бошқа биров одам топиб олишни таклиф қилдилар.

Кан бригадага келиб:

— Хўш, ўртоқлар, яна битта одам оламизми? — деб сўради.

Ўртоқлар бунга қарши турдилар. Кан бригадасининг а'золаридан бири сўзга чиқиб:

— Ленинград қуршовда қолиб, совуқ ва очлик ҳукм сурган пайтда, оч комсомоллар ўзлари ва постда ҳалок бўлган ўртоқлари учун икки-уч нормадан ишлашадия, биз шундай ма'мурчиликда бир ўртоғимизнинг ишини қилолмаймизми? Йўқ ёрдамчи керак эмас, ўзимиз ишлаймиз! — депти.

Шундай қилиб, ёшлар сафдан чиққан ўртоғининг ўрнини билдирмадилар. Бу воқиа Василий Кан бригадасидаги ўртоқлик муносабати учун жуда характерлидир. Василий Кан ўтган йили Тошкент темир йўл техникумини битирганига қарамай, бригадада гоёя

катта обрўйга эга. А'золар бирон масалада дард қолгудай бўлса, Васильий Кан дарҳол жонига ора киради.

— Мана бу чинакам мастер! — деб ўртоқлари унга баҳо беришади. — Унинг билими калласидагина эмас, қўлларида ҳам. Бундай бошлиқ блан ишласанг ҳечвақт дард қолмайсан!

Қурилишда кўп ёшлар янги ихтисос олмоқдалар. Кечаги ер қазучи оддий йигит бугун машинист бўлаётир. Бу эса киши тақдирда рўй бераётган улуг ўзгаришдир.

Комсомол Хусайнов темир йўл қурилишига боришни кўп вақтлардан бери орзу қилиб юрар эди. „Ударник“ колхозининг а'золари Хусайновни мақсадига эриштиришди.

— Мен Районимга поезд блан қайтаман, — деди — ёш ватанпарвар, — шодлик ва мағрурлик блан.

Темир йўл қуручиларга катта мактаб бўлди. Бу мактаб янги, яна ҳам катта қурилишлар учун кадрлар етиштиради. Юзлаб ёш колхозчилар мутахассис, малакали мастер бўлиб уйларига қайтдилар. Саҳрода гуруллаб поезд юрабошлаганда, ҳозирги кетманчилар станцияларда навбатчи, йўл мастери, йўл кўрсатучи, машинист ё проводник бўлиб қоладилар.

V

Саҳро бепоён, қуёшда қавжираган жонсиз кўкатларгина кўринади, буларни оралаб темир изларда дрезина ғириллаб боради.

Ҳозирча йўлнинг фақат 77 километри қурилган бўлса ҳам, йўлчилар эртага яна ҳам илгарилаб кетишини биламиз. Ҳа демай бу темир изларда пассажир поездлари, пахта юкланган составлар ўтабошлайди.

Хоразмда бениҳоят кўп тоза пахта йиғилиб қолган. Бу ерда 15 минг тонна уруғлик чигит бирнеча йилдан бери олиб кетилишини кутиб ётади.

Йўл очилиши яқинлашиб қолган шу кунларда вақт жуда ҳам секин ўтаётгандек туюлди.

Лекин қурилиш коллективи вақтдан тез ишлайди. Қуручилар йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва 212-нчи станция блан Дорғонота станцияси ўртасида ишчи поездни юргузиб юборишга қарор қилди.

Молотов станциясида ҳозир станция биноси ва турар жойлар қурилмоқда. Йўлларга сим ёғочлар ўрнатилиб, симлар тортилмоқда.

Темир йўл қурилишида турли миллат ва турли ёшдаги кишилар бир ёқадан бош чиқариб ишламоқдалар. ФЗО мактабининг ўқучилари йўл қурилишида шуҳрат чиқарган усталардан ўтиб кетиш учун жон куйдириб ишлаётирлар. Бозоров бошчилидаги бинокорлар бригадаси планни ҳардоим ошириб бажараётир. Комсомоллар планларини ҳар доим икки-уч баробар бажариб келаётирлар...

Трассадан қайтиб келаётиб, Людмила Айюповани кўрдик. У Тошкентда дипломини ҳимоя қилиб келаётган экан.

Айюпова дипломини тантанали ваз'иятда ҳимоя қилган. Зал студентлар ва ўқучилар блан лиқ тўлган. Столларга гуллар қўйилган. Уша кун саккиз киши диплом ҳимоя қилипти. Буларнинг орасида бу оғир, босиқ, камтар уйғур қизи ҳам бўлган. Дипломни ҳимоя қилиш учун унга 30 минут вақт берилипти. Ҳолбуки, у соатлаб сўзлашга тайёр эди. Минг-минглаб хашарчилар блан бирга ишлашгани, темир йўлга тўкилган қумларни шамолдан қандай сақлагани, „Сталин чақириғининг ударниги“ значоги блан мукофотлангани, ҳозир пўлат йўлларни қандай ўрнатаётганлиги ҳақида батафсил сўйлаб бериши мукин эди.

Совет Иттифоқининг комсомоллари блан ёшлари халқлар доҳиси ва совет ёшларининг устози ва дўсти Иосиф Виссарионович Сталинга: „Бизнинг ҳаётимиз Ватан ҳақида ғамхўрлик қилиш, коммунизм учун курашиш блан ўтади. Биз учун Ватан манфаатидан юқори нарса йўқ. Бизнинг бахтимиз социалистик ватанимизнинг бахти блан чамбар-час боғлангандир“, деб ёзган эдилар. Бу оташин сўзларни Людмила Айюпова ҳам, доҳий чизиб берган улуг ишлар планини амалга ошириш устида толмай ишлаётган бошқа миллат ёшлари ҳам, ўз қалбида ҳарвақт сақлаб келади.

Минглаб Айюповалар, Ҳакимовлар, Розиковлар ватан чақириғи блан ҳаётимиз каби реалъ ва афсоналардаги каби гўзал бахт йўлини қурмоқдалар. Агар уларнинг ота-боболари бу даҳшатли йўлларда қон-қора қақшаган бўлсалар, Сталин замонасининг бахтли авлоди яқин кунларда Қорақум орқали ўтадиган поездларда қатнайдилар.

РАҲМАТ ФАЙЗИЙ

УЛҒАЙИШ

Очерк

I

Август қуёши еру-кўкни қиздирмоқда. Эрталаб мовий осмон юзида сузишган булутлар, қуёш ҳароратига дош беролмагандай, ғойиб бўлган. Ҳар замонда эсиб ўтучи енгил шамол кишига роҳат бахш этади. Юзлардаги тер маржонларини учириб ўтади... Қуёш ҳарорати яна авжга минади.

Аэродром одамлар блан тўла. Ҳамманинг кўзи осмонда. Бировлар соявон тагида, бировлар қўлларини пешоналари устига қўйиб, ёхуд рўмолчаларини тутиб қуёш тигига, каптардек учиб келатган аэропланга тикилган.

Жасур учучилар ҳавода ўз маҳоратларини намоён қилиб бўлгач, осмонда яна иккинчи бир аэроплан пайдо бўлди. У, аэродром атрофида бирнеча марта айланиб, тобора юқорига кўтарила бошлади. Радио карнайларидан дикторнинг овози эшитилди. „Аэроплан 700 метр баландликка кўтарилди“. Ҳамма диққат блан осмонга тикилган. Шу пайт аэропланнинг қанотлари орасидан коптоқдек бир нарса учиб тушди. Кўз очиб-юмгунча дақиқа ҳам ўтмай, ҳавода, қуёш шу'ласида, ранго-ранг товланган қубба—парашют пайдо бўлди. Парашют тасмалари блан боғланган бир киши аста-секин пастлашмоқда...

Аэродромда бирдан шовқин-сурон кўтарилди. Ҳамма аэродромнинг нариги томонига чопабошлади. Мовий, қизил, оқ, пушти ранг шойидан ясалган парашютнинг ярми ерда, ярмини эса шамол учириб, ҳилвиллатиб турипти. Тасмаларини ечаётган парашютчинини ўртоқлари, қизлар, қариялар ўраб олиб, қучоқлаб кўришакетди. Кўпчилик унинг эркак ёки аёл эканини ҳам ажратолмасди.

— Балли-е, зап азамат йигит эканми, юрагига қойилман!—деди ўрта ёшлардаги бир киши.

— Ие, кўриб айтаябсизми?—деди иккинчи киши та'на аралаш, — ахир қиз-ку.

Парашютчининг ким эканини билмай турганлар, чарим қулоқчинини ечгандан сўнг елкасига тушган икки ўрим сочини кўриб, ҳайрон қолишди. Қўлидаги гулдасталар қизнинг юзини беркитиб юборган. Кўпчилик уни кўришга шошиларди.

Радиода хабар қилинди. „Биринчи ўзбек қизи — парашютчи Башорат Мирбобоева 700 метр баландликдан парашютда сакради“.

II

Башорат Абдукарим отанинг ёнига келиб, ундан қўярда-қўймай темир йўл станциясида ишлаган даврини ҳикоя қилиб беришни сўради.

— Қўйсангчи, болам, эсимга тушса хўрлигим келади, эссиз ёшлигим, дейман.

Башорат, бунинг ма'носига тушунмай, яна сўради:

— Ахир нега хўрлигингиз келади, ота?

Абдукарим ота, тиз чўкиб ўтирганича, дўпписини тиззасига қўйиб, сўз бошлади:

— Мен ўша вақтда, ҳа, буни қара, анча вақт бўлибди-я, инкилобдан илгари вокзалда ҳоммол бўлиб ишлар эдим. Тонг қоронғисида кетиб, тунда қайтардим. Топганим турмушимизга етмас эди. Буниси ҳам майли-я, ҳаммасидан вокзалда ишлайдиган учта ўзбекни бошлиғимиз худди маҳбуслардек ишлатгани менга алам қиларди. Поездга яқин йўлатмас эди. Бир кун вокзал бошлиғи олдига бошқа иш талаб қилиб кираман десам, ўзимни қабул қилишдан ҳазар қилиб, хизматчисидан „ўзбекнинг поездда ишлашга ақли етмайди“ деб жавоб чиқарипти.

Башорат ҳайрон бўлди. Чолдан яна сўроқлайбошлади.

— Ота, аёллар ҳам ишлармиди?

— Болам, зап қизиқ гапни гапирасан-да, аёллар қаёқда. Ўзбек аёллари ўша вақтда поезднинг нима эканини билмас эдилар. Бир кун шундай воқиа бўлди. Бир жувон боласини йўқотиб, шаҳар кўчаларини обдон қидирипти. Охири вокзалга келиб, у ерда ҳам тополмагач, чарчаб вокзалнинг зинапоясида бир нафас дам олмоқчи бўлипти. Шунда станция навбатчиси келибти-ю, ҳалиги аёлни турғизиб, у ўтирган ерни қатрон қилдирипти. Шунини ўйла-сам, хўрлигим келиб кетади. Бечора аёлнинг нима гуноҳи бор эди!

Темир йўл ҳунар мактабининг ўқучиси Башорат Абдукарим отанинг ҳикоясини эшитиб, унинг ўтган умрига жуда ачинди. Башоратнинг кўз олдидан ҳозирги темир йўл станцияси, баҳайбат паровозлар, қатор тизилган вагонлар бирма-бир ўтди.

... Қоронғи тун. Паровоз зарур юк ортилган составни тезроқ манзилга етказиш учун шошилмоқда. Паровоз пешонасидаги катта карнайдан чиқаётган олов учқунлари аралаш қуюқ тутун кенг саҳрода ҳавога кўтарилмоқда. Мана поезд станцияга кириб келаятир. Унинг тезлиги ҳамон бирдак, станцияда тўхташ учун фурсат йўқ. Башорат паровоз эшигидан бошини чиқариб олдинга қа-

ради. Симофор очиқ. Ўз маркаси тиркалган темир халқани бир чекасидан ушлаб, зинанинг охирги пағонасига тушди. Ҳамон ўқдек учиб бораётган поезд станцияга кириб келди. Ўн метрча нарида қўлида фонарь ушлаб турган станция навбатчисини кўриши блан Башорат қўлидаги темир халқани ерга ташлади ва кўз очиб-юмгунча навбатчи қўлидаги халқани олиб, орқасига бир қараб қўйди...

Абдукарим отанинг қайғили ҳикоясидан сўнг чуқур ўйга толган Башоратнинг хаёлида юқоридаги манзара ёрқиради-ю:

— Қачон ҳақиқатга айланар экан бу хаёл?— деган фикр кўнглидан ўтди.

III

Башоратда паровоз машинисти бўлиш орзуси кун сайин зўра-ийиб борди. Ҳунар мактабини тамомлаб, машинистликка ўқийман деганида, „ёшсан“ деб қабул қилишмади. Башорат депода слесарь бўлиб ишлайбошлади. Шу зайилда орадан тўрт йил ўтиб кетди. Ниҳоят Башоратни „сенга оғирлик қилади“ деб, 1938 йилда машинист ёрдамчилигига „шартли“ қабул қилишди.

Дастлабки кунларда ҳақиқатан ҳам оғир бўлди. Паровоз ўтхонасига кўмир қалаш, станцияларда локомотивнинг кўз қамаштирадиган мураккаб қисмларига мой қўйиш, қисқаси машинистнинг ўнг қўли бўлиб туриш осон эмас эди. Аммо булар қанчалик қийин бўлмасин, Башоратда шунчалик ғайрат кўзготар эди.

Башорат машинист ёрдамчиси бўлиб узоқ ишлади. Ана шу даврда локомотивнинг тилини жуда яхши тушиниб олди. Паровознинг майда ремонтларини ўзи қилабошлади. Техника тезлигини оширишга ақли етадиган бўлиб қолди.

1943 йил. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли кунлари. Мамлакатимиз темир йўл транспорти соат механизмидай ишлаётган, темир йўлчилар эса ҳарбий юк, анжомлар ортилган поездларни тезроқ манзилга етказиб бериш учун неча кунлаб уйқидан воз кечган пайт.

Шу йили Башоратга локомотивни мустақил бошқариш ҳуқуқи берилди. У, дастлабки пайтларда узоқ масофага қатнамаса ҳамки, фронт эҳтиёжлари учун турли юклар ортилган поездларни белгиланганидан бир минут ҳам кечиктирмай тузиб, тез кунда деподагилар орасида кўзга ташланиб қолди. „Аёллардан машинист чиқиши қийин, уларга оғирлик қилади“ деб юрган ба'зи кекса машинистлар Башоратни севиб тилга оладиган ва:

— Оббо қизи тушмагур-ей, ҳа демай машинист ҳам бўлиб олди-я!— дейдиган бўлиб қолдилар.

Депо партия ташкилоти секретарининг кабинети. Депо бошлиғи, партком секретари блан алланималар тўғрисида маслаҳат қилиб ўтиришибди. Эшиқдан Башорат кириб келди.

— Келинг, Башоратхон, ҳорманг.

— Ҳали ҳориганимизча йўқ,— деди Башорат уларга қараб,— икковингизга бир илтимосим бор эди.

— Марҳамат, гапиринг,— деди секретарь.

— Менга, — деб сўзлай бошлади Башорат, — бошқа бригададаги аёлларни ўтказиб берсангизлар, мен аёллар бригадаси тузсам.

Партком секретари кулиб юборди.

— Оббо Башоратхоней, — деди у. — Тунови кунни партия йигилишида берган ва дангиз юзасидан бўлса керак-да?

Башорат индамади. Янги тузиладиган аёллар бригадаси масаласини эртаси кун депо бошлиғи блан ҳал қилишга ва'да олиб, чиқиб кетди.

Шу ойнанинг охиридаёқ Башорат Мирбобоева бошлиқ аёллардан иборат паровоз бригадаси, социалистик мусобақада голиб чиқиб, Ҳурмат тахтасига ёзилди.

Башорат бу блан қаноатланмади. У, ўзининг техника билимини ошириш мақсадида 1945 йилда Москвага борди. Йўллар Министрлиги мактабининг техника курсида ўқий бошлади. Мамлакатимизнинг барча шаҳарларидан келган темир йўл транспорти командирлари қаторида ўзбек қизи машинист Башорат Мирбобоева ҳам локомотивни бошқариш назариясини мукамал ўрганиб, муваффақият блан курсни тамомлаб қайтди.

IV

Мармар тошларга зарҳал блан ўйиб ёзилган лавҳаларни ҳар кун миң-миңлаб киши ўқийди. Тошкентнинг марказий кучасидаги бу Ҳурмат тахтасига сталинча бешйилликнинг илғор саноат корхоналари ва стахановчиларининг номлари ёзилган:

Мана шулар қаторида қуйидаги лавҳани ҳам ўқиймиз:

„Тошкент пассажир депосининг старший машинисти Башорат Мирбобоева“.

Ҳа, бу — ўша Башорат. Бундан ўн уч йил муқаддам ҳавода парвоз қилиб, ҳаммани қойил қолдирган, биринчи ўзбек парашютчи қизи комсомол Башорат. Бу — ҳозир пўлат йўлларда локомотивни моҳирлик блан бошқариб бораётган биринчи ўзбек қизи — машинист Башорат. Бу — Карим отанинг қайғили ҳикоясини эшитиб, машинист бўлиш хаёлининг ҳақиқатга айланишини истоган ўша Башоратдир.

ЁШЛАР САҲИФАСИ

САИДА ЗУННУНОВА

ЙЎҚ, СИЗ ЎЛГАН ЭМАССИЗ!

(«Ёш гвардия» ташкилотининг қурбон бўлган а'золарига)

Сизни эслаганда қалб изтиробин,
Ҳардам енгаолар қат'ият, гурур.
Йўқ! Сизга ўлим йўқ! Сиз ўлмагансиз!
То дун'ё тургунча кўрасиз умр!
Яшайсиз йигитлар жасоратида,
Қизларнинг орзуси, ҳавасида сиз.
Экранга тикилган миллион кўзларнинг,
Бутун вужудида, нафасида сиз.
Мен ҳам сизни кўрдим, сизни тингладим,
Сиз блан яшадим бирга ўша дам.
Қайғингиз йиғлатди, қувончингизга,
Боладек севиниб, бўлолдим ҳамдам.
Эҳҳе, у кунларнинг жабри, даҳшати,
Ҳали кўзимиздан кетганича йўқ,
Соғинган оталар ҳали ўглининг,
Жамолига тўйиб етганича йўқ.
Аммо шу кунларда яна сафсата,
Кўршапалак нурни енгмоқчи, гўё.
Бир тўда маҳлуқни қийнаган орзу,
Фақат кўкнорига хос бўлган ру'ё!
Атом, деб, вайсайди, атомдан кўра,—
Минг марта кучлироқ халқнинг газаби.
Бир кун харитадан тополмас аблаҳ,
Қаерда кун кўрган насли-насаби.
Ҳақиқат қуёшдек абадий порлар,
Доллар синдирилмас адолат белин.
Айтиб қўяқолсин тушини сувга,
Енгмоқчи бўлгунча Сталин элин.
Чунки қалбимизда Лениннинг меҳри,

Азамат рус халқин ғурури яшар.
Чунки шаҳид бўлган минглаб фарзандин,
Қонини ҳечқачон унутмас башар.
Сталин меҳри бор бўлган ҳар уйда,
Серёжа минг марта қилинади ёд.
Кошевой умридек барқарор этиб,
Сиз учун шаҳарлар қиламиз бун'ёд.
Садоқат уфқида Зухра юлдуздек,
Бир умр порлайди соф дил Ульяна.
Ҳар янги туғилган гўдак қалбида
Люба яшамоққа бошлайди яна.
Сизни эслаганда қалб изтиробин,
Ҳардам енгаолар қат'ият, ғурур.
Йўқ! Сизга ўлим йўқ! Сиз ўлмагансиз,
То дун'ё тургунча кўрасиз умр.

КОЛХОЗ БОҒИДА

Азим дарахтларнинг учидан қуёш
Заррин этагини тортқилаб олди.
Ложувард кўкдаги парча булутда
Ним пушти қизиллик товланиб қолди.
Яна ҳам яшнади боғнинг чиройи,
Тўшига оқшомнинг салқини тегиб.
Нарида бир аёл катта саватга
Шофтоли узарди новдани эгиб.
Ҳудди солдатларнинг сафидай текис,
Йўл бўйлаб экилган мирза тераклар.
Ғуборсиз ҳавода шивирлаб майин.
Ел блан ўйнарди зумраддек барглар.
Гулларнинг атрини упиради ел,
Гоҳида ғувуллаб ўтар болари.
Ҳу ана, гулзорда капалак қувлар
Колхознинг уч-тўртта шўх болалари.
Бир томон беҳизор, бир ёнда эса,
Зилол сувн блан жимирлар ҳовуз.
Бас, десак, кўнмайди боғбон ота ҳеч,
Устма-уст сўярди қовун ва торвуз.
Ҳар сафар қовунга пичоқ урганда,
Шириллар, сўкилиб кетгандай чоки.
Ишкомдан мўралар кўз-кўзлаб ҳусни
Сап-сарик товланиб пишган буваки.
— Олинглар, қизларим, еб ўлтиринглар.
Тилни ёради-я, қаранг, жонивор.

Шундай қовунлардан бизнинг колхозда,
Сизга айтиб берсам неча хили бор.
Яна боғимиз бор бундан бошқа ҳам,
Қисқаси — бу колхоз роҳати жоннинг.
Э болам, давлатнинг бўлгандан кейин,
Ҳар кун келгани яхши меҳмоннинг.
Ҳар йилги даромад етиб ошади,
Янгича уй солдим шу йил, яқинда.
Уч хона, таги пол, ками-кўстимга
Колхоз ёрдам берди жуда яқиндан.
Ота сўзлар эди ҳаммасин бир-бир,
Кўзида порларди бахти-иқболи,
Қувониб дейдики, болам, колхозим,
Бутун турмушимнинг мазаси, боли...
Тун қора либосин ёярди аста,
Аста тиккаланар кўкда тўлин ой.
Йироқдан эшитилар оҳангдор ялла,
Қайдадир шўх куйлаб оқар эди сой.

пўлат мўмин

УЧ ШЕ'Р

Ширинлик

Тунов куни бирқанча дўстлар,
Меҳмон бўлдик қовун полизда.
Бир тетик чол роса шодланиб,
Турли қовун келтирди бизга.

Сухбат қизиб кетди, чол деди:
— „Қани, айтинг, қовунлар нега —
Оғзимизга туйилар ширин?“
Қараб чиқди бир-бир ҳаммага.

Биз ҳам айтдик билганимизча,
Сунг сўрадик сабабин чолдан.
Махтаб кетди қовунларини:
— Ширинликда қолишмас болдан!

Нега бунча ширин бўлишин —
Болаларим, айтигин сиригин!
Замон ширин, ҳаёт ҳам ширин!
Меҳнат блан қовун ҳам ширин!

Узум пишганда

Салим ота меҳнатнинг завқин
Суриб юрар богда субҳидам.
Ишкомларда узумлар шарбат!..
Ҳаво салқин, оромбахш, кўркам...
Кўм-кўк барра ажириқларда
Ялт-ялт этар марварид-шабнам.

Қизи Нурхон келтирар сават,
Ишкомлардан узум узишар.
„Ҳой гала!“ деб, қуш қўрур Нурхон.
Чуғурчиқлар гурра учишар.
Ота-бола сават туддириб,
Қўрғонгача қараб юришар.

Катта супа, атрофи гулзор,
Нонуштада жамдир жамоат.
Бу оила бир дастурхонни,
Обод қилиб турар шу соат.
Ёз лаззатин суради барча,
Бирам тотли турмуш-фароғат.

Тўрда ота, ёнида ўғил,
Келин қуяр аччиқ-аччиқ чой.
Ота хурсанд фарзандларидан.
Ишга шошиб чой ичар Холвой.
Кампир бўлса набирасига
Суриб берар нонга саримой.

Дастурхонда ёзнинг не'мати:
Шофтоли, нок, чарас, ҳусайни...
Пишиқчилик, тўкин ҳарнарс.
Кузнинг гаштлик пайтидир айни.
Чол қизига айтар: — „Ол қизим —
Қайси бирин кўнглинг тусайди?“

Чолнинг кичик набираси-чи
Узумларнинг тортар бошидан.
Кампир дейди, унга тикилиб:
— Оббохолам ошди ёшидан.
Бу ҳам ўсар эркин ва тетик
Баҳра олиб бахт қуёшидан.

Салим ота фарзандларининг
Бир-бир қараб қўяр афтига.
Оилада зарра йўқ қайғи,
Чол кампирга қилар аския.
Ба'зан кампир чолга айтгани
Сўз тополмай қолар аксига.

Барча фарзандлари йиғилар.
Дастурхонда шундай ҳар даф'а.
Қаҳ-қаҳ уриб кулишар гоҳо,
Ба'зан чол ҳам айтар фалсафа:
— Сталин бор бахтимиз учун,
Биз умрбод бўлмаймиз хафа.

Кампирнинг қувончи

Гулнор биби енгларини шимариб,
Зўр завқ блан терар оппоқ пахтани.
Терганини хирмониға уяди,
Терга ботиб кетган эди наҳ, тани.

Гулнор биби терган кумуш пахталар,
Кечга қадар бир том бўйи уйилди.
Кампир хурсанд: ўз кўнглида хирмони,
Қорли тоғдан юксак бўлиб туюлди.

МАННОН ҒАНИ

БИРИНЧИ КУН

Эрта тонг. Урилди чинордаги занг,
Атрофга тарқатти теримдан дарак.
Сталин колхозида бошланди терим,
Гўё букун тўйдек шодланар юрак.

Эгатлар ичида саф-саф бўлишиб,
Пахта термоқдалар ёш-қари — барча.
Катта тол тагида, тандир ўчоқда,
Холдорхон ёпмоқда жиззалик кулча.

Кўринар қилинган меҳнатнинг изи,
Кўёшда етилган ҳар туп ғўзада,
Қумрихон деярди пахтасин кўриб. —
Каттакон тўй бўлар бу йил кузақда.

Саратон қорайтган қадақ қўлларни.
Юзлари ўхшайди худди ширмонга.
Қоровулдан тортиб от боқаргача,
Ҳиссасини қўшмоқда олтин хирмонга.

Ҳу, ана, Қумрихон термоқда пахта,
Уч этак бир зумда кўпчиб чиқибди.
Четан аравага Райимжон карвон,
Олтин пахталарни ниқтаб тиқибди.

Кун тиға келганда чиқишти ишдан,
Хирмонлар кўтарди аста-аста қад.
Катта тол тагида олишар ҳордиқ,
Бу йилги ҳосилдан хурсандлар беҳад.

Тушдан сўнг иш яна минди овжига.
Бир киши ўйламас қолишни букун.
Йил бўйи тўкилган пешона терга,
Шу ёқшом ясалди биринчи якун.

ФОЗИЛ ЗОҲИДОВ

Жангчи

СОҶЧИ КУЗИ

Бу кўз ёниб турар гўёки маш'ал,
Киприклари ёвга санчилгучи ўқ.
Шум қадам аблаҳнинг қисмати ажал,
Бу кўз беуйқудир, элга хатар йўқ.

Тунлар йилтиллайди сўнмас юлдуздай,
Чироғдекки, бўрон, ел та'сир қилмас.
Бу кўзга кечалар худди кундуздай,
Нигоҳи остидан ғаним қутилмас.

Бу кўзнинг олдидан ҳали кетмаган
Душманлар ҳамласи ва хавfli онлар.
... Таҳқирланган мурда ҳам кесилган тан,
Жанг уқубатлари, бегуноҳ қонлар.

Бу кўзнинг ўнгида бўлар намоён:
Қонли фожиалар, мудҳиш манзара.
Фашизм келтирган офат ва хазон —
Назаридан яна ўтар бир қарра.

Бугун ватан қўйни мурдорлардан пок,
Халқим офиятда қурар, яратар.
Аммо, соқчи постда хуш'ёр ва зийрак,
Ногоҳ юзланмасин бир хавфу-хатар.

Бу кўзга нур берган юксак ғоялар,
У содиқ нигоҳдон юрти азимга.
Ва кўрар яқиндир чин манзил, зафар,
Барча йўллар элтар коммунизмга.

Бу кўз кўриб турар шумка питалнинг,
Эртаги муқаррар ҳалокатини.
Ёв поймол этолмас асрларга тенг —
Ватаннинг равнақи — саодатини.

Узоқларга боқар соқчининг кўзи,
Порлоқ келажак ҳам келар қошига.
Кўрар Кремльда улуғ Сталин,
Кўёшдек нур сочар башар бошига.

ш. Томск
август, 1948 й.

ҚУДРАТ ҲИКМАТ

БОЛАЛАР БОҚЧАСИ

Ўртоқжон, Турғун
Мен блан юргин.
Бизнинг боқчани,
Бир бориб кўргин.
Пушкин боғидек
Гулзор боқчамиз.
Қизариб қолди
Гилос-олчамиз.
Янги Москвич,
Легковойлар бор.

Роса ҳайдасанг
Шамолдай учар
Пўлат танк, тўплар
Ҳаммаси бизда.
Кемамиз сузар
Ҳовузчамизда
Катюшамизнинг
Ўқлари олмас
Чегарамизга
Фашист йўлолмас!

ҚОДИРЖОННИНГ МАСЛАҲАТИ

Имтиҳон куни
Шодлик тўлқуни;
Ҳарёқни тутар
Бизларни кутар
Огайни Вали
Қараб тур ҳали.
Чорак якунда
Кўрамиз шунда:
Ҳарбир кишини
Қилган ишини
Синфбоши Толиб
Ҳисобга олиб
Мажлисда сўзлар:

— Ҳурматли, дўстлар!
Синфимиз ора
Кўпчилик бола
Беш баҳо олиб
Ўқишда ғолиб.
Уч тўрт ўртоқлар
Дардан оқсоқлар
Ҳаракат этса,
Уларга етса
Вожатий акам
Севиб чинакам
Табриклар бизни
Синфимизни.

Қум тоғни қоқ ёриб
Чўлга тик йўл солиб
Темир йўл қуришга
Элу-юрт киришган.

Парбвoз ҳарсиллаб
Вагонлар лорсиллаб.
Юк олиб ўтади

Шамолдай йўртади.
Энди у карвонлар
Тенги йўқ полвонлар.
Техника — зиннатни
Қудратли гигантни
Тўхтовсиз келтирар:
Саҳролар гуркурар.

А. ОЛИМЖОН

„ҚИЗИНГИЗ ЁЗДИ“ ШЕ’РЛАР ТЎПЛАМИ ҲАҚИДА

Ёш шоира Саида Зуннунова ўзининг биринчи китоби „Қизингиз ёзди“ номли ше’рлар тўплами билан ёш шоирларимиз қаторига мустаҳкам қадамлар билан кириб келди. Газета ва журнал саҳифаларида ора-сра учраб турган ше’рларига қараб, Саиданинг ижодига тўла баҳо бериш бир мунча қийин эди. Шу йил нашр этилган „Қизингиз ёзди“ ше’рлар тўплами унинг талантига, ше’рларининг ғоявий даражаси ва бадий кучига баҳо бериш имкони тугдирди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг бадий адабиёт соҳасидаги камчиликлар ва уларни тугатиш чоралари ҳақида чиқарган тарихий қарори ва совет адабиётининг буюк назариётчиси ўртоқ Андрей Александрович Ждановнинг „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари ҳақидаги машҳур докладидан сўнг, совет адабиётида, шу жумладан ўзбек совет адабиётида, поэзиямида ҳам олға қараб силжиш бўлди. Буни, даставвал, ўзбек совет адабиётида, айниқса ёш ижодкорлар орасида ҳозирги замон тематикасига, шу куннинг мавзу’ига кўпроқ аҳамият берилаётгани билан, иккинчидан, адабий фронтимизнинг сафларини янги, ёш қаламкашлар тўлатиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Шубҳасиз, адабий фронтимизда ҳали ҳам поэзия (гарчанд сон жиҳатидан бўлса ҳам) илғор ўринни ишғол қилиб келмоқда. Сўнгги вақтларда кетма-кет нашр этилаётган ше’р тўплamlари, поэмалар ва бадий-адабий журналларимизда, кундалик матбуотда босилиб чиқаётган ше’рлар бунга далил бўлаолади. Уларнинг тематикасига назар ташласак, шубҳасиз кўпчилиги партиямиз Марказий Комитети талаб этгандек, шу куннинг мавзу’и, совет воқи’лиги, совет кишилари, урушдан сўнгги сталинча бешйилликнинг илғорлари ҳақида ёзилган асарлардир. Лекин шуни ҳам қайд этиш лозимки, ҳозирги замон мавзу’ида ёзилган у асарларнинг сон ва сифат жиҳати ўзбек халқининг ўсиб бораётган талабларини тўла-тўқис қондирадиган даражада эмас. Бу соҳада жуда кўп ижодий меҳнат қилишимиз керак.

„Қизингиз ёзди“ ше’рлар тўпламини мана шу муҳим шартлар, талаблар нуқтай-назаридан таҳлил этганимизда, ёш шоиранинг ҳозирги замоннинг актуал масалаларига анчагина аҳамият берганини кўриб қувонамиз. Саида Зуннунованинг бу тўпламига 26 ше’р киритилган. Булар орасида совет халқининг доҳиси, бахт раҳнамоси, ғалабаларимизнинг илҳомчиси улуғ Сталин ҳақида, Москва ва Сталин Конституцияси ҳақида, ўзбек пахтакор колхозчилари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Фарҳод ГЭС қуручилари, қувноқ ёшлик ва Улуғ Ватан урушидан қайтаётган голибларни кутиб олиш, севган ёрнинг висолига етиш пайтидаги юрак ҳиссиётлари, туйғулари ҳақида куйланган ше’рлар асосий ўринни эгаллайди.

Саида Зуннунованинг улуғ Сталин ҳақида, Сталин Конституцияси тўғрисида ёзган ше’рлари („Сталинга“, „Бахт китоби“) ғоявий ва бадий жиҳатдан анча пишиқ ше’рлардир. „Сталинга“ деган ше’рида совет халқининг улуғ Сталин етакчилигида янгидан-янги зафарларга эришаётгани, тарихда мисли кўрилмаган ишлар қилаётгани, Сталин замонасида меҳнат аҳлининг фаровон ҳаёт кечираётгани шавқ-завқ блан тараннум этилади.

Ҳар кўнгилнинг кўзгусида, ҳар тонгнинг отишида,
Сенинг ўчмас номинг бор.

Азиз номинг буюк халқнинг мардонавор ишида,
Зафарларга жилвдор.

Шунинг учун бўйинсунмас тўлқинлар тушди изга,
Асрларнинг орзуси-ю, йилларнинг мазмуни бор.

Ҳар кунги ишимизда.

Сталин замонаси кишиларининг муқаддас конституцияга эга эканлиги, бу асосий қонун совет кишиларига меҳнат қилиш, илм олиш ва дам олиш ҳуқуқлари берганини қуриқ мадҳия блан эмас, юракдан, дилдан чиққан тўғридан-тўғри ҳис ва севги блан образли куйлайди:

Ўтмишда кўп жафо тортган отанинг

Ўғли бугун элга танилган олим.

Ожиз деб хўрланган ма’сум онанинг

Қизлари инжинер, доктор, муаллим.

Курортга жўнайди рабочий ота,

Дам олиш кунларин ўтказар унда.

„Бахт китоби“ ше’ридан.

„Бахт китоби“ жуда кичик ше’р. Сталин Конституциясининг меҳнаткашларга берган бахт ва ҳуқуқларнинг асосий қисмларини шоира шу кичкина ше’рида ихчамгина қйлиб баён этаолган.

Шоиранинг „Янги йил кечасида“, „Пахтакорларга“, „Висол баҳори“, „Колхозда“, „Расмингни кўрдим“ каби ше’рлари ҳам ғоявий-мазмун ва бадий жиҳатдан дуруст ше’рлардир. Масалан,

У яқинлашаётган янги йилни жозибали, эсда қоларли қилиб куйлайди:

Соат бир минут кам ун икки роса,
Шу минут ҳамманинг қўлидадир жом.
Шу минут ҳар уйда базм, тантана,
Шоирнинг фикрида ҳукмрон илҳом.

Мана шу тантанали онда ҳарбир совет кишисининг юраги инсонга бахтли йиллар бахш этган улуғ кишига чексиз муҳаббат блан тўлиб тошади, ҳарким янги режа ва ҳиссиётни қўзғовчи ҳархил туйғулар блан банд бўлади. Шоира кишидаги мана шу руҳий ҳолатни яхши ҳис этади:

Армия ёшини кутган новқирон,
Янги бир ҳаётнинг орзусида шод.
Ҳар уйнинг тўрида Сталин меҳмон,
Ҳар қалбнинг уриши уни қилар ёд.

Ёш шоира „Пахтакорларга“ ше'рида ҳам ҳарбир кишининг, айниқса пахтакор деҳқоннинг кўнглига ёқучи образлар яратади. Пахтанинг Ватанимиз учун нечоғлиқ зарур эканини қуруқ сўз блан эмас, амалий мисоллар блан, пишиқ мисра'ларда акс этди-ради:

Сталин асричинг олий хислати:
Меҳнатдан топади бахтини инсон.
Пахта экмак азал ўзбек одати,
Пахта — обрўй, шараф, пахта — иқбол, дон.

Саиданинг бу ше'рида чуқур, фалсафий фикрлар олға сурилади. Я'ни Сталин асрида инсоннинг бахтини очган, қадрини оширган омил — меҳнат; пахта эса — ўзбек халқининг обрусси, равнақи, бахти экани қайд этилади. Шунингдек, „Расмингни кўрдим“ ше'рида ҳам ёш шоира янги-янги ташбиҳлар, сифатлашлар, кишининг эсидан чиқмайдиган нозик ибораларни ўз ўрнида усталик блан ишлатади.

„Правда“да кўрдим расмингни кеча,
Севинчдан ўсгандек туйилди буйим.
Безамиш кўксингни орден бирнеча,
Мавж урди сен учун юракда куйим.

Бу мисра'лар орасида „Севинчдан ўсгандек туйилди буйим“ иборасига э'тибор берсак, бунинг бошқа шоирларда жуда сийрак учрайдиган чиройли образ эканини кўрамиз. Шоира Улуғ Ватан урушидаги жанговар хизматлари учун газетада сурати босилган севгилисининг расмига қараб қувонган бир совет қизининг юрагидаги чуқур туйғуларини тўла англата олган.

Энди „Колхозда“ (иккинчи ше'р) ше'рини олиб қарайлик. Унда оригинал ўхшатиш, сифатлашни кўрамиз:

Пахтазор мисоли бўлса бир денгиз,
Ҳар кўсак ундаги қимматбаҳо тош.
Ғоввосдек кўринди кўзимга шу дам,
Пахта тераётган ҳарбир кекса, ёш...

Бу ерда пахтазор — кўк денгизга, кўсаклар — қимматбаҳо тошларга, теримчилар — шу қимматбаҳо тошларни йиғайётган ғоввосга ўхшатилади. Шу ше'рда кузни тасвирланганда ҳам:

Куз сариғ либосга ўраб боғларни,
Олтин сув берипти ҳарбир япроққа.

деган жуда яхши жонлантириш берилади.

Юқоридаги ше'рлар ғоявий жиҳатдан анча юқори бўлиши блан бирга, бадий жиҳатдан ҳам пухтадир. Бу ше'рларнинг мисра'лари қалбга қўйилгандек яхлит, содда. Лекин бу содаллик ба'зи ёш шоирларимизда учрагандек насрга, оддий жумла тузилишига айланиб қолмаган, ше'риятнинг юксак бадий талабига муносиб бўлган бадий содалликдир. Улуғ рус адабий танқидчиси В. Г. Белинский поэзия доимо мусиқий асардек оҳангдор бўлсин деб талаб этган эди... „лирик асар мусиқий асар блан бир нарса эмас, лекин уларнинг асосий моҳиятида ўхшашлик бор...“ (Белинский). Белинский, лирик асарни сўз блан айтиб бериб ёки прозага айлантириб юбориб бировга ма'қул қилолмайсиз, дейди: „... Лирик асарнинг мазмунини уқиб олиш ҳеч вақт мумкин эмас. Уни на айтиб бериш ва на изоҳ қилиш мумкин. Лекин уни шоир қаламидан қандай чиққан бўлса, худди шундай уқиб бериш блан иккинчи одамга та'сир қилдириш мумкин; агарда уни сўз блан айтиб берилса ёки прозага айлантирилса, ва қанотлари чиройли ранг-баранг капалак ҳозиргина ичидан учиб кетган хунук, ўлик бир чиганоққа айланади...“ Белинский шунинг учун ше'рий асарнинг мусиқийлигини оҳангдорлигини ошириш, ше'рни прозаик сатрлардан серзавқ ше'рий сатрларга айлантиришни талаб этади.

Ўртоқ Жданов ҳам совет кишиларининг бадий завқи ошганини, китобхонларимиз серзавқ бўлиб қолганликларини э'тиборга олиб, бадий жиҳатдан юксак асарлар яратиш зарурлигини уқдириб ўтган эди. Поэзиямизга мана шу юксак талаблар нуқтаий назари блан қараганимизда, ба'зи ёш шоирларимизнинг ше'рларида бадий содаликдан кўра прозаизм, ўтакетган ибтидоийликни кўрамиз. Бу эса китобхоннинг гашига қаттиқ тегмоқда. Саида Зуннованинг кўпчилик ше'рларидаги мисра'ларнинг бадий жиҳатдан пишиқлиги, пухталиги, мусиқавийлиги, вазнлар ўлчовига риоя қилиш унинг дастлабки ижодий галабаси, албатта.

„Қизингиз ёзди“ ше'рлар тўпламининг мана бундай ижобий, қувонарли хусусиятлари блан бирга, шубҳасиз, анча жиддий нуқсонлари ҳам бор. Биз даставвал, ёш шоиранинг ижодида тематика-

нинг хилма-хиллигини қайд қилиб ўтдик. Тўпладан турли мавзу'га оид намуналар топаоласиз. Лекин малум мавзу'ни қанчалик конкретлаштириб бераолганини текшириб қарайлик. Масалан, тўпламга қишлоқ хўжалиги мавзу'идаги ше'рлар кўпроқ киритилган. Шоира социалистик қишлоқ мавзу'ида ёзганда, фақат пахтакор-теримчи, пахтакор-кетманчинигина кўради. Ваҳоланки, социалистик қишлоқни, қишлоқ хўжалигини, техникасиз — тракторчи-универсалчи ва агрономсиз, турли хилдаги қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқаручи кишиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги қишлоқнинг асосий хусусияти ҳам шунда. Бу эса шоиранинг диққатидан четда қолган. Саида пахтакорларни йўлда („Йўлда“ ше'ри), область кенгаши залида („Пахтакорларга“) ва уйда („Колхоздаги биринчи кун“ ше'ри) кўради. Пахтакорларни меҳнат процессида, далада кўрганда ҳам теримни кўрсатишдан нари ўтмайди.

Худди шунингдек, ёш шоира саноат мавзу'ида ҳам қалам тебратар экан, унга бир томонлама, юзаки ёндошади. Фарҳод ГЭС қурилишини хира тасаввур қилади. Шунинг учун ҳам унинг саноат мавзу'ида ёзган ше'рлари бир-бирларини қайтаришдан иборат бўлиб қолган. Масалан, „Ушалган орзу“ сарлавҳасида икки ше'р ёзилган. Иккалавиди ҳам Фарҳод қурилиши туфайли чўлга сув ва нур бериш масаласи ҳал этилаётгани куйланади. Шоира иккала ше'рда ҳам мазмунни айнан бир фикрни такрорлайди:

Ишлайди қўпориб тун-кун тоғу-тош
Етмиш минг азамат Фарҳод тоғида,
Ушалиб орзуси, нурланиб кўзи
Мағрур ўлтиради Ширин боғида.

(„Ушалган орзу“—биринчи ше'р):

Шириннинг қалбида ечилган орзу,
Ўзбек иродасин тантанасидир,
Ватан висолига тўлдириб ёғду,
Фарҳод чироғлари порлади мағрур.

(„Ушалган орзу“ —иккинчи ше'р):

Яна шуниси характерлики; худди шу мазмундаги фикр энг яхши ше'рларидан бири бўлган „Пахтакорларга“да ҳам такрорланади. Демак, ёш шоирамиз ҳали қишлоқ хўжалиги ва саноатимизнинг асосий турлари ва хусусиятлари блян яхши таниш эмас.

Тўпламдаги ше'рлар орасида гоёвий жиҳатдан нўноқ, сиёсий тайёрлиги кам бўлган ўқучини нотўғри тушунчага олиб борадиган мавҳум (абстракт), чалкаш мисра'лар ҳам учраб қолади. „Москва“ ше'рини мисолга келтирамиз. Унда шундай мисра' бор:

Она ўз боласига қанча меҳрибон,
Меҳри-муҳаббат бўлса ягона.
Болага — онг-ақл, умр берса ҳам,
Тақдирин берганмас ҳечқайси она.

Бунда она болага онг-ақл беради дейилади. Бу чучмал фикр. Она болага ҳаёт бағишлайди, тарбиялайди, аммо кишининг онги — тушунчаси ва дун'ё қарашини асосан турмуш, муҳит белгилайди. Шоира бу ерда оила тарбиясини кўзда тутса керак. Оиладаги тарбия ҳам ижтимоий муҳит та'сирида ҳархил бўлиши мумкин. Ҳам оила ҳам ижтимоий меҳнатнинг инсон ҳаётидаги асосий роли кўрсатилмаса, ше'рда олға сурилган ғоя бир томонлама бўлиб қолади.

Яна бир мисол: „Ушалган орзу“да (иккинчи ше'р) чалқаш фикр бор. Я'ни Фарҳод қурилиши у ерда оғир саноатнинг вужудга келтирилиши ҳам „Фарҳод ва Ширин“ афсонасидаги Шириннинг орзуси-ку, шуни ўзбек халқи ҳозир амалга оширди, деган хато фикр олға сурилади.

Шириннинг қалбида ечилган орзу,
Ўзбек иродасин тантанасидир.
Ватан висолига тўлдириб ёғду,
Фарҳод чироғлари порлади мағрур.

Туғри, канал қазиб чўлларга сув чиқариш Шириннинг, я'ни халқимизнинг қадимдан бери давом этиб келаётган орзуси эди. Лекин Ширин ва унинг замондошлари Сталин замонасида ҳозирги юксак техника асосида совет халқи вужудга келтираётган гигант қурилишларни хаёлга ҳам келтираолмас эдилар. Ҳозир ўзбек халқи Шириннинг сув чиқариш тўғрисидаги орзусидан ҳам юксак орзуларга эришди. Демак, Фарҳод ГЭСдаги тантана, сув ва нур муаммосининг ҳал этилиши, ўзбек халқи эришган буюк маданий ва сиёсий ғалабалар Ширин хаёлининг, Ширин юрагидаги планнинг айнан ўзи эмас, албатта.

Худди шундай нотўғри фикр „Ушалган орзу“ ва „Ширин кокили“ ше'рида ҳам такрорланади. „Ширин кокили“ энг муваффақиятсиз ёзилган ше'р бўлиб, унда шоира аруз вазнининг расмқоидаларига ривож қилишга интилади ва бунда тажрибасизлик қилиб, мужмал, мавҳум, тушиниб бўлмайдиган мисра'лар гирдобида гангиб қолади. Масалан:

Кокилинг орзусида чекмас эди
Фарҳод фиғон,
Бўлмас эрди зафарларга гаров
ҳар кокилинг.

Бу мисра' блан Саида нима демоқчи? Тушиниб бўлмайти. Фарҳод ГЭС қизларига қарата: „Ҳарбир кокилинг зафарларга гаров бўлмаса, Фарҳод фиғон чекмас эди“ дейдими, ёки „Кокилинг гаров бўлгани учун Фарҳод фиғон чекиб қолди“ дейдими? Бу ҳолда яна нотўғри фикр чиқиб қолади. Бу ше'рда шунга ўхшаш мужмал, бема'ни мисра'лар кўп учрайди.

Яна бир мисол: „Йўлда“ ше'рида пахтакор деҳқоннинг ўтмишдан қилган ҳикояси сўзланиб: „Эҳа, қайғу-аламларга ҳам, ўз вақ-

тида берганмиз бардош^а дейилади. Бу бир томонлама, юзаки фикр. Чунки ўтмиш тарих — синфий курашлар тарихидан иборат. Бас, шундай экан, ўтмишда кишиларимиз зулмга қарши фақат бардош берибгина шу яхши кунларга етиб келганлари йўқ, балки бунга кураш натижасида эришишди. Бу ерда шоира фикрни тўла ифода этаолмагани учун ше'рнинг ғоясига анча зарар етган.

Энди тўпламдаги ше'рларнинг бадий нуқсонларига тўхтайлик. Бу нуқсон ва етишмовчиликлар, асосан, ше'р тили устида қунт блан ишламасликдан келиб чиққан. Бунга ноўрин сифатлаш, қофиялар тартибини бузиш, ше'рни тугаллай олмаслик, манзара ва момент тасвирида пала-партиш иш кўриш ҳам сабаб бўлган. Бир-неча мисол келтирамиз. „Ҳаёт каби севишлидир кўнгилнинг яйрашида, этилади ёд номинг“, („Сталинга“ ше'ридан). Бу ерда: „Яйраган кўнгилларда номинг ёд этилади“, дейилмоқчи, лекин бу фикр тўғри ифода қилинмаган.

„Сенга э'тиқодим шу қадар буюк, қал'ангдай мустаҳкам, меҳринг каби кенг“ („Москва“). Э'тиқоднинг кучли, кучсизли бўлади, лекин тор-кенги бўлмайди. „Ҳаводан пуркийди (нимани? — А. О.) совуқ томчилар“, „Ёруғ бахт...“ (Ойдаги. сир — қоронғи бахт бўлмайди), („Меҳрини беркитгин дилга“) меҳрини дилга жо қилгин дейилади. „Зафарларга жиловдор“ (?!) „уч тўрт булут“ каби-лар. „Москва“, „Портрет“, „Колхозда“ каби ше'рларида эса, қофиялаш тартиби анчагина бузилади:

Тўпламдаги ба'зи ше'рларнинг мавзуини аниқлаш қийин, ба'зан қарама-қарши жумлалар учрайди. Масалан, „Портрет“ ше'рида асосан дала шийпонидаги дам олиш пайти берилади. Лекин энг охирида бир кампирнинг Ленин расми учун рамка яساتгани шошапиша, жуда қисқа айтилади. Мақсад ҳордиқ вақтини акс этдиришми, кампирнинг улуг Ленинга меҳрини кўрсатишми, ҳарҳолда биринчи мақсад кўпроқ талқин қилинади. Шунга қарамай ше'р „Портрет“ деб аталади. Шу ше'рда қарама-қарши моментлар ҳам бор. Ше'рда бир ўринда „дала жимжит эди“ дейилса, бироз сўнграқда „шўх майин овозлар эшитилади“, дейилади. „Дун'ё севинчдан тўлқинланди бир“ ше'рида шоира мавзу'ни тўмтоқ акс этдиради. Я'ни ўртоқ Сталиннинг 1946 йилда Америка газета уюшмасининг президенти Бейли саволларига берган жавобдаги фикрларининг асоси қамраб олинмаганидек, савол-жавобда, асосан, қандай масалаларга тўхтанилгани англашилмай қолади. Малумки, унда ўртоқ Сталин янги уруш оловини ёқучиларни фош қилади, мамлакатлар блан тузиладиган сулҳ шартномалари, Германияни демократлаштириш йўллари, атом энергиясини назорат остига олиш ва СССРнинг урушда вайрон бўлган районларини тиклаш муддатлари ҳақида ажойиб фикрлар айтиб, СССРнинг тинчлик сиёсатини уқдириб ўтган эди. Ше'рда мана шу асосий мазмунлар акс этмагани натижасида ше'рдан ҳечким ҳечнима тушунмайди ва ундан бадий завқ ололмайди. Худди шунга ўхшаш „Тўй“ ше'рининг даври ҳам аниқ эмас. Ваҳоланки, ҳамма нарса, воқиа замон ва макон бирлигида акс этдирилиши керак.

Саида Зуннунова бадний ижодда ҳали ёш. Унинг ўсиши, ижодий улғайиши учун катта имкониятлар бор. У ўз ишидаги хато ва камчиликларни битириш ва каттароқ асарлар яратиш учун ҳаётни чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилиши керак. Чунки ўртоқ Жданов айтканидек: „Мамлакатимизни томир-томиридан ўзгартган катта ангеликлар блан бирга, бизнинг ўзимиз ҳам ўзгардик, ўсдик. Совет кишиларининг бу янги хислат ва фазилатларини кўрсатмак... 'Совет ёзучисининг вазифасидир“.

Ёш шоирамиз Саида Зуннунова қўлига лира чалғусини олган. Бу чолғуси анча яхши созланган ҳам. Яхши машқ чалиб беришга қўли ҳам келишиб турибти. Ба'зи яхши машқларни моҳирлик блан ижро этиб кўнглимизни хушнуд ҳам қилди. Лекин ора-чира пардаларни нотўғри босиб, „куйини“ бирмунча бузиб ҳам қўяди. Шунинг учун ўз ижодидаги нуқсонларни тугатиш, уни тугатиш учун эса зўр бериб ўқиш, ижодий малакасини тинмай ошириши жерак.



МУНДАРИЖА

Шайхзода. Комсомолга. Ше'р	3
Хамид Фулом. Олмос қизи. Повесть	4
М. Бобоев. Далада. Ше'р	41
Шухрат. Йўлда. Ше'р	43
С. Абдулла. Амударёга. Ше'р	45
Сайфий. Теримчи қизлар. Ше'р	46
Ҳабибий. Ватан. Ше'р,	47
Қ. Муҳаммадий. Ризобобо. Ше'р	48
Санд Аҳмад. Болтабой. Ҳикоя.	50
В. Рўзимат. Сав'аткор. Ҳикоя	55
Санд Назар. Комсомол. Ше'р	60
А. Третьяков. Баҳоркорликда. Очерк	61
Ё. Шукуров. Шоғли йўл. Очерк	82
Ев. Корейн. Людмила Айюпова ва унинг дўстлари. Очерк	94
Раҳмат Файзий. Улғайиш. Очерк	103

ЁШЛАР САҲИФАСИ

С. Зуннунова. Икки ше'р	107
П. Мўмин. Уч ше'р	110
М. Ғани. Биринчи кун. Ше'р	112
Ф. Зоҳидов. Соқчи кўзи. Ше'р	113
Қ. Ҳикмат. Уч ше'р	114

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

А. Олимжон. „Қизипғиз ёзди“ ше'рлар тўплами ҳақида	116
--	-----

РЕДКОЛ ЛЕГНИЯ: *Ойбек (мас'ул муҳаррор), Ғафур Ғулом, Яқия, Улғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ж. Шарифий М. Амрабий, Сами' Абдуллаев.*

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 10

Орган Союза советских писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Қазл Узбекистан“ и „Правда Востока“

Ташкент—1948

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:
Тошкент. Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 32-889.

Босмига руҳият ағдди 29/ХІ—1948 й. Р 05420 Қозғоз формати 60x82/16. Босма ахсти 755.
Тиражи 6000. Намр. № 1179. Баҳоси 5 сўм.

Тошкент „Қишл Узбекистан“ ва „Правда Востока“ нашриёт босмаханаси, Заказ № 1149

465642



Баҳоси 5 сўм.

1128